


1972/6



ӨКР  
М...

ГУЛИСТОН  
6  
1972



# ЖАСОРАТ

«Қилаётган ишингни севгин, шунда ҳатто энг оғир, машаққатли меҳнат ҳам ижод даражасига кўтарилади».

М. ГОРЬКИЙ



**С**

одиқжон хизмат тақозоси билан пахта далаларини кўп айланарди. Ҳар сафар одамларнинг берган саволларига қурби етувча жавоб қайтарарди. Бу гал пахта ичида туғилиб, пахтазорда суяги қотган деҳқоннинг саволига аниқ жавоб қайтаролмади. Мичуриннинг сўзларини айтиб, фикрини ўқирмоқчи бўлдию, бу ҳам ўзига эриш туюлди. Уша чолнинг қиёфаси ҳамон кўз ўнгида. Чол тут соясига йиғлагудек бўлиб турарди.

— Бутун пайкални оқпалак босиб кетди. Давлатга гўзапоя топширамани, болам!

Чолнинг аҳолини кўрган ҳар бир одам унга ачинарди. Шашти суст, қовсғи солиқ, овози паст; кўздан нур, белдан қувват кетгандай. У ҳосил тақдирини ўйларди. Ерни, элни ўйларди.

— Хафа бўлманг, отахон, ҳамма дардга бор даво, фақат ошиқлик дарди бедаво,— деб ҳазилга олмақчи ҳам бўлди Содиқжон. Чол индамади. Шундан сўнг Содиқжон ҳозир фан тараққий этиб кетгани, сил, ришта, безгак, чечак ва бошқа кўплаб касалликларни даволашда медицина эришган ютуқлар ҳақида гапира кетди. Чол бу гапга ҳам унча эътибор қилмади. Бунни кўрган Содиқжон:

— Отахон, ҳар бир нарсанинг ўз кушандаси бўлади. Шояд оқпалакнинг кушандаси ҳам топилса ажаб эмас,— деди. Чол «қани ўша кушанда!» дегандай унга ялт этиб қаради.

— Вақти-фурсати келиб, албатта топилади. Ҳаёт кўйган муаммоларни фан эртами-кечми албатта ҳал қилган.

— Бунни кўп эшитганман, ўлим. Кошқийди фан ютуқларига таяниб, аждодлар тажрибасига суяниб, оқпалакка даво топишса,— деди чол.

Шу билан сўхбат узилди. Отанинг гапи Содиқжонга қаттиқ таъсир қилди. Кўп ўтмай уни Қаршидан Бувайдага, у ердан Қорақўл районига ишга юборишди. Лекин у қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, ўша пахтакор отанинг гапи қулгунининг тағида жаранглаб турди.

Айтишларича, даракдан ерга тушган олмани кўрган Исаак Ньютон, нега у осмонга чиқиб кетмай, ерга тушди, деган муаммони ўйлайвериш, охири оламнинг жозибаси қонунини кашф этган экан. Шунга ўхшаб, вилт тушган пахтачи кўрган Содиқжоннинг кўз олдида ҳам доим ўша муаммо, ўша пахтакор ота сиймоси пайдо бўлиб: «Хўш, нима бўляпти, ўғлим! Гўзани оқпалакка ем қилиб ўтириверамизми?»— делятгандай бўларди.

Содиқжон Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси институтига ишга келди. Вилт бўйича илмий иш олиб бориш ниятини айтганда, айрим кишилар сиртига чиқармаса-да, ичида «Қарқуноқдан булбул чиққани шу-да! Атоқли селекционерлар бу офатнинг йўлини тўсолмай юраклари эзиляптию, ёш мутахассисга йўл бўлсин!» дейишарди.

Чин юракдан йиғласа, сўқир кўздан ёш чиқади. Содиқжоннинг аҳди — вилтнинг йўлини тўсиш! Бутун фикри-зирки шунда бўлди.

Селекциядаги назария ва фаразларни йиллаб ўрганди, қоғиштирди. Шу пайтгача ҳеч бир селекционер юрмаган йўлдан боришга, фан қўриғидан ўз сўқмоғини очишга аҳд қилди. Лекин баъзи ҳамкасблари: «Ишқилиб, уялиб қолмасак-да! Уят ўлимдан қаттиқ! Майли, яна ўзингиз биласиз»,— деб кўйишарди.

Содиқжон ҳеч нарсга эътибор бермай тажрибаларини давом эттирди. Нишонига олинган дургайлар ҳали талабга жавоб бермасди. Бунни кўрган ҳамкасблари Содиқжондан қўлларини ювиб қўлтиққа уришди. Лекин ёш олим ўзининг илмий фаразини қоғозга туширди ва бир ҳамкасбининг қўлига берди. Орадан бир неча кун ўтгач, ишини қайтариб оларкан, саҳифаларга кўзи тушди. Унда ҳамкасби фикрларини ёзиб қўйганди. Ўзув «Танлаган йўлингиз нозик, қалтис...» деган мазмунда. Бу гап ҳам Содиқжонни эсанкиратиб қўймади. Вилтга қарши кураш ҳақида ўз вақтида Н. И. Вавилов, И. В. Мичурин, А. А. Ячевский каби олимлар ҳам ўз фикрларини баён қилганлар. Вавилов касалликнинг ватани қаерда бўлса, касалликка чидамли ўсимликларни ҳам ўша ердан изламоқ керак, деган эди. Устозининг бу фикрини унинг шоғирдлари В. С. Пустовойт ва П. П. Лукьяненколар касалликка чидамли буғдой ва кунгабоқар навини яратиб, амалда исбот қилдилар.

Пахтачилик соҳасида атоқли олимлардан Ф. М. Мауер ҳам жаҳон коллекциясида маълум бўлган ёввойи ва маданий гўза уруғларини тўплагач. Лекин у асосан, гўза турларини системалаштириш масаласини ўрганган. Содиқ Миррахмедов эса жаҳон коллекциясида маълум бўлган ёввойи гўзалар уругини қайтадан тўплай бошлади.

Уша вақтда селекция гўза навларини ўзаро чаतिштириб, вилтга чидамли нав яратиш назарияси билан шуғулланарди. Лекин бу назария амалда кутилган натижани бермади.

Тажрибада синалмай рад этилган яна бир илмий фараз ҳам бор эди: у ҳам бўлса, ёввойи гўзаларни маданий навлар билан чаतिштириб, вилтга чидамли янги нав яратиш масаласи. Содиқжонни мана шу масала кўп ўйлантира бошлади. Селекция соҳасида манман деган олимлар ҳам бу фаразга рад этилган. Балки уларнинг шубҳасида ҳам жон бордир...

«Йўқ,— деди Содиқжон ўз-ўзига,— чумчуқдан кўрққан тарик экмайди. Ҳақиқат мезони — тажриба. Тажрибада кўриш керак. Сирасини айтганда, масаланинг бу томонига ҳеч ким қўл урмаган».

Тажриба участкасида иш бошланди. Олим хирзитум турига мансуб мексиканум деб номланган ёввойи гўзада вилтга ва қуроқчиликка чидамлилик хусусиятлари борлигини ватанимиз пахтачилик тарихида биринчи марта амалда исботлади. Гўзанинг бу хусусияти дургайларга ўтишини чаतिштириш йўли билан аниқлади. Бу олимни янги изланишларга рағбатлантирди. Лекин битта қалдирғоч билан баҳор бошланмайди. Қолаверса, олинган дургайда ёввойи навнинг кам ҳосиллик, кеч пишарлик аломатлари ҳалақит беряпти. Толасининг сифати талабга жавоб берадиган даражада эмас.

Олинган дургайлар яна чаतिштирилди. Ахирги ёввойи гўзанинг вилтга чидамлилиги, маданий навнинг эса ҳосилдорлиги янги навага ўтди. Бунни кўрган Содиқжон ўзида йўқ шод. Лекин селекцияда санамай саккиз дейиш

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



№ 6 (66) 1972

Июнь

Ўзбекистон  
Компартияси  
Марказий  
Комитетининг  
журнали

1925 йилдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

СССР



СССР Олий Совети депутати, илгор фрезерчи Альбина Девятованинг ватанпарварлик ташаббусига республикамизнинг минглаб ишчилари яқдиллик билан қўшилдилар.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

# ИШНИНГ

## КЎЗИНИ

### БИЛГАЧ

... Иш вақти тугашига бир соатча вақт қолганда қорачадан келган ёшгина бир аёл Тошкент авиация заводи дарвозасидан чиқади-да, Октябрь район ижроия комитети томон йўл олади. СССР Олий Советининг депутати, фрезерчи Альбина Девятова, одатдагидек, сайловчиларини қабул қилади.

Мен унинг қабулида бўлганман. Альбина Александровнанинг мураккаб, кўпинча чалқаш масалаларни тadbиркорлик ва мулоҳазза билан ҳал этганини кўрганман. Масалаларнинг бунчалик оддийгина ҳал этилиши, даставвал унинг ишга амалий ёндоша билишидан, бой ҳаётий тажрибага эғалигидан далолат берарди. Депутат ўша заҳот раҳбар ходимларини ҳузурга чақириб, бу топшириқнинг натижасини текшириш учун ён дафттарчасига белги қўйди. У ишни аниқ, пухта ва тежкорлик билан бажаради.

Ишчилардан иборат коллективимизда бошқарувчилик қобилиятига эга бўлган одамларнинг кўплиги қандай яхши, депутатларимизнинг ишлаб чиқаришда мўъжизалар яратувчи кўли гул киши-

лар эканлиги қандай қувончли,— деб ўйлаб кетасан киши.

... Цехга кирaverишда чиройли ном билан аталувчи чоғроқ «Жальгирис» дастгоҳи, ундан сал нарироқда эса анча катта фрезер дастгоҳи турибди. Дастгоҳ ёнида берилиб ишлаётган Альбина Девятова.

Заводнинг учинчи цехида кўп хил деталлар ишлаб чиқарилади. Шунинг учун бу жой кичик нормалар цехи деб аталади. Ишлаб чиқариш программасининг бажарилишини таъминлаш учун махсус мосламаларгина эмас, балки ишчининг бой тажрибаси ва маҳорати ҳам зарур.

Масалан, маҳкамловчи мурватлардаги ўйиқни фрезерлаш учун қанча вақт кетади? Технология бўйича бу ишга ярим минутдан сал кўпроқ — 36 секунд вақт сарфланиши керак.

Альбина Александровна эса бу ишни атиги 13 секундда бажаради. У бир вақтнинг ўзида икки хил усулни икки кўли билан ишлашни, у дастгоҳдан бу дастгоҳга ўтишни ўрганиб олган. Бошқа деталларни фрезерлашда ҳам худди шун-

дай иш тутади. Кўпинча у мастер, технолог ва контролёр билан маслаҳатлашиб туради. Бу ҳамкорлик яхши натижа бермоқда. Боллар ва мурватлардаги ўйиқларни фрезерлашда меҳнат унумининг кескин ошиши бунинг натижасидир.

Эски технология бўйича болларга кўндалангига фрезерловчи дастгоҳда ишлов берилади. Болт патронга маҳкамланиб, вертикал узатгич ёрдамида фрезерланади. Бу, кишини чарчатиб қўядиган иш эди. Асосийси, иш унуми жуда ҳам паст эди. Ниҳоят Альбина Девятова комплекс комиссияга тез ҳаракатланувчи қисқичли янги мослама лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этди. Узатгич узунасига ишлайдиган бўлди.

Бу янгилик арзиманган нәрседек туюларди. Лекин натижаси кўзга яққол ташланиб қолди: столни у ёқдан-бу ёққа суриб, деталларни маҳкамлашга сарф қилинадиган вақт камайди. Иш унуми 30 процентга ошди. Мурватлар ўйиқни фрезерлаш жараёни ҳам шу усул билан икки баравар тезлаштирилди. Меҳнатни севиш билан

фоят қалтис: мулзам бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Селекция тарихида бунга мисоллар кўп.

Дастлабки муваффақиятлар билан янги қийинчиликлар ҳам пайдо бўлди. Янги навларнинг уруғини кўпайтириш мушкул экан. Қондага биноан янги навлар фақат вилт билан зарарланмаган пайкалларда кўпайтириларди. Бу ўринда ҳам Содиқ Мираҳмедов ўзига хос йўл тутди. Янги навларни вилт билан қаттиқ зарарланган пайкалларга экмочқи бўлди. Республиканинг турли областларидан синоу участкасига махсус қопларда вилт билан касалланган ғўза барглари келтирила бошланди. Улар вилт билан зарарланган участканинг «жазавасини» ошириш учун ерга солинди. Қўлбола «вилт майдонии» ҳосил қилинди.

— Вилт ғолиб чиқадими, инсонми?— деган савол кўндаланг бўлиб турарди, — деб эслайди ўша даврларни Содиқжон.— Янги навлар вилтнинг акашак кўлида жингиртоб бўлиб, шафтоли қоқндай бужмайиб қоладими ёки бу навлар оқпалакни даф этадими? Масала шунда эди. Вилтга анча бардошли ҳисобланган «152-Ф», «159-Ф», «С-4829», «С-2501» навларининг силласини худди шу вилт қуритган эди. Янги навлар эса вилт билан узоқ олишди. Енгилмади. Бу навлар вилтга чидамлилиги, эрта пишарлиги, ҳосилдорлиги ва толасининг сифатлари жиҳатидан ҳам юқоридаги навлардан анча устун чиқди. Бунинг устига, янгиликни қўллайдиган дадил пўхалик раҳбарлари ҳам топилди. Янгийўл районидиги «Коммунизм» колхозининг раиси,

республикада хизмат кўрсатган пахтакор Маҳмуд Исмамов, ҳосил тақдирига бошим билан жавоб бераман, янги нав ўзини оқламаган тақдирда ҳам, етказилган зарарни ишлаб тўлаганим бўлсин, деб туриб олди. Колхозда 660 гектарга янги нав экилди. Уша йили об-ҳаво анча серхархаша келган бўлса ҳам, натижа ёмон бўлмади.

Янги нав эл озаига тушиб қолди. 1969 йилда бу нав 360 гектар майдонга экилган бўлса, 1970 йилда 9 минг гектар элга, 1971 йилда 200 минг гектар ерга экилди. 1972 йилда салкам бир миллион гектар ерга — вилт билан зарарланган ҳамма пайкалларга «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» навлари экилди...

— Демак,— дедим мен,— оқпалакнинг ёнбоси ерга тегибди-да?

— Слим ўйланиб қолди.

— Ҳа, лекин вилтга қарши кураш давом этади. У ўч олиши мумкин. Илдизига болта уриб, замбуруғини қуритиб, шишага солиб табиат музейига қўймагунимизча кураш давом этади.

— Уша Мексика ёввойи ғўзасининг ўзини экиб қўяқолса бўлмасмиди? — Бўлмайди. Унда бўйдан бор-у, ҳосил кам. Бизнинг шароитда фақат ғўзапопа беради. Лекин биз селекционерлар унинг ёрдамида 10—15 йил вақтини ютдик. Энди шуну унутмаслик керакки, алмашлаб экишга қатъий амал қилинмаса, вилтнинг янги хиллари пайдо бўлиб, бу навлар ҳам вилтга чалинувчан бўлиб қолиши мумкин.

рационализацияни бирга қўша билган беш йиллик зарбдори кутилган натижага эришди.

Альбина Александровна — оммавий ҳаракат ташаббускори. Унинг: «Меҳнат унумини ошириш бўйича беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажарамиз!» деган шиори республикамизнинг минглаб ишчилари учун шиор бўлиб қолди.

Бу ташаббус қандай бошланди? 1971 йилнинг март ойида партиянинг тарихий XXIV съезди арафасида заводнинг 3-цехида очик партия мажлиси бўлиб ўтди. Коммунистлар корхона ишларига зўр қизиқиш билан қарадилар, устакларда ишни яхшилашга оид ўз тақлифларини киритдилар. Мана шу партия мажлисида машҳур фрезерловчи ўз тақлифини ўртага ташлаган эди. Коммунистлар бу тақлифини қизинг маъқулладилар. «Беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажариш... Бу — жуда яхши тақлиф, уни қўллаб-қувватлаймиз!» — дейишди улар.

Орадан кўп вақт ўтмай Альбина Александровна цехнинг меҳнат ва иш ҳақи бюроси бошлиғи коммунист Владимир Кочегаров билан биргаликда синчилаб ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Беш йиллик плани 1974 йилнинг 31 декабрида бажариш учун ҳар сменда ва бир ойда қанча норма-соат зарурлигини аниқлаб олиш керак эди. 1971 йил 1 январьда иш унуми даражасига нисбатан ойдлик топшириқни бешдан бир ҳисса ортиқ эди этиш лозим эди.

— Бемалол удалайсан, — деган эди ўшанда Владимир Михайлович ишонч билан. Бу шунчаки руҳлантириш учун айтилган гап эмасди. Кочегаров таниқли фрезерловчининг бу ишни бажара олишига қўзи етарди. Бироқ шунга қарамай Альбина Александровна ўзи бошлаган ташаббуснинг нечоғлик масъулятли эканини яхши биларди.

Нималар вазига энг юқори кўрсаткичга эришиш мумкин? Иш кунидан унумли фойдаланиш вазигаги ёки техникани такомиллаштириш тўғрисида?

— Бунга ҳар иккала шартни бажариш билан эришилади, — деди завод комитетининг раиси Абдураҳмон Туюнбоев. — Булар мусобақадошлар амал қилишлари керак бўлган асосий шартлардир. Мана кўриб турибсизки, ташаббус учун бизда барча имкониятлар бор.

Янги ватанпарварлик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Пойтахтимиздаги Ҳамза районининг ўзида бу ташаббусга 4 мингдан ортиқ киши қўшилиди.

— Альбина Александровнанинг иш унуми ўсиши динамикаси диққатга лойиқ, — дейди Владимир Кочегаров, — агар мусобақа бошлангачи арафасида, яъни 1971 йилнинг январь ва февраль ойларида ўрта ҳисоб билан 255 норма-соатни ташкил этган бўлса, июлда бу рақам 332 га етди. Августда эса энг юқори кўрсаткичга эришилди — 400 норма-соатга етди. У иш суръатини тобора ошириб, беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан анча олдин, 15 ноябрда бажарди.

— Альбинамиз ўз ишининг устаси. У қаққон, иши ўзига ярашеди, — дейишди цех ишчилари, унинг издошлари.

Мастер Аҳад Маждиловнинг группасида, Альбина Девятова билан бирга, 22 нафар ишчи бор. Уларнинг 16 нафари Альбинанинг ташаббусига қўшилган. Чархловчи Тамара Саюхина, Людмила Глухова, Ҳақима Абдуллаева, Турсуной Гуланбоева ва бошқалар плани бажаришда бир-бир ярим ой олдинда бормоқдалар.

Наташа Штин Альбина Александровна билан

ёна-ён ишлайди. У заводга Альбинадан бир йил олдин, 1958 йилда келган. Иккаласи ҳам бир хил дастгоҳда ишлайди.

— Альбина жуда тез ишлайди, — очик тан олди коммунистик меҳнат зарбдори Наташа Штин, — у жуда эпчил... ишбилармон...

Лекин Наташа дугонасидан унчалик орда қолаётгани йўқ у Альбинанинг ташаббусини қувватлаб, «Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича тўққизинчи беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажарамиз», деб цехда биринчилар қатори мажбурият олган. Ҳозир цехда шундай мажбурият олганлар сони 200 га яқинлашиб қолди.

Авиация заводидоғилар беш йилликни тўрт йилда бажариш учун бошлаган мусобақанинг улкан аҳамиятини яхши тушуниб олишган. Шунинг учун ҳам бу ҳаракат оммавий тус олиб кетди. «Альбина Девятова ташаббуси бўйича меҳнат унумини ошириш учун социалистик мусобақа Низоми» ишлаб чиқилди. Бу Низомда фақат ватанпарварлик ҳаракатининг моҳиятигина очиб берилмай, балки Бажарилган ишларни қай йўсида яқунлаш бўйича тавсиялар берилган, мусобақа голибларини тақдирлаш системаси аниқ кўрсатилган.

— Фақат тўғри йўлга қўйилган меҳнат мусобақаси ишлаб чиқаришнинг янги резерваларини топиш ва фойдаланиш имконини беради, — дейди Альбина Девятова. — Биз, ишчилар, ишлаб чиқаришда кенг ҳуқуққа эгамиз. Биз бу масъулятни ишлаб чиқаришни юксалтиришдаги аниқ ишларимиз, аниқ ҳиссамиз билан ошира бормогимиз лозим. Биз ўз ўрнимизни эгалайдиган, меҳнат эстафетасини биздан оладиган кишилар олдида жавобгармиз.

Атоқли фрезерчи ўз билими ва бой тажрибасини ёшларга қон билан ўргатмоқда. Шу кунларда у Зоя Голубинини ишининг энг илғор усуллари билан таништирди. Цехнинг бошқа ветеранлари ҳам ёшларга иш ўргатишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Сазловчи Таҳиддин Ҳамидов, Вилор Малаев, чархловчи Валентина Лозина, пардозловчи Фиёс Солиҳовлар эндиликда ёшларнинг талабчан ва маслаҳатгўй устозлари бўлиб қолишди.

Утган йилнинг декабрь ойида Альбина Девятова «Правда Востока» газетасида «Устоз бўла бил» деган қақриқ билан чиққан эди.

«Ўз касб-ҳунарини пухта ўзлаштириб олган барча кишиларни ўринбосарлар тарбиялаб етиштиришда фаол иштирок этишга чақираман. Агар ҳар биримиз икки-уч ёш ишчига ўз тажрибамизни ўргатсак, ишлаб чиқаришнинг юксалишига катта амалий ҳисса қўшган бўламиз!» деб ёзган эди Альбина Девятова шу мақоласида.

Бу аjoyиб қақриқ унинг тўққизинчи беш йиллик шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятга қўшимча бўлди. Республикамизнинг юзлаб, минглаб меҳнат ветеранлари унинг бу қақриғига қўшилдилар.

... Ҳар кун тонг саҳарда қорачадан келган ёшгина бир аёл ишчилар оқимига қўшилиб авиация заводининг дарвозасидан кириб келади. Уни заводдагиларнинг ҳаммаси танийди. Ёшлар ҳам, кексалар ҳам уни очик чеҳра билан кутиб олишади. Бу аёл сўзларни минглаб беш йиллик зарбдорлари учун шиор бўлиб қолган, мусобақаларни омманинг амалий ва ижодий ишига айлантган оддийгина ишчи, фрезерловчи Альбина Девятовадир.

М. САВЕЛЬЕВ

## Тўртликлар

Ўт тушди юракка, далда берма, қўй,  
Ҳақ бўлса ўртаниб ёнсин тоабда.  
Дард билан яраган бу олам, бу куй,  
Дард билан улғасар ҳаёт, муҳаббат!

Тўғилмоқ — ўлмоқнинг илк дақиқаси,  
Бас, нечун ўлимдан кўрқмоқ, аналглаб!  
Сен шундай яшаси, виждонинг саси  
Тарихлар уфқида қолсин жараңглаб!

Юкмини тортарди аввал битта от,  
Энди у жуфт бўлди, гўё қўшанот.  
Биттаси ўз тилим, бирин рус тили,  
Довонлар ошурман энди дадил, шод!

Бог ҳувиллар салқин куз келиб,  
Қўшлар кўчиб кетибди.  
Гўзаллик ҳам гўё қуш бўлиб,  
Богдан учиб кетибди.

Гул эсмоқ ҳаммининг қўлидан келар,  
Гул эса, ҳамминан кўрмас муносиб.  
Гул эсмоқ ҳаминга бўлмайдиган насиб,  
Ҳар ерда кўкармас биз севган гуллар.

Фарзандлар қабрида оталар қони,  
Косқийди қон билан ақли, имони,  
Софлиги, виждони, дарди ҳам кўчса —  
Хотиржам бўларди аждодлар жони!

Юрак ўзи ажиб мўъжиза:  
Тошдан қаттиқ, ипақдан юмшоқ.  
Баъзан ер-кўк изимда, деса,  
Баъзан малол келади ушоқ.

Илк баҳор ниш урган нимжон бир гиёҳ  
Юракка бир олам севинч сочади.  
Эҳтимош шу севинч, шу соғинч нингоҳ  
Ёз бўйи чечаклар ҳуснин очади.

Ҳар одам — бир олам: тоғи, жарн бор,  
Туни бор, кунн бор, дўли, чақмоғи.  
Баъзида ёнмоқини этса ихтиёр,  
Баъзида мумкиндир селдек оқмоғи!

Қилиқ қинда, ўқлар ўқдонда  
Пинак ҳам олади, сўз ҳам қотади.  
Мен уйғоқман.

Ухласам агар  
Бари бирдан уйғониб кетар.

Тириклар сафида ўлиқлар ҳам бор,  
Нафас ҳам олади, сўз ҳам қотади.  
Баъзида тирикка ўқ ҳам отади,  
Баъзида топади обрў, эътибор!

Ёлғиз бош — қаёрқо тош. Дўст орттир, дўстим,  
Дўст кўп кишининг кўли ҳам баланд.  
Мен дўстлар қавмида ярайди, ўсдим,  
Дўстлардан ажралсам доим едим ланд!



Бу навларни яратиш учун олим ўн йилдан ошироқ тажриба олиб борди. Бу муҳлат кўпми, озми? Ҳам кўп, ҳам оз. Нега деганда, Освб, Африка, Америка олимлари пахта толасини 3 миллиметрдан 10 миллиметрга узайтириш учун салкам 200 йил вақт сарфлаган. Ун йилдан ошироқ давом этган бу тажриба вилгга қарши курашда стратегик нуқтаи назардан 10—15 йил ютти имконини берган экан, бу жуда қувончли бир ҳол.

Институт коллективи ва партия ташкилоти олимнинг бу ихтироси рўйбағ қиқшишда эқиндан, амалий ардам берди. Шунинг учун ҳам олим ўзининг бу ишига барча ҳамкасбларининг кашфиёти деб қарайди.

Институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, биология фанлари кандидати Абдусамад Эгамбердиевдан биология фанлари кандидати Содиқ Мираҳмедовнинг илмий ишлари ҳақида гапириб беришнинг илтимос қилганимизда, у қўйидагиларни айтди:

— Содиқ Мираҳмедовда олим учун зарур бўлган барча хислатлар мурассам десам, муволаға бўлмас. Ниҳоятда меҳнатсевар, тиниб-тинчимас, бўлса учрайдиган тўсиқларни сабот билан енгиб ўтадиганлардан. Генетика фанини чуқур билади. Илмий мушоҳадаси кенг олим. Кўп мутлақа қилади. Иродали, бошлаган ишини охирига етказмай қўймайди. У фанда муҳим кашфиёт ҳисобланган янги метод — вилгга чидамли гўза навларини яратишнинг илмий методига асос солди. Жаҳон фанига қўшилган бу муҳим кашфиёт ҳақида шунн таъкидлаш керакки, Содиқ Мираҳмедов дургайлаш натижа-

сида, ёвовой Мексика гўзасининг вилгга чидамлилик хусусиятларини наслдан-наслга ўтиқининг генетик қонуниятини очиб берди. Бу соҳада ҳукм сурган асоссиз фаразларни рад этди. Эндиликда «Тошкент» навлари жаҳон селекциясида янги гўза навларини яратишда катта таънч бўлиб қолади, деб бемалол айтиш мумкин.

Маълумки, вилт 400 дан ошиқ ўсимлик хилларининг қушандаси. Фақат 1968 йили 500 минг тонна (айтишга осон!) кам пахта ҳосили олинди, колхозчилар ва совхоз ишчилари 200 минг сўм малабдан, халқ хўжалиги эса 1,5 миллиард метр газламадан бебаҳра қолди. 1969 йили бир миллион гектардан зиёд майдондаги гўза маълум даражада оқпапак билан касалланди. Бунинг иқтисодий зарари қанча бўлишини кўз олдингизга келтирилган.

Кўриниб турибдики, Содиқ Мираҳмедов бошлаган иш ҳаётий зарурат эди. — Биламан, — деди бу ҳақда Содиқ Мираҳмедов суҳбатларимиздан биринчи, — ҳаёт фан олдида қўйган бу вазифани мен бажармасам бошқа бир одам ҳал қилиши мумкин эди. Чунки доимо шундай бўлиб келган. Эҳтимош яқин келажақда вилт офатининг замбуруғини мутлақа қуритсак. Шунинг учун бошланган курашни дадил давом эттириш керак. Бу борада селекциячилар, генетиклар, кимёгарлар, физиологлар, фитопатологлар, ботаниклар, табиий фанлар вақилларининг аксарияти ҳамкорликда иш олиб бориши лозим.

Ўтир АБДУАЗИМОВ



# ШЕЪРЛАРИМДА

Ойдин Собирова хотирасига

Бир даста гул келтирди қизлар,  
Кексаларнинг тушидай латиф.  
Бир даста гул келтирди қизлар,  
Тонгдай оппоқ, қондайин ҳақиқ.

Бир даста гул келтирди қизлар  
Орасига бир шеър яшириб.  
Гулни кўйдим гулдонга.

Ҳислар  
Минг томиримда қуюн тошириб,  
Тўлқинига қуёш тўшади...

Уяноқ дил-ла ўқийман шеър,  
Дил тубида бўрон кўчади,  
Мен зилзила кафтидаги ер  
Мисол...

Бутун борлигим вайрон,  
Уталмаган бурчдан хижилман:  
Шодлигингиз недан бир жаҳон,  
Недан Сизга шунча азизман!

Недан шунча муҳаббат,  
ардоқ,  
Фикр этмабман тантиқ эркангиз!  
Бари экан:  
Сиз интилган тоғ,  
Бугундан оқ, дилбар эртангиз...



## Қуёш узиб бер

— Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,  
Юрагимдан узган сингари,  
Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,  
Елгон бўлсин ўтнинг тингани.

Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,  
Борлигинга югурсин олов,  
Кўзларингда маҳа этгувчи у ёлқин чақнаб,  
Юзинг ёнсин гул каби лоз-лов.

Кул, товушсиз қаҳ-қаҳангдан дурдай тишларинг  
Оқ чақнаши қамаштирсин кўз.  
Энг ярашиқ либосларда юрт кезишларинг —  
Эди қандай ўқтам ва дилсуз!

Ёнар тоғдай ҳис, тоқатни ниҳол бир танда  
Олиб юрган мушкул онга қайт!  
Ёниқ эди севинч, ишқ ҳам, дард-ҳижрон санда  
Тоқ мисралаи бўлганим ҳеч байт!

Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча  
Севинч, ёниш торлмасин,  
Сен тотмаган шодлик, лаззат дунёда қанча  
Сени билмай доғда қолмасин!..

— Йўқ!!!

Бир парча қуёшинга тўлмайдди кўнги,  
Сахий эсанг, борини тутқиз!  
Бир бор ноним ярим бўлган, кемтиклик мушкул,  
Доғи қолган, дилда чандиқ исз.

Менга қуёш қанот учун, парвоз-чун зарур.  
Ахир кураш, бахтга лик жаҳон!  
Кўлдан тутиб қитъаларга етказсин ҳар нур-  
Тўкис, ёрқин куйга тўлсин жон!

Шеърларимда инсон бахти, океанлар кучи,  
Тоғлар матонати урсин барқ,  
Бўлса менинг куйимга ҳам чанқоқ ўқувчи  
Бўлсин қуёш шодлигига гарқ.



## Узоқларда бир қуш сайрайди

Ерларда қор, атрофда ҳаво  
Чирсиллаб қолган,  
Деразалар ойнаси наво  
Торларин тортган.

Тун этагин судраб улгурмай,  
Сайрай бошлар қуш.  
Думбўлгинам, қишга бўйсунмай,  
Кўшиқ кўрдинг туш!

Илк илҳомнинг қанд оташларин  
Сезиб томирда,  
Отдинг севги, соғинч тошларин  
Тоқат, сабрга,

Қор қаҳрига, кўтариб исён,  
Чиқдинг тонг маҳал.

Бунда ҳам бор қишдан зериккан жон  
Баҳорга маҳтал.

Баҳор суви тарк этган танда  
Югурди қўшиқ,  
Чехрасига эриш оҳангда  
Куйлай кетди шўх.

Оловли ҳис бўлиб ширин дард,  
Тутди борлигин.  
Наврўзда куй, янги бахт қат-қат  
Ризқи борлигин.

Яна эсга солдинг, сайроқ қуш,  
Сайраб тонг маҳал.  
Ахир унга толеъи ёзмиш  
Куйлашни азал...



## Жаҳон адабиёти ёдгорликлари



## ЖАНГАР

Кавказ билан Волга оралигидаги Қалмоқ даштлари деб номланувчи гўзал яйловлар қалбларни мафтун этади. Худудсиз майсазорлар хаёлга парвоз бағишлайди. Бунда инсон ўзининг табиат фарзанди эканлигини, яшаш, кураш ва яратиш учун туғилганлигини дил-дилдан ҳис қилади.

Кўп асрлар муқаддам мана шу кенгликларга: Марказий Осиёдан келган кўчманчи халқ — қалмоқлар жойлашиб қолган. Улар ўзлари билан узоқ Жунгориядан афсонавий Бумба мамлақати ҳақидаги анойиб эпосларини ҳам олиб келганлар. Бумба — худди бизнинг дostonларимиздаги Чамбилбел каби гуллаб-яшнаган, халқи бахтиёр, тенг ҳуқуқли, бадавлат мамлакат бўлиб, унда туғилганлар ўлимни билимас, ҳатто ўлганлар қайта тирилар, унинг ҳукмдори эса куч-қудратда тенги йўқ, адолатли хон Жангар олти минг ўн

ики баҳодир билан ўз она юртининг, жонанжон халқининг эригга, бахтиёр ҳаётига посбон экан...

Қалмоқ халқининг машҳур «Жангар» эпоси ана шу афсонавий мамлакат ва унинг баҳодирлари ҳақидаги ўлмас дostonдир. Эпос қаҳрамонлари ватан ва халқ эрки йўлида мислсиз жасорат нур-сотадилар, босинчи, ёвуз хон Қора Кенясини енгиб, тинч, осайишта ҳаётни барқарор этадилар.

Халқ оғзани инсоннинг бу нодир ёдгорлиги неча асрлардан буён жангарчилар томонидан куйлаб келинади. У халқчиллиги, ҳаётбахш руҳи, бадиий жиҳатдан мукаммаллиги билан тингловчини ҳам, ўқувчини ҳам ўзига ром қилади. Эпос бошдан-оёқ қалмоқ халқининг идеал ҳаёт, идеал мамлакат ҳақидаги асрий орзу-умидларининг мужассам тимсолидир. Ҳозирги кунда «Жангар» кўпгина қардош халқлар тилларига таржима қилинган.

Қуйида шу эпоснинг ёвуз хон Қора Кенясга қарши юриш ҳақидаги қўшиғидан парча ўқийсиз. Бу эпизод Қора Кеняснинг баҳодир Бене Цаганининг Эркүл тоғида Жангар баҳодирни Хонгарга дуч келганида унинг насли-насабини суриштиришдан бошланади.

# ИНСОН БАХТИ...

## Туғилган кун

Бугун менинг туғилган куним,  
Мени туққан онам, Сиз қайда!  
Бедор ўтиб бормоқда туним,  
Бир оғриқ бор қон, жонда, пайда.

Туғилганман қайси соатда,  
Қанча муддат сиз егансиз дарди!  
Қиз туғилиш дарди одатда  
Бўлган экан Сизда бешафқат.

Бугун менинг туғилган куним,  
Тўлғоқдаги ҳолингиз кўзда:  
Курси кучиб курашасиз жим,  
Қотма жусса гоҳ ўт, гоҳ музда.

Қора терда танҳо бошингиз,  
Лабингиз — дашт жўғайдай қоқ.  
Оғзингизга тикиб сочингиз,  
Танангизга соларлар тўлғоқ.

Беш болангиз дарча ортида  
Ужонингизни кўриб ўтирган,  
Менинг отам қўшни отида  
Ким-қайлардан доя қидирган!

Бор суюқни чок-чокдан сўкиб,  
Ичингизга сигмай кетган мен,  
Танингизнинг тубига чўкиб,  
Чехрангизга энтикканда мен,

Гоҳ дард тўтиб, гоҳи у қочиб  
Кўзингиздан сачраган олов.  
Фақат азоб эшигин очиб,  
Чекинишга қўйган бўлсам гов;

## Шафақ

Шафақ нури гўзал, дейдилар,  
Мен шафаққа келдим юзма-юз.  
Жилвалари зарҳал дейдилар...  
Тонг мисоли тиндирмайди кўз.

Шафақ нури олис, дейдилар,  
Қўл узатсам тутар қўлимдан...  
Ҳароратдан холис, дейдилар,  
Оташ ўсар менинг йўлимдан.

Шафақ умри қисқа, дейдилар,  
Чўккан жондек ботар ўфқа,

Томирингиз бўйлаб кезганим  
Тўққиз ою тўққиз кун уйғоқ.  
Беш ўғилнинг изиданлигим,  
Сизлар интиқ — қизча туғилмоқ;

Ўзингизни кўришга шошган,  
Кўзингизга кирмоқ бўлганим!  
Кўксингизга ташна лаб чопган  
Сўзингизга муштоқ бўлганим;

Балки тандан қону ёшлиқни  
Сўрмоқликдан хижолатлигим!  
Юрагингиз бир қуёшлиқни  
Сезиб, жоним роҳатдалигим;

Гўзал қалбнинг тагида ётиб,  
Эзгу ҳиссингизда жўшганим.  
Ноёб идрок сеҳрига ботиб,  
Ухлоқ шёърга шоғирд тушганим!

Ҳа, қонингиз, жонингиздаги  
Бир жаҳонни ўқиб олганим,  
Барчасидан узилш дарди  
Яқинликдан кўрқиб қолганим,—

Бари учун.— жаҳаннамий дард  
Тўлғоғида отдим не муддат!—  
Мен билмайман!

Самовий бир мард.

Жон тугувчи илоҳий қудрат  
Бўлганингиз онларга таъзим,  
Азоб учун ўқириндай узр...  
Барин такрор этдим мен ўзим,  
Она бўлмоқ — азобли ҳузур...

Қолдиргани гўсса, дейдилар...  
Менинг жоним тўла қўшиқча.

Юрак заиф, идрок ҳукмдор,  
Утган йўлга боқаман лоқайди;  
Қанча тошлоқ, жар, тала, гўлзор  
Утилганим биллабман кўп пайт.

Фақат битта ўнинч: қалам;  
Утган кунлар ўтказар ҳўкм.  
Чап бергандай кўп лаззат менга,  
Утган қолиб, иқболга юргўм...

## Яна бугун баҳорга зорман

Яна бугун баҳорга зорман,  
Ўз баҳорим каби шошалоқ,  
Яна бугун баҳорга зорман,  
Кутавериб дил бўлди қадок.

Кел, тўпроқни муз қобиғига  
Олган кишини бир гўрга қайда,  
Кутмоқ етди интиҳосига  
Куй ниш урар қалб номли найда.

Куйми, додми, оромми, азоб —  
Не бўлса ҳам тўлғоғи оғир.  
Қалбдан, тандан юлиб боб-боб,  
Ким бўлса ҳам туғади ахир.

Баҳор — қўшиқ таваллуд фасли,  
Бунда сенга эгизак тор бор,  
Туйғуларнинг беозор насли —  
Шеърларимга бир доя даркор.

Кел, дилдироқ қалбимни тўшаб,  
Бўгин-бўгиниға олайин,  
Фақат ўтмин!

Нур, шодлик кўшиб  
Йўргаклаб ол, тунд бўлса найим...



Улғач ёнгинангда қолсам бир умр,  
Уттиз ёш, соч ёйиқ, кузларим нолон.  
Жуфт кўрса зурриёт, шёърхон, булут, нур,  
Қадам етганича юрсак икковлон...

Ҳаёт бу!

Инсонга кутишдир одат,  
Эртанинг бугундан жозибаси зўр.  
Туйнуқда кутгандай қаңқоқ саодат,  
Келажақ ҳар кимга кўринар қўзур.  
Ошиқма,

ошиқма оромга!

Зотан

Бахту буюқлигинг — бетинчилигингда.  
Ғафлатда қарахт бир ўтган умрдан  
Нафратда ўртанган азоб ширин-да...

## Тўқнашув

Жавоб берди унга саркаш баҳодир:  
— Жангар менинг ҳўкмдорим, сардорим.  
Хонлигим-чи — юксақ чўққи, чўнг тоғдир.  
Қудратимдир — энгиб бўлмас улўғ халқ.  
Унутар у «Ортага!» сўзин жанг чоғи,  
Билган сўзи фақатгина «Олга қалқ!»  
Ватанимдир гўзал Бумба — бахт боғи,  
Барча тенгдир, толе унда бўлмас талх.  
Туғилганга мангу умр берилар,  
Улиқлар ҳам унда қайта тирилар!  
Уни Босиб ололмаган ёв асло:  
Қалқон бўлдим тинч турмушга доимо,  
Қизгин жангда ҳеч бир қўрқув билмадим..  
Қани, айт-чи, энди менга: ўзинг ким!  
Юртинг қайда! Ҳўкмдоринг ким — аंगлат!  
Цаган деди: — Мен дахшатман эл аро,  
Кеняж хондир менга улўғ валламат.  
Борар бўлсам. Бумба бахти кўп қаро,  
Борар бўлсам, гўдақларинг етим бил.  
Борар бўлсам, халқинг албат бўлар қул.

Борар бўлсам, қайрилмаслар қайрилар,  
Борар бўлсам, халқинг юртдан айрилар,  
Элатингни чўлга қувиб соларман.  
Тўрт хил молнинг<sup>1</sup> барини ўлжа оларман.  
Мақсадимдир зўр қўшинни қийратмоқ  
Ва Хонгарни асир қилиб, шод қайтмоқ...  
Уқрашдик ҳам, мана, охир, эй рақиб!  
Бу зўр жангин, полволларни кўрай, деб,  
Урмондаги ҳайвон, қўшлар ҳам келди,  
Балиқлар ҳам савзликка йиғилди —  
Жанг гурросини тингламоққа. Кўрай, деб —  
Тошлар пастга қуладилар шошилиб.  
Баҳодирлар синаб кўрди бирма-бир:  
Ишга тўшди найза, ханжар ва шамшир.  
Тигга қарши отиларди қайноқ қон...  
Икки рақиб ҳар қанча зўр берса ҳам,  
Ҳануз кимнинг ғолиблиғи ноён.  
Бор кучини йиғиб туриб шу фурсат  
Бир зўр берди Беке Цаган — девсифат  
[Мард Хонгарин ердан узмоқ осомам!]

Отди ёвини елкасидан ошириб:  
Ер силкинди, кўтарилди зўр бўрон.  
Беке Цаган Хонгар турмоқ бўлган он  
Умуртқага босди темир тирсагин.  
Шерлик қилди Хонгар бунда ҳам лекин:  
Тўрт устундек оёқ қўлини этмади.  
Пешанаси дағал арзима тегмади.  
Собит турди уч кечаю уч кундуз,  
Тўртинчи кун охир айтди шундай сўз:  
«Ён эмасдик ҳаётда ҳеч иккимиз,  
Қонли жангга, айт-чи, кирдик нечун биз!  
Ҳўкмдорлар раъий дебми! Не учун!  
Хонлар бунга арзимайди, эҳ, эсиз,  
Уларни деб азобладик туну кун  
Волидамиз бахш айлаган танин биз,  
Тўкиб қайноқ ва бегуноҳ қонимиз!..  
Майли, қўлинг баланд келди бу сафар.  
Лекин шуни ёдда тутки, сен агар  
Қйнасанг-да минг қийноқда — ўлмасман,  
Билиб қўй, мен ундайлардан эмасман,  
Орттирасан фақат ўлмас бир душман,  
Банди қилиб, сўнг бўларсан кўп пушмон!..

<sup>1</sup> Тўрт хил мод — от, қўй, сиғир, туя.



Ягона оилада

# ЭСТОНИЯ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ

И. Г. КЭБИН,

Эстония Коммунистик партияси Марказий  
Комитетининг биринчи секретари

## ЯНГИ МАРРАЛАР

КПСС Марказий Комитетининг «Эстония Компартияси Марказий Комитетининг раҳбар кадрлар билан ишлаши ҳақида» деб чиқарган қарори республикамиз партия ташкилотлари учун, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу қарор барча партия органларимиз фаолиятига катта таъсир кўрсатди, раҳбар кадрларни танлаш, тарбиялаш ва таълим беришни яхшилашда, партия, совет, хўжалик ходимларининг партия ва ҳукумат қарорларини бажариш юзасидан масъулиятини оширишда, беш йиллик топшириқларини амалга оширишга меҳнаткашларни сафарбар этишда бизга ёрдам берди.

Партияимизнинг куч-қудрати унинг омма билан мустаҳкам алоқасида, оммага таянишида. Шу туфайли кишилар ўртасида олиб бориладиган қандалик ишлар партиявий ишнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Партия ва давлат сиёсатини халққа тушунтириш, уни халқаро ва ички сиёсатнинг барча муҳим масалаларидан хабардор қилиш асосий вазифамиздир. Бу ишларни амалга оширишда партия ахборотининг турли шакл ва воситалари — матбуот, радио, телевидениега, оғзаки тарғибот ва ташвиқотнинг турли муассасаларига эгамиз.

Республика партия ташкилоти ғоявий тарбиянинг барча воситаларини меҳнаткашларнинг коммунистик эътиқодларини мустаҳкамлашга қаратган. У кишиларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялашга, КПССнинг ленинча миллий сиёсати моҳиятини чуқур тушутиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Қардош республикалар ўртасида юзага келган самарали хўжалик алоқалари, уларнинг кучайиб бораётган ўзаро ёрдамлари совет халқлари дўстлиги ва қардошлигининг мустаҳкамланишига таъсир қилмоқда. Шунингдек, республикамиз шаҳарлари ва районларининг корхоналари коллективлар билан бошқа область ва республикалар шаҳарлари ва районларининг коллективлари ўртасидаги мусобақа ҳам халқларни дўстлик руҳида тарбиялашининг ажойиб мактабидир.

Совет Иттифоқидаги барча халқлар каби, эстон халқи ҳам, коммунизм қурилишига қўшаётган ҳиссасини ошириб, совет халқларининг жипслашган ягона сафида бормоқда. У социалистик фабрикалар ва заводларда, колхозлар ва совхозларда, фан муассасалари ва ижодий союзларда бошқа халқлар билан ёнма-ён, заъф билан меҳнат қилмоқда.

Партиянинг асосий мақсади халқ фаровонлигини мунтазам ошириб, фан, маданиятни юксалтира боришдан иборат.


Республика меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажарадилар. Саноат ишлаб чиқариши 1,5 баравар ўсди, саноат маҳсулотларининг кўпгина жуда муҳим турларини ишлаб чиқариш топшириқлари ошириб бажарилди. Саноатда меҳнат унумининг беш йиллик охирида кўзда тутилган даражасига муддатидан олдин эришлди.

Республика қишлоқ хўжалигида улкан муваффақиятларга эришилди. Давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича саккизинчи беш йиллик план муддатидан аввал бажарилди.

Биз Эстония Компартиясининг XVI съездида ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш учун қурашдаги вазифаларимизни ҳар томонлама муҳокама қилдик. Янги техникани ва технологияни тез ва сабот билан жорий этиш асосий вазифаларимиздан биридир. Қўрилишда меҳнат унумини анча оширишимиз керак.


Республика қишлоқ хўжалигида ҳам янги режалар белгиланган. Колхозлар ва совхозларда етиштирилаётган гўштни 32 процентга, сутни 27 ва тухумни 23 процентга ошириш планлаштирилган. Биз барча қишлоқ хўжалиги экинларининг, шу жумладан, дон экинларининг ҳосилдорлигини янада ошираемиз, беш йиллик охирига келиб, республикада гектаридан камида 30 центнер ғалла, камида 200—300 центнер картошка етиштираемиз. Биз ҳар йили мол тувини камида 3 процентга кўпайтиришни, 1975 йилга келиб, ҳар бош сийгирдан 3800 килограмм сут соғиб олишни мўлжаллапмиз.

Эстония Коммунистик партияси ўзининг XVI съездида Эстония коммунистларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети теварагига мустаҳкам жипслашганини яна бир марта намоийш этди.



Болтиңбўйи ГЭСи республикани электр энергияси билан таъминловчи қудратли нурхонадир.

Вишгород минорасида  
Эстония давлат байроги.




Эски Таллин ўзининг тарихий обидалари билан гўзал.




Эстон денгизчилари ҳар қандай об-ҳаво шароитида меҳнат қилишади.

Мавж уради асов тўлқин.





СССР халқ артисти, атоқли бастакор  
Г. Эрнесанс яратган қўшиқларни  
эстон халқи севиб тинглайди.



Республика Марказий стадионида Утадиган оммавий қўшиқ байрамида минглаб одамлар нуйлайди.



СССР халқ артисти Г. Отснинг ноёб истеъдоди жаҳон санъат ихлосмандларига  
манзур.



Оқ чорлоқлар.



Эстон қизига миллий либос жуда ярашиқ.

А. ГЕРМАН фотолари

# ХАЗИНА ОЧГАН ЧИГАТ

**Е**р ўқиб юборди. Кудук атрофидаги кишилар чор атрофга қочишди. Кўкка санчилиб турган ҳавоза ларзага келди. Мўридан буриқсиб чиқаётган тутундек нефть фаввораси отилди. Сал ўтмай ҳамма ёқни нефть оқими босиб кетди.

Одамлар бундан севишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билишмасди. Чунки, ҳали кудук мўлжалланган чуқурликда қазилмаган эди. Тўсатдан юз берган бу ҳодиса Мамадали Сиддиқовни шошириб қўйди. Бир лаҳза атрофни тошқиндек босиб келаётган ер ости мўъжизасига тикилиб турди, сўнг вагон-уй томон югурди кетди. Кирдию диспетчерга телефон қилди.

— Авария! Нефть отилиб чиқди!— У бошқа гап айта олмади. Трубкини шарақлатиб ташлади-да, ҳамкасблари томон чопди. Нефтчилар осмонга отилаётган нефтга ҳайрат билан тикилиб туришарди.

— Игитлар, белкуракларни олинглар. Тракторлар ҳам етиб келади.

Мамадали ўзи ҳам белкуракка ёпишиди ва ҳалқоб бўлиб ётган нефть атрофида ҳаяжон билан айлана бошлади. Ҳалқоб тобора кенгайиб борар эди. Мана... ҳозир у адир томон оқди. Олдани олиш керак. Уни адир ўнгирига буриш лозим. Бунинг учун нефтга йўл очиш ва тошқинга ғов солиш даркор.

Игитлар мастернинг дилидагини фаҳмлашди. Дарҳол тупроқ шиббалашга тушишди. Улар адир бағрини қоплаган нефтни шалоплатиб кечивар, вақтинчалик тўтилаётган тупроқ кўргон қадиқа сайин кўтарилар, бироқ нефть тошгандан тошиб борар эди. Кудуқлар атрофидаги бўльдозерлар отиб келдию пармачиларнинг ташвиши сел қамайди. Салгинада нефть ҳовузлири пайдо бўлди.

Бу орада кон раҳбарлари, етакчи пармачилар, геологлар йиғилдилар. Нефть фавворасини иложи борича тезроқ жиловлаш учун таҳмин ва мулоҳазалар тортитушу бошланди.

— Бу кудуқ,— деди жижикакка геолог йигит,— беш ярим минг метр чуқурликда қазилчи керак эди.

— Тўғри,— деб гапга аралашди пармалаш мастери Мамадали,— тўрт мингичи метрга қувур туширган эдик.— У яна нимадир демоқчи бўлиб турган эди, кимдир лўқма ташлади:

— Сабабини айтинг.

— Сабаби аниқ. Қатламдаги босим ортиб кетган. Тўққиз юз атмосфера босим ҳазилми ахир?

Мамадалининг гапида жон бор эди. Нефтчилар «Пармачи энди бизни ачиққ сўзалар билан чимдиб олади», деб оғзини пойлашди. Йўқ, пармачи «Кудуқни қовлаш схемаси ва лойиҳасини тайёрлаганда босим кучини ҳам ҳисобга олинглар», демади. Бу фикрни одамлар Мамадалининг хатти-ҳаракатидан сезиб олишди. Бир-бирларига маъноли қараб, бош қимирлатиб қўя қолишди. Ҳамма нефть оқимини қандай қилиб тўхтатиш фикри билан банд эди.

Биров у деди, биров бу деди, лекин жўялироқ тақлиф тушмади. Вақт эса ўтиб борар, қимматли бойлик тупроққа сингиб кетмоқда эди. Шу кунги кудуқни жиловлашнинг иложи топилмади. Мамадали шу ерда қолди, У туни билан мижжа қоқмади. Ой нурида жилваланиб турган нефть

ҳовузига тикилиб тонг оттирди. Шу оппоқ тонг билан унинг кўнгли ҳам ёришиб кетди. Кудуққа аста-секин цемент қуйиш керак. Шундагина фалокат арийди.

Эрталабданок кудуқ атрофида одам йиғилди. Яна фикрлар кураши— тортишувлар авж олди. Биров илмий китобдан нақл келтиради, биров Озарбайжондаги шунга ўхшаш ҳодисани мисол келтиради. Ниҳоят, Мамадали ўз фикрини айтди:

— Қандай қилиб цемент қуйиш мумкин, дейсизларми? Ун икки доймли қувур ичига беш доймли қувурни кийгизамиз ва цемент соламиз. Бутунлай бекилмайди. Нефть булоққа ўхшаб чиқиб тураверлади.

Урганиш, изланиш, ҳисоб-китоблар... Илмий мушоҳадалар... Ниҳоят, Мамадали усули қўлланилди. Ун кун тимисиз олишув, ун тун бедорлик. Одамлар чарчоқ нима, дам олиш ималигини билишмади. Саксон тонна, юз тонна цементни кудуқ аждаҳодек ютар эдию, тўйдим демасди. Яна бер, дегандек, қорайиб кетган «тилишни» кўкда қаловлатар эди.

Юзичини тонна цемент ер қаърига қуйилгач, одамларнинг ақсарияти умидини узиб, қўл сиптади. Мамадали танг аҳволда қолди. Ун тонна!.. Ажаб эмас, сўнгги тонналарда мўъжиза рўй берсал бир юз ўн тонна цемент қуйилгач, фаввора ховуридан тушгандек бўлди.

Кўнлар кетидан кўнлар ўта бошлади. Машиналар тонналар цемент ташийди. Ҳисоб бир юз йигирма тоннага етганда баричини чехраси очилиб кетди. Одамлар бир-бирларини қучоқлаб, табриклия бошладилар. Нефть оқими тўхтади.

Уч: кундан кейин пармалаш ишлари бошлаб юборилди. Беш ярим минг метр чуқурлик забт этилгунча ишлашди. Яна кудуқ атрофи одамга тўлди. Бу сафар кишилар мард, фидокор пармачилари ва унинг шерикларини муборакбод қилгани келишган эди. Чуст—Пол оралиғидаги бу кудуқ чуқурлиги жиҳатидан мамлакатда, маҳсулдорлиги жиҳатидан Урта Осиёда ягона эди.

Бир кун Фаргона пармалаш ишлари бошқармасининг бошлиғи Мирзараҳмат Ҳошимов келиб қолди.

— Мен муҳим иш билан келдим,— деди у, Мамадалининг елкасига қўлини ташлаб.— Сизни Ғарбий Полвонтош майдонлари кутяпти. Эсингиздами, Риштондан ҳам шу ёққа ўзим олиб келган эдим?

Мамадали бош силкиди. У Риштон конларида не-не хазиналарнинг кўзини очди. Ҳозир ҳам нефть отилиб чиқиб хаффи бўлган майдонлар фақат Мамадалига ишониб топирилади. У пармалаган Бурдалик, Оввал, Нефтобод, Сўпитос, Чимён майдонларидаги кудуқларнинг ишлашига не-не пармачилар ҳавас қилди.

Мамадали уйига шовқилди. Иш билан овора бўлиб, икки ҳафтадан бери уйига бора олмаган эди. Хавотир олишайётгандир. Кечга томон конини нағбатчи машинаси Мамадали Сиддиқовни Андижондан Фаргона область Охунбобоев районидоғи Куйбашев номли колхозга элтиб қўйди. Эртасига қаллаи саҳарлаб, яна ўша машина Мамадалининг уйи олдига сигнал бериб тўхтади. У ишга қайтиши керак.

Мирзараҳмат Ҳошимов энди кабинетини очиб ичкари қирган ҳам эдики, орқасидан Мамадали Сиддиқов кириб келди.

— Ассалому алайкум.

— Келинг, келинг!— Ҳошимов севиноб кетди. Жойига ўтирмай, изига қайтди. Кейин секретарь қиздан Андижон пармалаш инженерлик-диспетчерлик хизматининг смена бошлиғи Эркин Ёқубовни чақиритиш илтимос қилди. Зум ўтмай хонага ўттиз ёшлар чамасидаги, думалоқ, оқ юзли йигит Эркин Ёқубов кириб келди.

— Геологлар Юра қатламидан нефть олиш мумкинлигини исботладилар,— деди Мирзараҳмат ака,— Ғарбий Полвонтошдаги 111-қудуқ Юра қатламидан ковланиши керак. Очигини айтсам, иккита қудуқ қовланади. Лекин пармачиларимиз эплашолмади. Энди умидимиз сиздан.

— Иштиёрингиз... Қаерни лозим топсанглар ўрним ўша ерда. Фақат шартин бор.

— Майли, айтаверинг.

— Шартнинг биринчиси шуки, ўзгармас бригада тузишга ёрдам берасизлар.

— Ҳошимов билан Ёқубов бир-бирларига қараб олишди. «Ўзгармас дегани нимаси?..»

Уларни хижолатдан Мамадалининг ўзи қутқарди.

— Бригадага шундай пармачилар керакки, улар қудуқ тўла фойдаланишга топширилмагунча бошқа объектларга олинмасин.

Утирганлар ҳайрон бўлиб қолди.

— Чунки,— деб сўзидан давом этди пармачи,— ишни бошидан охиригача давом эттирган одамнинг кўзи пишади. Бунинг устига мен кудуқни узлуқсиз қовлаш усулини қўллайман.

111-қудуққа пармалаш мастери қилиб жўнатилаётган йигитнинг гапида жон бор эди. Улар кенгайиб, гениби бир жойга қўйишди.

Шу кунёқ Мамадали Сиддиқов Андижон ва Фаргона майдонларида қовланаётган қудуқларни кезиб чиқди. У қаерга келса, одамлар янги объектни пармалаш учун бригада тузилаётганини эшитиб, дилларига Мамадали Сиддиқов билан ишлаш истагини тугиб қўйишарди. Водийга машҳур бўлган бу уста билан ишлаш гўё пармалашнинг олий мактабини ўташ билан баробар эди. Тез срада уч смена бўлиб ишлаш учун етадиган бригада тузилди.

...Еру кук қудратли техника садосидан ларзага келди. Шофёрлар қувур ташивар, пайвандчилар ҳавозани монтаж қилишар эди. Туну кун ишлашиб, эллик метрлик ҳавозани тиклашди. Компрессор станцияси ва электр моторлари монтажи тайёр бўлди.

Биринчи смена ишга тушди. Биринчи қувурга биринчи бурги ўрнатилади. Электр моторини юргизиш учун Мамадали тугмачани босди. Шу кўйи тўрт минг метр чуқурликкача қовлаш керак. Бу орада қанча изланиш керак, қанча муаммо туғиледи хали. Бир смена бошқа смена билан, кўнлар тунлар билан алмашади. Бир кудуқ учун йиллар йилларга тугашиб кетади.

Бир кунда энг кўпи билан етти метр қовланса, тўрт минг метрчи қовлаш учун қанча сабр, чидам керак бўлади.

Ана шу синовларга бардош бергани учун ҳам Мамадали Сиддиқов дастлаб Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таъдирланди, 1971 йилда эса Социалистик Меҳнат Каҳрамонини унвонига сазовор бўлди. Юзичини метр қовланганда бургилар синиб кета бошлади. Оқчабой Исмоилов, Асад Ҳусеинов, Ваҳоб Нуридинов, Халаф Шарипов каби ишбаросмон пармачиларнинг ҳам бошлари гангиди. Саросимага тушиб қолмишди.

— Битта бурги неча соат ишлатилади?— деб сўради Сиддиқов.

— Олти соат. Нормаси шу,— деди Халаф Шарипов.

— Нормасини бузамиз. Уч соат ишлатамиз. Кейин янчисига алмаштирамиз, Эскисини қайта тоблаб, чархлаб ишлатаверамиз.

Бу фикр Мамадалининг миёсига бирдан келиб қолгани йўқ. Ер ости жинслари қатқилиғи учун бургиларнинг тишлари қизиб кетиб, ўтмаслашганини ҳисобга олиб юрган эди. Таклифини шунга асосланиб айтди. Бунда суръат ошади, бургилардан унумли фойдаланилади.

Кудуқ беш юз метрга етганда туширилган қувурларни чиқариб олиш қийинлашиб қолди. Икки марта қувур қудуққа тушиб кетди. Шунда мастер яна бир янгилик қўллаш чорасини қидирди. У яна қўпчиликнинг жонига ора кирди. Қувурларнинг ҳар 10—15 сантиметри автогенлар билан йўйлиб, қабарик ҳолига келтирилди. Шундай қилинса, қувурларни бир-бирига кийгизилганда мустаҳкам ўрнашиб қоларди.

Кўнлар ўтади, кеч қиради. Яна оппоқ тонг отади. Мамадали Сиддиқов бошчилигида қовланаётган қудуқ тобора чуқурлашаверади. Ҳадемай, тўрт мингичи метр ҳам эгланнади. Янги хазинанинг кўзи очилади.

Мирод РАҲМОНОВ,  
Муқим НИЁЗОВ

## Нажот майдонни

Олам хусусида неча таълимот  
Уқидик, ўргандик, биламиз кам-кам.  
Замонда макон бор, маконда ҳаёт,  
Ҳаёт ичра нажот майдончаси ҳам...

Кушча чирқирайди кўда шу нафас,  
Ортида оч бургут — ажал сояси.  
Қадрдон кавакка етиб олса, бас,  
Нажот майдонидир унга уяси.

Ажал чангалида бўғилар гўдак,  
Очлик ҳамла қилар жуда беомон.  
Бир меҳрибон сиёна, мунис бир кўкрак  
Нажот майдонидир унга шу замон.

Ажал панжасига чап бериб ҳар дам,  
Чарх узра қақиндек чаппор урган эр  
Ошиқар, заминга қўйсам деб қадам,  
Нажот майдонидир унга Она-Ер...

Хуллас, бўлполмағай ҳеч қачон тугал  
Нажот майдонисиз бу сўнгсиз ҳаёт.  
Лекин нима бўлур баъзида ўшал —  
Нажот майдониди бўлмаса нажот!

Бургутга чап берган кушча ҳам, зотан  
Ҳавода тушмайин ажал домига,  
Қадрдон кавакка етаркан, баъзан,  
Тушган-ку чирқириб унинг комига!

Она бағрида ҳам оташда кўйиб,  
Гилосдек лаблари қақраб зийда,  
Нажоткор сиёнага бошини кўйиб,  
Жон берган гўдаклар йўқим дунёда!

Йўқим ё, хатарни оралаб жадал,  
Кўзлари жовдираб мисоли овчи,  
Нажот майдонига етгани маҳал  
Йиқилиб, ер қучган шўрлик йўловчи!

Она-Ер, оқшомлар оғушида лол  
Уйлайман, депсинар шу буюк жонинг.  
Турмушинг, давронинг маълум-ку, алҳол,  
Лекин борми сенинг нажот майдонинг!

Хаёл майдонингдир — шу чексиз фазо,  
Мураббий шу қуёш — жисмингга тирак.  
Нажот майдонингдир, кам эмас, расо  
Сенга банд бўлган уч миллирдан юрак!

Шуни деб ўзингни нурга ўрайсан,  
Шуни деб бошинга чирмайсан қаро.  
Уч миллиард юракдан нажот сўрайсан,  
Уч миллиард ҳоқимга ўзинг фуқаро...

Сен нажот сўрайсан! Лекин нима бу!  
Бурчак-бурчакларда қора талваса...  
Она-Ер, не бўлур, нима бўлур, у —  
Нажот майдонингга нажот бўлмасан!

Бу машъум саволдан сесканар олам  
Ва хаёл ўқида жонларан, ҳайҳот,  
Фалакка чирмашган олов — жаҳаннам,  
«Хиросима!» деган ёниқ бир фарёд!..

Фарёд олам узра бир лаҳза яшар,  
Сўнг сўнар... қуйилар дилга тасалло:  
Она-Ер башарга нажотсан!..  
Башар —  
Нажот майдонини ёндирмас асло!..

## Куйёш

Нечун порлаб турмас, ёнмас юлдузлар,  
Совуқ шуълаларда бўзарар фақат.  
Осмон ичра кўздан қочар кундузлар  
Булут панасида титрар омонат.

Нечун суюк она қошида фарзанд,  
Гоҳида, аламли ўйга толади!  
— Ердан узоклашса, куйёш ҳам гарчанд  
Шаксиз совуқ юлдуз бўлиб қолади!

Абдурашид ПАРДАЕВ



# ЧУЛ

## ЮЛДУЗЛАРИ



**Е**р — хазина, лекин уни хазина қилган одамлар, албатта. Қўли гул, қалби олов, заҳматқаш одамлар. Яқинда Яйпанга борган эдим, район партия комитетида ана шундай ажойиб одамлар ҳақида гаплашиб қолдик. Райком ходими Раҳмонжон менинг яхши одамлар тўғрисида очерк ёзман деган ниятими эшитиб, завқ билан гапира кетди:

— Қизилбоғ қишлоғининг юлдузлари Рисолатхон билан Мақсудахонни кўрмай кетсангиз армонда қоласиз. Очерк ҳам гапми, булар тўғрисида роман ёзса арзийди. Ленин номли колхозни аёллар колхози десак ҳам хато қилмаймиз. Негаки, колхоз илғорларининг кўпчилиги аёллар. Ферма пешқадамлари ҳам аёллар, орденли пахта устали ҳам аёллар, хатто раиси ҳам аёл. Раиса бўлганда ҳам Рисолатхон эркекларни йўлда қолдирадиган мард, ишбилармон раиса. Кўкси тўла орден, медаллар. У киши раиса бўлганидан буён колхозчиларнинг пичоғи мой устида. Минг гектардан ортиқ пахта майдонни механизацияга мослаштирилган. Ҳосил доим 30—35 центнердан. Мингга яқин қорамолнинг учдан бир қисми соғин сигир. Сўт сөрөб бу ерда. Хуллас, колхоз ҳўжалигининг ҳамма тармоғи жуда тез ривожланмоқда.

— Бунинг сири нимада? — қизиқиб сўрадим.

— Гап ишинг кўзини билешда! Рисолат опа ишни колхозчиларга ғамхўрликдан бошлади. Ажойиб ясли ва боғчалар қурдирди. Ҳар бир бригадада шинам дала шипони бор. Туш пайларда мазали овқатлар колхозчиларга мунтазир. Ҳар бир бригадада тандир — иссиқ нонлар епиб турилади. Буларнинг ҳаммаси колхозчиларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди. Колхозда ишларнинг ривожинг минганининг сабабларидан бири шундаки, механизацияга эътибор яна ҳам кучайди. Айниқса ёш-яланглар техникани эгаллашга астойдил бел боғладилар.

Ҳамроҳим Раҳмон билан Қизилбоғ қишлоғига борганимизда, дарҳақиқат, унинг завқ-шавқи асосли эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Рисолатхон билан Мақсудахоннинг фазилатлари ҳамроҳим айтгандан ҳам зиёда эканлигига ишондим ва улар ҳақида қуйидаги лавҳани ёздим.

\* \* \*

Колхоз идорасига ўрта бўй, қотмадан келган, оқ мағиз, юзлари лоладек қизариб турган ёшгина, ёқимтой бир қиз уялиб кириб келди.

— Ие, механизатор бўлишни сенга ким қўйибди? — деб ажабланиб комиссия раиси. — Қўшигининг ўрган, ўқингини эпла!

Қизча баттар қизариб кетди-да, чўнтагидан мактаб кундалигини олиб, комиссия аъзоларидан бирига узатди. Улар дафтардаги қатор «беш»ларга галма-гал кўз ташлашар экан, раисага қараб қўйишди. Рисолат опа эса қизчага қараб: «Бардам бўл, қабул қиламиз!» дегандек кўз қисиб қўйди.

— Шошма-шошма, боя идорада машинкада хат ёзаётган сен эмасмидинг? — деб сўради ўтирганлардан бири.

— Худди шу қизнинг ўзи, — деди Рисолат опа қулиб, — секретарь машинисткамиз шу-да.

— Энди ишини ташлайдимми?

— Йўқ, уни ҳам эплаймиш!

— Йўғ-э! Қандай эплайди? Уқиши пастлаб кетади, эрта-индин ўнинчини битирар экан.

— Уқишимни қўриб турибсиз-ку! — деди қиз.

— Мақсуданинг яна бошқа ишлари ҳам бор, — деб қулди Рисолат опа завқланиб. — Радиоузелда дикторлик қилади. Колхознинг бадий-ҳаваскорлик тўғрагининг бошлиғи ҳам шу.

— А? — ҳайратга тушди комиссия раиси, — балки бироғ чолғу асбобини ҳам чалар?

— Яшанг! — тасдиқлади Рисолат опа. — Рубобни сайратиб юборади.

Шундай қилиб, уч касб эгаси бўлган ёш қиз тўртинчи касбини эгаллашга бел боғлади. Кўп ўтмай яхшигина механизатор бўлиб етишди. Ҳатто бўзи бир тракторчи-механизатор йигитларни доғда қолдириб, мавсумда юз тонна пахта терди. Юз тонна! Бу камида икки юз теримчиинг мавсум нормаси эди.

Мақсуда ўрта мактабни тугатган, чет тиллар институти инглиз тили факультетининг сиртки бўлимига ўқишга кирди. Биринчи курсни тамомлаб, қишлоқ мактабида инглиз тилидан дарс бера бошлади. Бу унинг бешинчи касби бўлди. Қишлоқдагилар унинг исмига «Олов» сўзини қўшиб гапира бошладилар.

Олов қиз ўтган йили колхозчилар қурултойига делегат бўлиб келган эди. Бу улкан анжуманда ҳам оловлигини кўрсатди. Сўз олиб, жаманга чиқди.

— Ие! — деб Рисолат опа ҳайрон бўлиб қолди. — Мақсуда нима демокчи? Сўзга чиқмоқчи бўлганини айтмаган эди-ку!

— Мен пахтакор деҳқон қизи бўлганим учун ўз тақдиримни, ўз келажагимни шу оппоқ ва беғубор пахтамиз билан боғлашга аҳд қилганман. Шу мақсадда механизатор бўлиб, пахта тердим. Бу йил сал каттароқ ишга бел боғламоқчиман. Қишлоқдаги дугоналарим билан бамаслаҳат етти қиз чўлда эллик гектар янги ер очиб, пахта экомқчимиз...

Залда гўлдурос қарсақлар янгради. Кўплар қизни қутлади, баъзилар ишонимсизди. Қизнинг ваздаси қишлоққа етиб борганида Солижон ва Раҳим полдон деган пахтакорлар қулишди.

— Қизи тушмагур, — деди бир кун Раҳим полдон кўпчилигининг ичиди, — сен ўзинг ҳеч чўлга борганимсан? Саратон тигини, қаҳратон қишининг бўронини кўрганмисан?

— Э, қизиксан-а, — деб киноя қилди Солижон, — «Туяни шамол учирса, экинни осмонда кўр» дейдилар-ку! Бу қиз космонавт бўлиб, шамолда осмонга учмоқчи!

Эрмакка зор бўлган йигитлар маза қилиб қаҳқа кўтаршиди.

— Кўп қулманглари! — деди Мақсуда пинагини бузмай, — жўжани кузда санайдилар.

— Нега хафа бўласан? — деб сўзида давом этди полдон вазим гавдасини чайқаб. — Чин гални айтаман! Мана, мен икки йилдан буён чўл билан олишаман. Енгиб бўлмаппти. Аввал чўлга бо-

риб, уч-тўрт кун яшаб, қиш-ёзини, шамол-бўронини кўр...

Йигитлар ҳазилининг чеки йўқ эди. Хўрлиги келган Мақсуда Рисолат опанинг олдига бориб, йиғлаб юборди.

— Арт ёшингни!— деди Рисолат опа.— «Авал ўйла, кейин сўйла». Қурултой миңбарига туриб ваъда берганинда ҳеч нарсани ўйлаганиднинг? Кўз олдинга чўл азоб-ўқубатларини келтирган-мидинг?

— Бўлмасам-чи!— деди Мақсуда бир оз ўзини тутиб.

— Унда бу нимаси? Колхоз правленияси сenga ишониб катта маблағ, техника, дов-дастак ажратди. Чиндан ҳам уларни чўлга ташлаб қочсаларинг-а?

Мақсуда чўчиб тушди. Йигитларнинг ҳазили дастлабки танбех, биринчи синов эканини тушунди. Дадилланиб деди:

— Нималар деяпсиз, опажон!

— Мен ҳеч нарса деяётганим йўқ, сен гапир-ясан. Тўри, Раҳим полвон икки йилдан буён чўл билан олишяпти, аммо ҳали енгиб чиқолганича йўқ! Негаки, чўл полвонга ўхшаган дўлти-дўлворларни учириб юборади. Чунки чўлни куч билан эмас, ақл билан енгилу керак. Сен ақлли қизсан! Сенга ишонганидан колхознинг каттагина бойлигини ажратиб берялман. Биласанми— нима қилсан? Қани, ўзинг ўйлаб топ-чи? Эртага мажлис.

— Мажлисда ўшаларни мусобақага қақираман!— деди Мақсуда.

— Мана, бу бошқа гап. Раҳмат сенга!— деди хурсанд бўлган раиса Мақсудани эркалаб:— Дилмидаги гапни топдинг-а, яша! Чўл лочини бўлмасанг, мақсадинга етмасанг, янаги қурултойда «Ваъдани бажардим, ўртоқ делегатлар» демасанг, Мақсуда отингни мен ўзим бошқа қўяман!

Мақсуда ҳам қувонар, ҳам хавфсирар эди. Уша куну у олти дугонасини уйига қақириб, маслаҳатлашди, режа тузишди. Ниҳоят, икки йигитни мусобақага қақиршига қарор қилишди. Чиндан ҳам мажлисининг энг қизгин қисми Мақсуданинг сўзга чиқиши-ю, йигитларнинг кинояли гаплари ва қаҳ-қаҳалари бўлди.

Баҳор келди. Қир-бела гулга кўйилди. Етти қиз теп-текис сахрою биёбоннинг ўртасига келиб атрофга назар ташлаб бошладилар.

— Ҳазонинг келатиси бузуқ!— деди Кенжахон, ташвишланиб осмонга қараркан.

Чиндан ҳам осмонда қора булутлар қуюқлашиб, момақалдирак гумбуради. Шаррос ёмғир кўйиб, бирдан бўрон кўтарилди.

— Мана сенга чўл ҳадяси!— деди Мамлакат. — Чодирга сув кириб кетмасин, атрофни кўтариб, ариқ очиб керак!— деди Мақсуда белкурани олиб ташқарига югурар экан. Қизлар белкурани, кетмонларга ёпишдилар. Ариқ қазилгунча уларнинг кийим-боши шалаббо бўлди!

Бу, чўлнинг биринчи қаршилиги эди. Аммо бу қаршилик қизларни йўлдан қайтариш у ёқда турсин, ақалли чўчтолмади ҳам. Фақат андак замга солди. Қизлар «кечкимасак эди» деб ўйлашарди.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Мақсуда қизларнинг ҳаёлини уққандек.

— Нега энди ҳечқиси йўқ?— ажабланди рўмолини бураб сикавтган Мамлакатхон.— Ота-боболаринг «Бир кун эрта эксанг— ун кун эрта йиғасан» деган мақолини унутманг, ойм киз!

— Асло! Тандир қизимаса, нон кўмачга айланади. Ҳамал кирмагунча чигит униб чиқмайди, аксинча, кун кўрмай чириб кетади.

Бир кун машина овози эшитилди. Қизлар «Рисолат опам келгиларинг» деб кутиб туришди. Чиндан ҳам машинадан жонсарак Рисолат Эрташева тушди.

— Ҳоранглар, чўл юлдузлари!— деди Рисолат қизларни бирма-бир қучоқлаб бағрига босар экан.— Олов қизларим!..

Бирдан қизларнинг кўзи машинада илжайиб турган Асқаралига тушди. Мақсудахондан бошқа ҳамманинг энсаси қотди.

— Мана, энг яхши йигитимизни сизларга кўмакчи қилиб олиб келдим,— деди Рисолат опа. Мақсуда кулди. Бошқалар ерга қарашди.

— Раҳмат опа, лекин бу ерда на тоғ, на кўл бор,— деди Мақсуда. Қизлар қиқирлаб кула бошлашди. Гапнинг мағзини чаққан Рисолат опа: «Ҳа, шайтон киз! Каклик отиб, балиқ тутмаса, сизларга пола териб берар!» деди. Қизлар кулиб юборишди.

Бу гал кулгани Рисолат опа тўтатди. — Қани, аҳволлар қалай? Ерни қачон ҳайдамоқчисизлар?

— Эрта-индин ҳайдасак деб турибми.

— Эртага-ку муқиммас-а, кун шундай турса балки икки-уч кундан кейин ер етилиб қолар. Ерининг ҳовурини қаранглр— оғир нафас оляп-

Фаргона область Узбекистон районидagi Ленин номи колхозининг иомсомол-ёшлар бригадаси бошлиги Мақсудахон Фозилова (унгда) ва шу райондаги «Комсомол» совхозининг бригада бошлиги Мастура Нетьматжонова.

С. БЕЗНОСОВ ФОТОСИ



ти. Тагин гўза чопиш ўрнига қатқалоқ майдалаб ўтирмаглар.

Рисолат опа қизларга зарур маслаҳатлар бериб, Асқаралини қолдириб, жўнаб кетар экан:

— Биласиларки, чўл гўзанини кунда сўғориш керак, иссиқда кундузи сўғоришининг нафи кам бўлади. Асқарали гўзанини табибга! Унга тенг келадиган сувчи йўқ. У номусли, орияти қаттиқ йигит, тагин...

Рисолат опа у ёғини айтмади. Мақсуда кинояли жилмайиб, беш иргаб кўйди. Асқарали чўлда қолди. У овқат маҳалидан бошқа пайт қизларга яқин келмас, келганда ҳам улар билан бирга ўтирмас, иш вақтида ўқарки, шохариқларни тўғрилаш, шийпон атрофини чақиб саришталаш, райхон, жамбил экиш, ҳовузча қазиш, сула яраш каби ишлар билан машғул бўларди. Тракторларга сув, ёғ ташиш, келган уруғлик чигитни машинадан тушириш, бочкаларни юклаш ҳам унинг зиммасида эди.

Чигит экиб бўлинди. Асқарали бунда ҳам сид-қидилдан ишлади. Сихмола билан зил-замбил ёғоч-молани шийпон олдидан кўтариб келиб тракторга тиркаш, чигит дорилаш, ташиш—ҳаммасини ўзи уддаларди. Чурк этмай, қизларга қўл урдирмай, Мақсуданинг оғиз очилишни кутмай уддаларди. Шунинг учун қизлар ундан унча ётсирмай-диган бўлиб қолди.

Ҳамма чигитнинг униб чиқишини сабрсизлик билан кута бошлади. Ҳар кун саҳарлаб пайкал кезишди. Ниҳоят, чигит ниш урди. Қизларнинг юзиде табассум жилава қилди. Чигит қутилгандан зиёда, бир текис униб чиқди.

— Бунақасини қишлоқда ҳам кўрмаган эдим!— деб юборди Асқарали биринчи марта завқ-шавққа тўлиб.— Еримиз ҳам ипақдай эшилиб кетган эди азбаройи кўп ишланганидан!

Қизлар бир-бирларини қучоқлаб қутлай бошлашди. Асқаралининг бир қувончига, ўн қувонч қўшилди. Рисолат опа келиб гўзаларни кўрди. Шабвада-силкинби яшнаб турган ниҳоллар гўё қизларга салом бериб қутлаётганга ўхшарди:

— Жуда яхши! Ҳоат хурсандман,— деди Рисолат опа.— Мўл ҳосилнинг биринчи шarti аъло бажариллибди. Бу ёғи ўз кўллариңизда.

Рисолат опа кетди-ю мотоциклни патиллатиб Солижон билан Раҳим полвон келишди. Қизлар уларни ғўрур билан кутиб олишди. Полвонлар: «Ҳа, яхши! Ҳа, яхши!» сўзларини такрорлаб бироз меҳмон бўлиб қайтиб кетишди. Улар кетишгач, чўлда фалокат юз берди. Бирдан бўрон, куюн турди.

— Эҳ! Энди нима қилдик!— деб қичқирди Асқарали.

Шамол осилгич турган кийим-кечакларни учириб, бўш бочкаларни даранглатиб, думалатиб, чўлни бошига кўтара бошлади. Баъзи қизлар ўзларини панага олиб қочибди. Мақсуда билан Асқарали пайкалга югурибди. Бўрон олди эндинга қўш-қулоқ бўлган, кети ҳали ерни ёриб чиқа олмаган ниҳолларни ёғиб, синдириб узиб кетяпти.

— Энди нима қилдик, Асқарали!— деб бақир-доб юборди Мақсуда.

Буни Асқарали эшитмади. Бўрон Мақсуда билан ўчақишгандек, унинг дуррасини бошидан юлиб олиб, осмон-фалакда ўйнай бошлади.

Орадан бир соат чамаси вақт ўтар-ўтмас бўрон ҳам, қуюн ҳам тинди. Яшил гўза пайкаллари шайтон ялаган сахтибандек бўлди-қолди. Қизлар азиз кишидан жудо бўлгандек шохариқлар ёнида қаққайганича жим туришарди. Шу тобда бўрон ҳам, «нима гап» деб сўрагудек бўлса йиғлаб юборишарди. Шундай бўлди ҳам. Эртаси куну Рисолат опа машинадан тушар-тушмас, энг олдин Мақсуда гўнраб юборди. Ҳатто Асқарали нам кўзини ашириб тексари қараб олди.

— Ҳечқиси йўқ. Узингнизни босинг!— деди Рисолат опа қизларнинг бошини силаб, юнатар экан.— Ҳаммаёқ яйдоқ-да! Шамолни тўсадиган дов-дарахт йўқ. Аммо бўлади. Бу ерларда боғлар яратамиз! Ерни зудлик билан қайта ҳайданглр! Кечкурун уруғ етиб келади. Уч-тўрт кундан кейин ўкувчи комсомол ёшлар ҳам сизларга ёрдамга келишди. Улар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқчи. Кўчат ўтқазिशмоқчи. Бу ерда олмазор, тоқор, анорзор, боғлар бунёдага келади. Айтаган, чигит экишда сизларга ёрдам бергани қишлоқ кексалари ҳам келишмоқчи.

— Уларни қийнаб нима қилардингиз, опа!

— Уларни сизларни соғинишди.

— Кечкиқадиган бўлди, опа.

— Йўқ. Гўзанинг тез етилиши ишловга, қўшига боғлик. Чўлнинг қаҳри ҳам бор, шафқати ҳам. Фақат чўлнинг сажийлигидан фойдалана билиш керак.

...Мақсуда Фозилова бригадаси кечани-кеча, кундузни-кундуз демай чигитни тез экиб олди. Униб чиқиши ҳам ёмон бўлмади. Ававалгича бўлмаса ҳам кўчат аъла қалин чиқди. Қизлар ишловга, парваришга эъра беришди. Шу сабабли саратонда пайдо бўлган бир-икки гармисел унча таъсир қилмади. Ҳосил ҳам ҳаракатга яраша баракали бўлди. Айниқса, мусобақадош полвонлар олдида қизларнинг юзи ёрғиб бўлди. Пландаги 26 центнер ўрнига гектардан 29 центнердан кирмон кўтаришди. План 125 процент қилиб бажарилди. Энг муҳими, ҳосил машинада ва жуда тез териб олинди. Асқарали юз тоннага яқин, Мақсуда эса икки юз тоннага яқин пахта теришди. Озода Аҳмедова, Кенжахон Қурбонова, Мамлакат Шарафиддинова сингари қизлар ҳам бўш қелишмади.

Қизларнинг бу йилги режалари яна ҳам катта. Улар юз гектар ердан Ватанга 3500 центнер «оқ олтин» инъом этишмоқчи. Кузда барвақт шудгорланган ерга маҳаллий ва минерал ўғитлар таъсир чиқарилди. Улар эрта баҳордаёқ чўлга яна кўчиб келишди. Албатта, жонқуяр Асқаралини ҳам бирга олиб чиқишди. Чўлда бу йил катта тўғи бўлади. Тақлиф қилишса, меҳмон бўлаемиз. Уларга катта бахт, туганмас шодлик тилаймиз.

Ёқубжон ШУКУРОВ

# ТЕМИР ҚАНОТЛАР

## Касб ҳақида ўйлар

**Р**айон комсомол комитети биносининг пештоқиға осигилк алвонга партиямиз программасидаги шу машхур сўзлар ёзилган: «Хар бир совет кишии ўз меҳнати билан коммунизм тантанасини яқинлаштиради».

Районнинг иккинчи секретари Акрамжон Эргашевнинг кабинетиде ёш-яланглрнинг бир-бири билан қизгин баҳслашавтгани аниқ эшитиларди. Секретарь улар блан «Касбингизнинг поэзия ва романтикаси нимада?» деган мавзуда суҳбат ўтказавтган экан. Мен ана шу гурундаги нутқлардан айримларини сизларга тақдим этаман.

### ПАХТАНИНГ ОЙДИН ЙҮЛИ

**Мадаминжон ФАЙЗИМАТОВ** (Партия XXII съезди номидеги колхоздан): Пахтакорлик касбини нега танладим? Шоир айтгандай:

Пахтамиз-ку аслида Фарғонада туғилди,  
Күеиш қадами етган ҳар жулка йул олдид,  
Ўзбекининг заковати зеҳни билан йўрилди,  
Халқлар аро халқининг номуси бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, пахтамиз халқимизнинг номуси. Мен ҳам халқнинг бир заррсиман. Иккиламчи, тоғ бургути ҳам боласини учирма қилшдан аввал, йул ойдинми, деб фазога қарайди. Учувчилар ҳам парвозга кўтарилш олдидан осмонни чамалайдилар. Хар бир ёш ҳам касб танлашдан олдидан йулга қарайди. Йул ойдинми? Сўқмоқлардан ўта оладими? Қўзлаган манзилга етадими? Еки йўлни нотўғри танлаб, ора йўлда қолиб кетадими? Мен йўлмини иккиланмай танладим. Кўз олдими районимизнинг сара деҳқонлари— Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Тўтихон Қулбекова, Бозорбой Отакулов, Раҳим Аҳмедов, Юсуф Хидиров, Юсуф Абдуллаев, Дадаортқи Сўфиев, Аҳмаджон Асилбоев, Мамадали Нортонжиев, Майхона Сайфуддиновалар босиб ўтган йул келди. Булар кетмончиликдан қаҳрамонликка бўлган йўлни босиб ўтдилар.

Генераликни орзу қилмаган аскар аскар эмас, деганларидеи, қаҳрамонликни ўйламаган деҳқон ҳам деҳқон эмас. Қўша-қўша орден кавалерларини айтсам-ку адо бўлмайди. Узоққа бормай, ўзимизнинг колхоздан мисол келтирай. Пахта Каримжон Файзиматовни Лайлакхона жуяларидан Кремлинг саройига— колхозчиларнинг Бутунитифок III съездига кузатиб қўйди. Пахта унн Республика Компартиясининг XVIII съездида делегат қилди. Каримжон акам обком аъзоси, республика Олий Советининг депутаты бўлди. Пахта унинг кўксига Ленин, «Хурмат Белгиси» орденларини тақиб қўйди.

Сиз бир қошиқ асални тотиб, қайси чаманнинг гулидан эканлигини ёҳуд дарёдан бир пиёла сув олиб, қайси жилғанинг томчиси эканлигини айтиб беролмайсиз. Мен ҳам пахталарим республика хирмонининг қайси қатламига жо бўлганини айтолмайман. Аммо Тиёншон тизма тоғларидеи қўзиллаган хирмонимизда бу пахта олмосининг бир киррасидеи, толемидеи ярқираб туршини биларкан. Деҳқон қадимдан омончининг тиғи билан ўз ризининг йўлини қаричма-қарич олган бўлса, бугун у замонавий техника шарофати билан ўз бахтини уфқма-уфқ очмоқда.

### ОҚ ДАРЁ ТОМЧИЛАРИ...

**Замира АБДУРАҲМОНОВА** («Ўзбекистон» колхозидеи М. Горький номли мактабдан): Аввалига паншаханнинг солидай текис бошлаган йул бирор ўлқоқами, қумлоқами келганда паншаханнинг панжасидеи хар томонга таралиб кетади. Йўловчи манзилга етиш учун қайси йўлдан юришини ўйлаб қолади. Ҳаёт ҳам шунақа. Ун йилликни тутатгунча дорбоздай бир йўлдан: уй—мактаб, мактаб—уй йўлидан текис юриб келамизу етуклик аттестатини олганда кейин: қайси йўлдан юрсам экан, деб ўйлаиб қоламиз. Ушанда йўлни аниқ биладиган кишига эргашинг келади. Нима кўп, хунар кўп. Мен районимизнинг сут соғувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Орзихон Пулатовага эргашдим. Тўққизинчи синфин тутатилган. Дарсдан буш пайтларимда менга бириктирилган ун тўрт сигирнинг хар бирдан 1800 литрдан сут соғиб бермоқчиман. Соғувчилик касбини танлаганимга сабаб, бизнинг жамиятда турдэги турта жойдан биттаси чорвадорликни, сут соғувчиликни. Анастасия Чудная Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Муҳтарам Раффорова— СССР Олий Советининг депутаты. Не бахти, яқинда риштонлик сут соғувчи Турсуной Исҳоқова республика Компартиясининг пленумида, кишлоқ хўжалик илгорларининг қурултойида нутқ сўзлади. Ҳазилакам гапми бу!

Кези келганда шуни айтишим керакки, биз ҳам партия-совет органлари ёрдамида фермаларни тўлиқ механизациялаштиришимиз керак. Ана ушанда Турсуной оламлардек етмиш-саксон сигирнинг хар бирдан 2500—3000 литрдан сут соғиб оламиз. Бу эса республикамизнинг улкан сут дарёсига—оқ дарёга қўшган томчиларимиз, жилғаларимиз бўлади.

### НОН ИСИ

**Муборак КЕНЖАЕВА** (Оптизариқ нон комбинацидан): Бонак нонвойлик. Агар шоира бўлганда юрагимни тандирнинг олодай ёндириб, лаҳча чўғ қилиб, шундай шеър битардимки, бу шеър дунёдаги ҳамма тилга таржимаси қилинарди. Уша шеър «Нон исин деб аталарди. Оламда гуллар кўп. Хар бир юртининг ўз гули, ўз исин бор. Аммо битта нарсанинг исини Она сэйрабамизнинг хар бир бурчагида бирдай анқийди. Нон нон исини. Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири: «Ўз кўлинг билан нон синдириб емоқликдан ҳам ортиқ бахт борми!» деган экан. Бу сўзининг мағзини чакинг-а! Роберт Рождественский айтмоқчи, таомлар китоби инжилдан илгарироқ ёзилган. Фашизмни нега яқсон қилдик. Авлодлар қўлидаги нонни ҳеч ким тортиб олмаслиги учун. Нонимиз бутун ўлқим, пичогимиз мой устида бўлиши учун. Сўзимнинг исботи учун Фафур Фулоддан бир мисол келтираман:

Бу йўллар кўп қадим йўллар  
Беш миллион, ўн миллион,  
Юз миллион нафар қуллар ва туллар

Гарданда чўяндан қуйилган занжир,  
Ерларда ҳашарот каби

Очликдан,  
зорликдан гезариб лаби,

Оғиз,

маҳқум,

хор ва бетадбир:

— Нон!— дея,

— Нон!— дея,

суриниб кечмишдир...

Нон бу юртининг тарихи. Нон исини— қон ва тер, ер ва ўт исидан таркиб топганга ўхшайди. Агар шоира бўлганимда нон исини ҳақида бир шеър битардимки...

### ҚОНСИЗ ФОЖИА

**Тургунбой БОЗОРОВ** (автогрейдерчи): Оддийгина шоферман, автогрейдерчи. Йул кураминиз. Дунё—бу йул. Инсон туғилбдики, тетапоя бўлганда то сўнги нафасигача йул юради. Қалбининг кўри, заковати, тадбири, илхоси билан ёруғ йўлга интилади. Қўзлаган мақсаднинг бирор бекатига етади. Аммо йул давом этади. Издошлар, авлодлар йўлни йўлга улайдилар. Тарихнинг, инсоннинг тақдирини йул билан боғлиқ. Мен қурган йўллардан турналардай тизилган пахта қарвонлари, гўдақлар боғчага, мактабга ўтганда беихтиёр энтикиб кетаман. Карнай-сурнай садолари билан куёвлар келиникига, оқшомлари ёр-ёр айтган янгалар келинини кўвникига элтишга ошиққанда беихтиёр энтикиб кетаман. Қасбимга яна меҳрим ортади. Аммо айрим шофёр тенгқурларини ўйлаганимда кўнглимдан бир нохушлик ўтади. Пахлавон йигит икки юзга чертса, қон томадиган ёшгина бошлиқни олиб юради, ёки бирор олифанинг шахсий машинасини ҳайдайди. Тонг билан келиб эшигининг тагида жилвобдордай илҳақ термулиб туради. Кейин бошлиқни бирор қоҳшонанинг соясида соатлаб эснаб-эснаб кутади. «Хўжайинчангизни қерларда олиб юрдигиз», деган хотинининг дашонини эшитида. Шундай шофёрнинг касби ҳайфга кетади. Ҳақорат-ку бу! Ана шунақа ошналарини ўйлаганда бир нарса ҳаёлимга келади. Инкилоб бизга нима берди? Энг аввало инсоний ҳуқуқ, қадр берди. Қани уларнинг қадри, нима учун улар ўз қадрини ўйламайди? Тогни талқон қилгудай йигитлар экскаваторлар, бульдозерларни гуруллатиб юрса бўлмайдики? Қизилтепа чўлларидеи ёрнинг киндигини узғудай бўлиб юрмайдики? Бўлади. Бунинг учун уларнинг кўзи мошдай очилиб, қадр-қимматларини таниб олишлар керак. Назаримда улар шон айтмоқчи, қонсиз фожияни бошидан кечираётганга ўхшайдилар.

Менга узр. Янги йул қўришимиз керак. Йул кутиб турибди.

### БЕМОР ТОННИ КУТГАНДА


**Хўвайдо ХОЛМУРОВОДА** (район медицина бирлашмасининг ҳамшираси): Висол онлари ширин. Аммо оламда ҳеч нарса беморнинг тонни кутиб олишидай ширин бўлмаса керак. Қўзгаг йўқунинг мудароқ овчиси тўр соломлаган бемор томирининг уришидай бир меъьёрга ўтаётган дақиқаларни санаб тонг оттиради. Тонгни қаршилар экан, қўзларидеи учун қақнайди. Оламдан кўз юммаслигага умид туғилади. Кейин тонгни посбон қилиб бежавотир бироз уйқуга кетади. Беморку бемор. Биз ҳамширалар беморнинг киприк қоқишига, кўзининг қирега, қўл ҳаракатига сергак қараб туришимиз керак. Чунки бемор умидини бизга боғлаган. Оламда касб кўп. Ҳаммаси ҳам ҳоли қудрат инсонга хизмат қилади. Ҳамма касбда янглишиш мумкин. Аммо врачнинг, ҳамширанинг янглишишга ҳаққи йўқ. Чунки у не-не инсон тақдирига жавобгар. Уни ҳамма кечирса ҳам, ёлғиз гувоҳ—узнинг виждони кечиролмайди. Яқинда бир фалокат юз берди, 19 яшар йигитни шошилинч олиб келишди. Қўқрагига қадаган пичоқ уни юрагига ҳам лат етказган экан. Шошилинч чора қўрилди. Меҳнат Қўзил Байроқ орденли тажрибали хирург Соттижон Мадамониининг енгил қўли уни даволади. Беморга тонгни қўриш насиб бўлди.

Хуллас, мен ҳам устозларим педиатр Марғуба Баратова, гинеколог Ҳикматхон Абдуллаева, хирург Соттижон Мадамони каби юзлаб врач, ҳамширалар қатори одамларга тонг нури улашэтангимдан мамнунман.

\* \* \*

Фарғона областининг Оптизариқ районидеи юқоридеи номлари зикр этилган ёшларга ўхшаш кишилар беҳисоб. Улар ўз меҳнатлари билан инсон фаровон яшайдиган порлоқ жамият тантанасини яқинлаштирмоқдалар.


Анвар ЭШОНОВ



**ДЕҲҚОНЛАРИМИЗ  
МАДАДҚОРЛАРИ**

Республикаимиз саноатининг етакчи корхоналаридан бири Тошкент қишлоқ хўжалиги машина-созлиги заводи етказиб бераётган «мовий кемалар» пахтакорларимизнинг оғирини енгил қилмоқда. Меҳнат Қизил Байроқ орденли завод коллективи кунига 26 тадан пахта териш машиниси ишлаб чиқаради. Суратларда: заводнинг бош йиғув конвейери (юқорида). Унингчи цехнинг кавшарловчиси А. Бирюков жадал ва соз ишлайди (унгда). Завод чилангари, шахар Совети депутати М. Мўйдинов насбдошларини социалистик мусобақага чақириб ёзган мақоласи хусусида завод газетаси редактори Г. Демидов билан маслаҳатлашмоқда (пастдан чапда). Тайёр «мовий кемалар» шу жойдан далага жўнайди.

В. ТАРАН фотолари



# СУВ-ҲАЁТ МАНБАИ

«Гулистон»нинг ўтган йил декабрь сонига Х. Таштемиров ва М. Раҳмоновларнинг «Ариқ, сув ва хонадон» мақоласини ўқиб, бундан 35—40 йил илгариги Тошкентнинг қиёфаси кўз олдимга келди. Уша пайтларда шаҳримиз кўчаларидаги ариқларда зилол сувлар шилдираб оқиб турар эди. Энди-чи! Шаҳардаги қўпгина ариқларнинг четлари бетонлаштирилди. Лекин ана шу текис, раван ариқларда оқётган сувларнинг рангига қараб кишининг таъби хира бўлади. Бир вақтлар худди шу ариқлардаги сувдан дарактларни сугориш, юз-қўлни ювишда фойдаланилган бўлса, эндиликда ариқларни ахлат босиб кетган. Ариқларга мағзава тўкилади. Шаҳримизнинг марказидан оқиб ўтувчи Салор, Бўз ва Кайковус каби катта аҳолилар ҳам борган сари ифлосланмоқда. Мен иш жойимга доимо Кайковус ариғи бўйлаб бораман. Қиш кунлари ариқнинг суви тўхтайдди. Айрим кишилар белгиланган жой бўлишига қарамай, ахлат ва чиқиндиларни ариққа ташлайдилар. Ёз кунлари сув бетига муттасил хору хас сузиб юради. Баъзи хонадонлар оқова сувларни тўппатўғри ариққа чиқарганлар.

Айрим ариқларнинг кўмилиб кетишига қурлиш ташкилотлари сабабчи бўлмоқда. Масалан, илгари Кайковус ариғидан ажралиб, ҳозирги Ҳамза кўчасидан ўтадиган ариқдан авваллари бир тегирмон сув оқарди. Бу ариқнинг суви Эски шаҳардаги «Пушти Ҳаммом» маҳалласига борарди. Кексаларнинг гапига қараганда шу ариқдан оққан сув бир вақтлар иккита тегирмон ва иккита обжувозини ҳаракатга келтирган, дов-даракт сугорилган, ичилган. Неча замонлардан бери юзлаб хонадонларга оби-ҳаёт улашган «Махвот» ариғи Ҳамза кўчасидаги 23-ўрта мактаб биноси ва Ғ. Ғуллом ноили кинотеатрнинг қурилиши тўғриси бўлиб ташланди. Шу сабабли энди қорли, ёмғирли кунларда Ҳамза кўчасини сув босиб кетади. На тижанда асфальт ишдан чиқади, уй-жойлар шикестланади. Сағбон, Қорасарой ва Янгиш кўчаларида ҳам шундай аянгли манзарани кўриш мумкин. Баъзи хонадонлар ўз ҳовлисида ўтган ариқларни кўйиб ташлаганлар.

— Ариқдан доим балчиқ-мағзава оқади, бундай ариқнинг борида йўғи,— дейишди улар. Бу ҳолга барҳам бериш мумкинми? Мумкин. Дунёда иложсиз нарса йўқ. Алмо бундай ҳолларни биргина район ёки шаҳар коммунал хўжалик бошлиқларига мурожаат қилиш орқали бартараф этиб бўлмайди. Бу умулхалқ ишидир. Бунинг учун ҳар бир маҳалла ёки ЖЭКка қарашли хонадонлар ўз территориясини озода, ариқларни доимо тоза тутиши лозим. Бу ишга маҳалла комитетлари бошчилик қилиши ва амалий ёрдам бериши керак. Бунинг учун комитет қошида ободончилик ва тозалик комиссияси тузиш, уларни ишга жалб этиш зарур. Кўпчилик маҳаллаларимизда ана шундай комиссиялар бор.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидagi «Октябрь 40 йиллиги» маҳалла комитети (комитет раиси Расул Раҳмонов) қошида тузилган 7 кишидан иборат Ободончилик ва тозалик комиссияси ибратли ишлар олиб бормоқда. Комиссия составига кирган кекса отахонлардан Мутал ака Нажмиджонов, Камол ака Латипов, Ҳади ака Зияев, Ҳикмат ака Яминов, Йўлдош ота Каримов, Ҳалима Бозорбоева ва Одил ака Зоҳидовлар доимо маҳалламизнинг озода, кўкаламзор бўлишига эътибор бермоқдалар. Утган йили шулар бошчилигида маҳалла территориясидан ўтган ариқ ёқасига 1000 тупга яқин тол ва терак кўчатлари экилди. Бу йил ҳам ана шунча манзарали даракт кўчатини маҳалла марказида Улуг Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ташкил этилган «Едгорлик» майдонига экиди. Комиссия аъзолари вақти-вақти билан ҳар бир хонадонга кириб тозаланин назорат қилдилар, ҳаршар йўли билан маҳалла территориясидagi ариқларни тозалаш ишларига доимо бош-қош бўладилар. Бир баъза маҳалларда ҳам ана шундай комиссиялар ташкил этилишини истардик. Шундагина ариқларимиздан покиза, тиниқ сувлар оқади. Ундан ҳамма бахраманд бўлади.

Ҳамидулла ЙУЛДОШЕВ,  
Собир Раҳимов району «Октябрь 40 йиллиги» маҳалла комитетининг раиси ўринбосари



жуда толиқди. Икки кунлик метеор ёмғири ҳамманинг тинчасига теғди. Равшан неча йил учиб, метеорларнинг шу қадр қудратли оқимини кўрмаган эди. Космонавтика назариясига мувофиқ бундай ёмғир икки аср мобайнида бир марта бўлиши мумкин эди. Лекин қонуниятда истиснолар ҳам кўп учрайди. Яқинда икки кема шундай ёмғирга дуч келиб, ҳалок бўлди.

Равшан совиб қолган чойдан хўплаб, диванга ёнбошлади. Кўзини юмиши билан ҳаёлига яна метеор ёмғири келаверди. Энди тошлар кемага эмас, унинг миёсига урилаётгандай эди. Кўзини очиб, бошқа нарсани ўйлашга ҳаракат қилди. Фикран Ерга қайтди. Гулсара билан бўлган бахтиёр дамларни эслаб кетди... Гулсара ўзини анча олдириб қўйибди. Шаҳло кўзлари яна ҳам катталашганга ўхшайди. Лекин қалин қорз қошлари, ширин кулиши — ўша-ўша.

— Нега мунча озиб кетдинг?— деди Равшан.

— Сизни оракиб кутганимдан.

— Юр, боққа чиқайлик.

— Боғимиз ҳазон бўлди...

Гулсара кўзига ёш олди. У доим шундай, кинояли гапирарди. Эрининг кетиб қолавершидан норози...

Остонада онаси кўринди. Онанинг сочлари тўзғиган, оқ рўмоли елкасига тушган, гамгин эди.

— Жон болам, яна ҳаялаб кетма, соғинтирма,— деди у қўришиб.

Қўнироқ кетма-кет жиринглади. Равшаннинг кўзи илгинган экан, сапчиб ўридан турди. Тез юриб бошқарув хонасига кирди.

— Яна ёмғирми?— деди навбатчига.

— Йўқ, Ердан шошилинч бўйруқ.

Равшан энсизгина тасмага ёзилган буйруқни ўқиди: «Сақизинчи йўлда XXI асрдан қолган «Сфинкс» кемаси кезиб юрбди. Яқинлашиб, унда нима борлигини аниқланг. Лозим топсангиз, портлатиб юборинг».

— Координатлари аниқ эмасми?

— Йўқ, фақат сақизинчи йўлдалиги аниқ.

Равшан харитага узоқ тикилди, ўзлари учаётган йўлга белги қўйди.

— Айтмишга осон. Кичкина бир сўқмоқ эмаски, дровор дуч келсанг.

— Марказдагилар буйруқ беришни билишарди,— деди навбатчи.— Уммондан игнани қидир, дейишгани-да бу.

— Кемани сақизинчи йўлга буриңг.

— Одамларни уйғотайми!

— Йўқ, дам олавершин... Тезликин оширинг. «Афросиёб» фазода ўли ёй чизиб, орқасига

қайтди. У айтилган йўлга чиққунча, Марказдан «Сфинкс»нинг координатлари ҳақида янги маълумот олинди.

Узоқ сафардан уйга қайтаётган фазогирлар учун зерикарли кунлар бошланди. Кечагина улар Ерга неча йилдан сўнг етиб боришларини яхши билишарди. Бугун уларни фазога ипсиз боғлаб қўйишди. Ҳамма қорайиб турган экранда тезроқ ўша кема чирогини кўришни истарди.

Уттиз тўрт кун деганда экран сатҳида ёниқ нуқта пайдо бўлди. Нуқта аста-секин катталашиб борди.

— Тўғри биз томонга қараб келяпти,— деди навбатчи.

— Яхши,— деди Равшан,— тезликин камайтиринг. Қақриқ сигналларини беринг.

Сигналлар жавобсиз қолди. Навигаторнинг ҳисобича, «Сфинкс» яна 18 соатдан сўнг «Афросиёб»га дуч келиши керак. Равшан экипанни катта хонага йиғиб, вазифани тушунтирди. У хотиржам кўриш учун вазмин гапирар, ўтирганлар диққат билан эшитибтанди. Эди. Аслида ҳамманинг ҳаёлини бир фикр, «Сфинкс»га ким ўтади? деган муаммо чулғаб олганди.

— Кемага мен ўтаман,— деди Равшан йиғилганларга тикка қараб.

Орага сукут чўкди. Командир буни астойдил айтилгани ё синамоқчимми?.. Ўтирганлар ўзаро аста гаплаша бошладилар.

— Мумкин эмас!— деди тепа сочи сийракланган чувачкинга киши.— Кемани ташлаб кетишга командирнинг ҳаққи йўқ.

Ёрдамчиси, тўғрироғи, устози қатори бир одам— Ефим Назаровичдан рад жавоби олишини Равшан сезган эди. У биринчи сафарга чиққанда Ефим Назарович кема командири эди. Маана энди ёши улғайиб, сўнгги марта сафарга командир ёрдамчиси сифатида чиқди.

— Ефим тоға. «Сфинкс»га фақат мен ўтишим мумкин.

— Мен-чи?

— Сиз командирнинг ўрнида қоласиз.

— Манманлик қилма! Кемада қолишга мажбурсан.

Ефим Назарович командирлик қилган пайтда ҳам шундай баҳс бўлган эди. У бошқаларни аяб, ўзи нотаниш кемага ўтмоқчи бўлганда, Равшан «Командир кемада қолиши керак», деб қаршилик билдирган. Ефим Назарович эса: «Мен ёшларга бундай буйруқ беролмайман», деган. Равшан ўша сўхбатни эслаб, йиғилганларга рухсат берди. Ҳамма чиқиб кетгач, Ефим Назаровичга қараб:

— Мен ёшларга бундай буйруқ беролмайман,— деди.

— Мени камситмоқчимисан!

— Сиз кексасиз,— деди Равшан кулиб.

Равшаннинг қарори катъийлигини дилдан сезган Ефим Назарович кулинч юз билан пўпса қилиб кўйди:

— Фақат эҳтиёт бўл. Жуда эҳтиёт бўл. Енингда ёрдамчи ол.

— Кераги йўқ. Бордию...

— Совуқ нафас қилма,— деб унинг сўзини бўлди Ефим Назарович.— Агар ҳозирдан шундай бўлисанг, рухсат бермайман.

— Ҳазиллашдим.

Ефим Назарович эшик томон юрди.

— Ефим тоға,— деди Равшан. Лекин гапини дарров айтолмади. Кейин ҳазин товуш билан гапирди:— Уғлим... уғлим сизга ўхшаб биохимик бўлибди.

— Биламан,— деди Равшаннинг нима демокчилигини тушунган Ефим Назарович тундлик билан.

— Агар уни кўрсангиз...

— Кўрмайман!— деди Ефим Назарович унинг гапини кесиб.— Кўрмайман, эшитдингми? Айтадиган гапингни узинг қорин айтасан!— У шундай деб чиқиб кетди.

«Сфинкс» «Афросиеб»нинг остидан ўтди. «Афросиеб» қора бўшлиқда ўтли доира ясаб, унинг изига тушди. Тез орада икки кема тенглашди. Равшан скафандр кийди.

— Люк очик экан, эҳтиёт бўл,— деди Ефим тоға унга ёрдамлаша туриб.

— Мен «Сфинксга» ўтганимдан кейин узоқлашинглар.

— Нима учун?

— Ҳар эҳтиомга қарши. Хавфли замонлардан қолган. Утмиш сарқити, ахир!— деб жилмайди Равшан.

Баъзи хоналарнинг эшиги очик. Равшан хоналарга бир-бир кириб қаради: Ҳеч кимдан асар йўқ. Фақат кийимлари ҳар ер-ҳар ерда сочилиб ётибди. Жавонда ўн етти скафандр. Хонлардаги кийимлар ўн олтита. Қизик. Ердан юборилган маълумотга қараганда, кемада ўн саккиз киши бўлган. Иккита кийим билан битта скафандр қаёқда қолди?

Равшан бошқариш хонасининг эшигини очди. Бу ерда ҳам ҳеч кимнинг асари йўқ. Курсида эса битта кийим ётибди. Равшан кема омиборига ўтди. У ерда катталиги икки қарич келадиган тўқикизта қора темир қути териб қўйилган эди. Ҳар бирига оқ бўёқ билан бош суяк сурати чизилган эди. Қутиларнинг қопкоғи пайвандланган, уни очиш, ичида нима борлигини аниқлашнинг иложи йўқ. Равшан қутилардан бирини «Афросиебга» олиб ўтиб, «Сфинкс»ни портлатиб юборишга қарор қилди. Қутини кўтариб люк оғзига келтирди. Кейин кема кундалигини топмоқчи бўлиб, яна бошқарув хонасига кирди. Кундалик стол устида экан. Дафтар очик, ундаги сўнги жумла тугалланган қолган. Равшан дафтарни варақлаб кўрди. Инглиз тилида ёзилган сатрларга кўз югуртирди.

«...Лаънати қурол! Бугун Жемс ҳам ғойиб бўлди. Беш киши қолдик...»

Равшан беҳтиёр бир четдан ўқиб бошлади: «2 ТБ» сайёрасига ёввойи биодипллар учун келдик. Биодипл эмас, бало экан. Контейнерга жойлаш учун сайёра сатҳига тушган Питер билан Микута тасодифан ғойиб бўлди. Худди скафандр

ичида бугга айлашиб учиб кетишганга ўхшайди.

Питер билан Микутанинг скафандри тешилан. Сандерсоннинг фикрича, бу биодиплларнинг иши, Шунинг учун уларни контейнерларга манипулятор билан жойлади. Унта контейнернинг ҳар бирида ўнтадан биодипл бор. Бугун кема Ерга йўл олади. Кеманиздаги юкнинг қиммати 100 миллиард доллардан ортиқ.

Омборга кирган Сандерсон қайтиб чиқмади. Эртасига Клайн ўз хонасида ғойиб бўлди. Кеманида биодипл кириб қолганга ўхшайди.

...Лаънати қурол! Бугун Жемс ҳам ғойиб бўлди. Беш киши қолдик. Ростернинг ҳалокатини ўз кўзим билан кўрдим. Медузани эслатувчи махлуқлар бир тўда бўлиб Ростерга ёпишишди. Ростерни ҳазм қилишидо кўпайишди. Мен уларнинг сирига энди тушундим. Доимо бирга ҳаракат қилиб, одамни ҳазм қилган, бўлиниб кўпайишига қараганда у оғли махлуққа ўхшайди. Чувалчанги ни иккига бўлсанг, у ўлмайди, иккита бўлиб яшайверади. Биодиплнинг бўлиниб кўпайиши ҳам шунга ўхшайди. Одамни ҳазм қилган, сал семиргандай бўлишидо кейин аста иккига ажрала бошлашади. «2 ТБ» сайёрасидаги ҳаёти шу биодипллар куритишган экан-да! Наҳотки энди Ер ҳам шундай ҳалокатга учраса!?

... Командиримиз полковник Коллинзнинг ақлига тасанно. Сандерсон ғойиб бўлган куникё, ёрдамга кема чақирган эди. Тез орада қутқарувчилар келишди. Ҳозир кемада уч кишимиз...

... Икки киши қолдик. Бир кун мен, бир кун полковник Коллинз навбатчилик қилмоқдамиз. Дахшатли биодипл ўзимизнинг бошимизга етадиганга ўхшайди. Билмадим, уни нима учун Ерга олиб кетяйми? Ахир, биодипллар одамларни кириб ташлайди-ку? Нима учун олиб кетаётганимизни Коллинз ҳам билмайди. Билса ҳам айтмайди. Контейнерларни ташлаб юборай десам, омборга йўл берк. Йўлакда биодипллар бор. Кемани портлатиб юборишга юрэк йўқ! Ердан кутаман.

... Итдан таъқатган Коллинз! Одам эмас, ҳайвон экан. Мен ухлаб ётганимда ёрдамга келган кемага чиқиб қочиб қолибди. Бошқариш ва радио ускуналари ишдан чиққан. Энди ўн олти дўстим сингари ўлимимни...»

Кундалик шу ерда узилиб қолган эди. Равшан скафандрдаги радио воситасини ишга солиб, «Афросиеб» билан алоқа боғлади.

Скафандр наушникларидан Ефим Назаровичнинг овози келди:

— Эшитдим. Эшитдим. Яқинлашяпмиз. Нима бор экан?

— Биодипл!

— Тушунмадим, нима дединг?

— Биодипл, биодипл, деяпман. Ниҳоятда ваҳший, ниҳоятда дахшатли биодипл. Битта одамни ҳазм қилган биодипл бир оннинг ўзида бўлиниб, кўпаяркан. Кемада тўқикизта контейнер бор. Эркин юрган биодипллар ҳам бўлиши керак.

— Равшан, яқинлашяпмиз. Чикавер. Эҳтиёт бўл, уғлим!..

Равшан эшикни очди-ю, останада тўхтаб қолди. Саробмикан, деб кўзини юмиб очди. Йўқ, сароб эмас. Қаршисида биллурдек оппоқ медузасимон махлуқлар ўрмалаб келарди. Равшан бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Кейин лазер тўпчансини биодиплларга қаратди. Нур кема деворини, пояндозини куйдириб юборди. Лекин биодипллар ҳамон ўрмалашарди. Равшан ичкери кириб эшикни ёпди. Ефим Назаровичнинг овозини эшитди:

— Равшан. Равшан, эшитяпсанми, жавоб бер. Сенга нима бўлди, нега чиқмаясан?

— Ефим тоға, теъза «Сфинкс»дан узоқлашиб, уни портлатиб юборинглар. Ташқарига чиқолмайман. Йўлда биодипллар бор.

— Ҳозир ердан берамиз.

— Керак эмас, эшитяпсизми? Мумкин эмас! Биодиплларга лазер таъсир қилмади. Узоқлашинг, эшитяпсизми, узоқлашинг!

Равшан эшикка қаради. Эшикни игна тешиб ўтгандек бўлди. Кейин биодипл игдай чўзилиб хонага кирга бошлади. Равшан наҳот излаб хонага кўз югуртирди. Бошқариш пулти ёнидаги қизил қутини кўриб ўша томон юрди. Бу қутини ичида кемани портлатувчи тугма бор.

— «Афросиеб!» Эшитяпсизми! Узоқлашинг, теъза узоқлашинг! Кемани портлатяпман.

— Равшан, ўғлим, кемани нур билан тешиб кўр!

— Вақт ўтди, Ефим тоға...


Равшан қизил шиша қутини уриб синдирди. Шу топда баданга игна санчилгандек бўлди. Яна санчилди. Яна... Яна... Равшан ҳолсизлана бошлади. Сўнги кучини тўплаб, «Афросиеб»ни алоқага чакирди.

— «Афросиеб!» Эшитяпсизми? Ерга қайтган... онаминг... қабрларини эиэрат қилинг... Ефим Назарович...

Равшан ҳеч қандай акс-садони эшитолмади. Қутини чақириб қизил тугмани босди. «Сфинкс» портлаб кетди.

Қирда лола энди кўз очиб, сойнинг суви кўпириб-тошиб оқадиган пайтда Фарғонада бир ҳайкал қад ростлади. Фазогир бандан бўйли, бақувват йигит. Ҳайкал рўперасида ҳар кунги бир аёл пайдо бўлар, гул қўярди. У — Гулсара эди...

Тоҳир МАЛИҚ,  
Бахтиёр ҲОШИМХУҲАЕВ



# АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ ЭЪТИБОРИ

«Танқидчиликнинг бурчи,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг адабий-бадий танқид ҳақида қабул қилган қарориде,— адабий жараён-даги ҳодисаларни, тенденциялар ва қонунларни чуқур таҳлил қилиб беришдан, ленинча партиявийлик ва халқчилик принципларининг мустаҳкамлашига ҳар томонлама кўмаклашишдан, совет санъатининг юксак гоъвий-эстетик савиясини оширишдан, буржуа мафурасига қарши изчиллик билан кураш олиб боришдан иборатдир».

Дарҳақиқат, илмий-техника революцияси кенг авж олиб кетган бир даврда гоъвий ишмизнинг муҳим қисми — адабий танқиднинг савияси, таъсирчанлиги, жанговарлиги масаласи ҳар қачонгидан кўра ҳам зўрроқ аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу масала коммунистик жамият киҳисини тарбиялаш иши билан чамбарас боғлангандир. Шундай экан, адабий-бадий танқиднинг халқимиз эътиборидан, замонимиз талабларидан чет-да қолиши мумкин эмас.

Сўнги йилларда ўнлаб илмий монографиялар, мақолалар тўплamlари, юзлаб тақризлар эълон қилиниб, уларда ёзувчиларимизнинг изланишлари, улар эришган ижодий ютуқлар таҳлил этилди. Танқидчиларимизнинг фаоллиги ошди, китоблари ҳам ўқишлроқ бўла бошлади. Илгарилари танқидчилар кўпинча адабий фактларни шарҳлаш билан шугулланишар, асарларнинг ижтимоий-эстетик қимматини, санъаткорларнинг бадий маҳоратини очишга етарли эътибор бермас эдилар. Чунончи, бундан ўн-ўн беш йил муқаддам ёзилган тақризларда асарнинг сюжети энгил-елпи баён қилинар, номигагина камчиликлари ҳам санаб ўтиллар эди. Эндилкида бундай ҳоллар тобора кам уврамоқда. Энг муҳими, адабий тараққиётнинг етакчи тенденцияларини умумлаштирувчи илмий тадқиқотлар кўпаймоқда.

Адабий танқидчилигимизнинг жонланишини, фаоллашувини катта авлодга мансуб олимлар билан бир қаторда, энг аввало, Матёқуб Қўшонов, Лазиз Қанонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Иброҳим Гафуров, Норбой Худойберганаов, Салоҳиддин Мамажонов кабиларнинг асарларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Яна бир қувончли ҳодиса шундан иборатки, адабий танқидчилигимиз иқтидориде беш истеъодлар ҳисобига бойиб бормоқда. Санжам Соҳид, Михли Сафаров, Беғали Қосимов, Муҳаммадди Қўшмоқов, Нурмуҳаммад Холлиев, Бахтиёр Назаров, Ҳотам Умуров, Қамчибек Кенжабоев ва бошқа-

лар адабий жараён, унинг тараққиёти учун муносиб хизмат қилишга интиломоқдалар.

Дарҳақиқат, танқидчиларимиз кўлга киритган ижодий ютуқлар гоъй қувонарлидир. Лекин биз бу билан чекланиб қола олмаимиз. Ҳали олди-мизда адабий танқидчиликнинг обрў-эътиборини янада юксакроқ кўтариш учун қилнадиған ишлар озмунча эмас. Чунки партияимиз танқидчиларни ўз қуролини билиб ишлатишга, ҳаммаша халқнинг манфаати нуқтаи назаридан иш кўришга қақиради. Хўш, танқиднинг эътиборини белгилайдиган мезон борми? Агар бўлса, бу мезон нималардан иборат? Танқиднинг фазилатини кўрсатдиган омиллар-чи? Шунга ўхшаш саволларга турли даврларда турлича жавоблар берилган. Хуллас, газета ва журналларда адабий танқид ва унинг эътибори хусусида турли фикрлар, баъзан бир-бирини мутолқо инкор этувчи мулоҳазалар ҳам айтилиб келинган.

Танқидчи ўз даврининг кўзи, қўлоғи бўлишни хоқлар экан, у маҳоратини ошириш устиде тинимсиз захмат чекиши, яна ҳам дадилроқ, яна ҳам фаолроқ бўлишга интилиши керак. Бу талаб, шубҳасиз, танқидчиларимизнинг заиф асарларга муросасиз бўлишларини тақозо этади.

Фаол изланувчан танқидчи адабий жамоатчиликка танилиб улгурмаган истеъодларни қўллаб-қувватлайди, ижодий тенденцияларнинг фойдалилигини ўз вақтида илғаб олади.

Энг муҳими, бу — бадий асарларни «ўз номи» билан аташ масаласидир. Айрим танқидчиларимизнинг мақола, тақризларида таҳлил савияси паст. Гап бадий асарларнинг яхши ёки ёмонлигини рўй-рост, ҳаллоллик билан далиллаб таҳлил этиш ҳақида кетаёттир. Фикриимизнинг исботи учун қўлаб мисоллар келтиришимиз мумкин эди. Лекин бу ерда фақат битта далил билангина чекланамиз. Яқинда Абдугафур Расулвнинг «Гирдоб» қиссаси хусусидаги мақоласи эълон қилинди. Мақолада қисса Учқун Назаровнинг ижодий ютуғи сифатида баҳоланади. Хўш, ёзувчининг анги асари қайси фазилатлари билан унинг аввалги асарларидан ажралиб туради. Қаҳрамоннинг талқинида ёзувчининг янгича қарашлари борми? Афсуски, қиссанинг ютуқлари ва камчиликлари асосли таҳлил қилинмайди. Ваҳоланки, «Гирдоб» қиссаси муносабати билан ёзувчи ижодидаги ютуқлар ва камчиликлар ҳақида холис фикр юритиш мумкин эди.

Баъзан танқидчининг асарни қандай баҳолаётганигини тушуниб бўлмайди. Тўғрироғи, таҳлил-

да мунаққиднинг аниқ позицияси кўринмайди. Мен бу ўринда Екубжон Яқвалўжвевнинг тақризларини назарда тутаеттирман. Еш мунаққид, қайси адабнинг китоби ҳақида ёзмасин, бир хил оҳангда, бир хил хулосалар чиқаришга интилади. Уларнинг ўзларига хос руҳий дунёси, фикрлаш оламини кўрсатишни унутди.

Баъзан бадий асарлар «ҳам яхши, ҳам ёмон» қабилида баҳоланади. Бундай «баҳолар» китобхонларни қалғитишдан бошқа бирон нарсага ярмайди. Бўлар-бўлмаста ишлатилавериблиб, сийқаси чиқиб кетган мана бу жумлаларга бир эътибор беринг-а: «Асарнинг ижодий фазилатлари қаторида унинг бирмунча камчиликлари ҳам бор», «Бундай камчиликлар романинг бадий қимматини асло қамсита олмайдди».

Айрим мунаққидлар танқидий фикрлар айтишни ўзларига эп қўришмайди. Чунки «...битта-иккита шеър билан матбуотда кўриниб қолган шеърни танқид қилиш яхши эмас, акс ҳолда таланти бўғилиб қолади», «оқсоқол ёзувчиларга ҳам теғиш мумкин эмас, сабаби — улар аллақачон ўз хизматларини қилиб қўйишган» ва ҳоказо ўйларга боришади.

«Оқсоқол ёзувчилар» ибораси ишлатилар экан, нима учун «оқсоқол танқидчилар» иборасини ҳам қўллаш мумкин эмас? Очигини айтганда, оқсоқол танқидчилар сўнги пайтларда адабий жараёнга кам аралашадиган бўлиб қолдилар. Бу ҳодисанинг сабабини тушуниш қийин эмас. Чунки адабий жараёнга аралашуш — бу фаоллик, шиддатли олишувлар демақдир.

Адабий танқидчиликнинг муаммолари ҳақида гап кетганда яна бир масалага диққатни қаратмоқчиман. Бу, бадий асарларни ҳаётий муаммолар билан боғлаган ҳолда ўрганаш масаласидир. В. Белинский, А. Добролюбов, Н. Чернишевский, Д. Писарев, А. Луначарский мақолаларининг кенг жамоатчилик ўртасида шўхрат топганиги сабабларидан бири — уларда адабиёт проблемаларининг ҳаёт проблемалари билан узвий боғлиқ ҳолда текширилганидир. А. Добролюбовнинг «Зулмат салтанатидаги шўхрат» мақоласини ўқиган китобхон фақат А. Островскийнинг «Мома» қалдириқ асари билангина танишиб қолмайди, балки ўша даврдаги рус жамиятининг муаммолари билан ҳам янада чуқурроқ танишади. Еки истеъодли рус совет танқидчиси А. Макаровнинг мақолаларини олиб кўрайлик. Танқидчининг Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Виктор Астафьевлар ижоди ҳақидаги кузатишларининг унинг ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги кузатишларидир. Шуниси ибратлики, А. Макаров бирон асар хусусида фикр юритар экан, уни адабий жараённинг ажралмас қисми деб талқин қилади.

Бундай фазилатлари оқсоқол танқидчиларимизнинг илмий тадқиқотларида ҳам, шунингдек, Матёқуб Қўшоновнинг «Ойбек маҳорати», Лазиз Қаноновнинг Ҳамза ҳақидаги илмий трилогияси, Озод Шарафиддиновнинг «Замон, қалб, поэзия», Иброҳим Гафуровнинг «Жозоба», Норбой Худойберганаовнинг «Эфтирос тўлқинлари» каби асарларида ҳам кўриш мумкин.

Адабий танқиднинг обрў-эътибори ёзувчиларнинг ўзларига ҳам боғлиқ. Чунки ҳақиқий ёзувчи ҳаммаша яхши танқидчи ҳамдир. Ахир, А. Қодирий, Ф. Ғуллом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳорларнинг ижодини уларнинг танқидий мақолаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди-ку? Негадир мана шу аънава сўнги йилларда сусайиб қолмоқда. Тўғри, иккинчи авлод вақилларидан А. Муктор, Ҳ. Ғуллом, П. Қодиров, Мирмуҳсин, О. Екубов, Шўхратлар гоҳ-гоҳ мақола ёзиб турадилар. Лекин уларнинг бу чиқаришлари етарли эмас.

Адабий танқиднинг обрў-эътиборини яна юксакроқ кўтариш биринчи навбатда танқидчиларнинг ўзларига ҳам боғлиқ. Бу эса осон иш эмас. Чунки ҳақиқий танқидчи фақат адабиётшуносни на эмас, балки, у — ҳам нафосатшунос, ҳам социолог, ҳам психолог, айни замонда, фанинг турли соҳалари билан чуқур таниш бўлган закий файласуфдир. Фақат устозлардан кўйрма келтирверишининг ўзи билангина иш битмайди. Чунки ишончи фақат иш билан, гоъвий-бадий баркамол асарлар ёзиш билангина оқлаш мумкин. Жонажон партияимизнинг «Адабий-бадий танқид ҳақида», деб қабул қилган қарори танқидчилар, адабиётшунослар ва ёзувчиларни ана шунга даъват этади.



Ўзбек ёзувчиларининг жаҳон адиллари билан дустона алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда. Яқинда Тошкентда совет ва Колумбия ёзувчиларининг миллий маданият масалалари юзасидан мусохабаси бўлиб ўтди. Суратда: колумбиялик меҳмонлар совет ёзувчилари орасида.


С. БЕЗНОВСОВ фотоси

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,  
филиология фанлари кандидати



Самарқандлик Улугбек.

Р. ЖУМАНЕЗОВ ФОТОСИ



Ким келди?



Тараддуя.



Мушоҳада.



Вой 69-9-91..


Сирлашув.

А. АБДИҚУЛОВ, С. БЕЗНОСОВ А. ЧАПЛИГИНА,  
Г. ГЕРМАН ва В. ДМИТРИЕВ фотолари.

Кўшфнёт арафасида.



Мелажак ўйларин.





Ота билан бола

— Ғилжоним, ғилжинам,  
Ухшагансан, айт, кимга!  
— Отажоним, отажинам,  
Ухшайман ҳеч кимга.  
— Уйлаб гапир, ғилжоним,  
Қараб гапир оғзинга...  
— Авф этингиз, отажоним,  
Ухшаганман ўзимга.  
— Эҳ ғилжон, бу кетишда  
Қийин бўлар аҳволинг.

Жонинг ўтга туташади,  
Бошланади заводинг.  
— Яшмоқдан қандай маъно,  
Такрорласам бировни!  
Майли, ота, ўтда ёнсам,  
Мен севаман оловни.  
— Юрагиндан аримасин  
Юксак ният — йўлдошинг.  
Омон бўлсин тилла бошинг,  
Порлаб турсин қуёшинг...

Бугдойзорда

— Нега бугдой бош эгар!  
Савол бердим дадамга.  
— Меҳнатини олқишлаб,  
Таъзим қилар одамга.  
— Тилла ранга уларни  
Кимлар бўяб кетишган!  
— Қадоқ қўлли деҳқонлар,  
Терлар тўкиб экишган.  
Шу туфайли ҳар бошоқ  
Олтин бўлиб етишган.



Т у ш

— Дада, дада, бугун тушимда  
Мен кўрибман ҳар бола опамни.  
Сирпанчиққа ҳар ўтишимда  
Силармишлар менинг елкамин.  
Берармишлар паровозчалар,  
Улармишлар қошу кўзимдан.  
Қанча дўстлар, қоракўзчалар  
Чопишармиш менинг изимдан.  
Дада, дада, сиз нима дейсиз,  
Боғчамга бир бориб келсам мен!  
Боғча опам соғингандирлар,  
Қизил гуллар бериб келсам мен!  
— Майли, ғғлим, майли, борақол,  
Мақтабингдан кечикма бироқ,  
Гулларингдан хоҳлаганча ол,  
Тушинг бўлсин йўлингга чироқ.

Соғинибсан жуда боғчангни,  
Шундай тушни кўрдиг сен такрор.  
Соғингандинг онанг бағрини  
Борганингда боғчага илк бор.  
Соғинасан мактабингни ҳам  
Олий ўқув юртига кетиб.  
Соғинасан талаба чоғинг  
Иш аталган маррага етиб,  
Умр шундай: ўтгани сайин  
Ўтган кунинг гўзал кўринар.  
Ўтган кунинг ҳар бир лаҳзасин  
Такрорлашга кўплар уринар.  
Асли, ғғлим, бу гўзал туйғу,  
Соғиниш бу инсоний хислат.  
Ол гуллардан боғча опангга,  
Мактабингдан кечикма фақат.



Қуённинг қулоғи

— Дада, нега қуённинг  
Қулоғи узун!  
Шунча уйлаб сабабин  
Топмадим ўзим.  
— Уғлим, жуда шўх экан  
Қуён боласи,  
Гап уқмагач, қулоқдан  
Чўзган онаси.

Майиз

— Отинг нима, қизалоқ!  
— Менми, тоғ! Поламан.  
— Ол майиздан бир ҳовуч,  
5ш

— Йўқ, одобли боламан,  
Ҳовучингиз каттароқ,  
Сиз берсангиз оламан...  
Турсунбой АДАШБОВ

Ерга доврўф солаёлик

Бир, икки... ўн беш...  
Қани, ким бизларга эш!

Бизлар ўн беш боламыз,  
Оқмиз, сариқ, қорамиз.  
Орамиздан ўтмас қил,  
Гарчи тилимиз ҳар хил.

Биримизни биримиз  
Қаттиқ ҳурмат қиламиз.  
Қаттиқ ҳурмат қилганни  
Чин инсон, деб биламиз.

Биз кўшдан парчамиз,  
Теппа-тенгмиз барчамиз.

Ҳар тарафда элимиз.  
Бир мақсадда дилимиз.

Катта гулхан ёқамиз,  
Дом мағрур боқамиз.  
Кўрсинлар хоҳлаганлар,  
Кўшилсин хоҳлаганлар.

Биз жаҳон болаларин  
Тенг кўрмоқни ўйлоймиз.  
Тенглик бермаганларни  
Ўз ҳолига қўймаймиз.

Бир, икки... ўн беш...  
Қани, ким бизларга эш!  
Миразиз АЪЗАМ

Амударё

Амударё, шўх дарё,  
Сенда тиним йўқ дарё.  
Болдан ширин сувингдан  
Юртим кўнгли тўқ, дарё.

Асов одек пишқириб,  
Шовқин солиб оқасан.  
Қирғоқларга тўш уриб,  
Адирларга шовшасан.

Ҳар қатранги шимган ер  
Зумда бўлур гулистон.  
Унар ундан жавоҳир:  
Кумуш пахта, олтин дон.

Урганч

Гирдобларинг тубида  
Яширин кўп бойликлар.  
Зилов сувлар мавжиде  
Шўнғиб ўйнар балиқлар.

Минг ўрим конилларинг  
Чўлларга элтар ҳаёт.  
Сеҳргар соҳилларинг  
Қалбимизни этар шод.

Амударё, шўх дарё,  
Сенда тиним йўқ, дарё.  
Болдан ширин сувингдан  
Юртим кўнгли тўқ, дарё.  
Дўстжон МАТЖОН

Боланинг тили ширин



— Нима қилиш кераклигини ўзинг  
ҳам ўйлаб кўрмадингми?  
— Уйлаб кўрдим.  
— Ҳўш!  
— Ҳа, сиздан сўраб олганим ях-  
шимми, ёки эртага Эргашдан кўчириб  
олганим тузуқми — шунисини билол-  
май турибман.

\* \* \*  
— Дада, бу нима?  
— Эшак.  
— Нима ёмонлик қилган экан бе-  
чсра?

\* \* \*  
— Нима учун соатнинг бир мили  
ингичкаю, иккинчиси йўғон?  
— Ингичкаси имиллаб юради-да.

\* \* \*  
— Соатим яна тўхтаб қолибди.  
Устага олиб борай, тозалаб берсин.  
— Овора бўлманг, оий. Кеча Дил-  
бар иккаламиз соатингизни яхшилаб  
ювганмиз.

— Ойи-чи, ойи, мен ўзимга тан-  
бур ясаб олдим.  
— Баракалла! Симни қаёқдан ол-  
динг?  
— Пианинодан.

\* \* \*  
— Нега йиғлаяпсан, Тўлқин?  
— Ойим, трамвай ўтиб кетмасдан  
кўчани кесиб ўтма, деган эдилар. Қа-  
чондан бери турибман, трамвай ўг-  
маяпти.

\* \* \*  
— Дада сиеҳ жуда қиммат турәди-  
ми?  
— Йўқ, Нима эди?

— Бўлмаса, кеча диванга озгина  
сиеҳ тўкиб кўйсам нега ойимнинг  
бунча жаҳли қичди?

\* \* \*  
— Дада, мана бу масалани ечиш-  
га ёрдам беринг.



СТУЛ

— Нега йиғлаяпсан?  
— Акам урди.  
— Neга?  
— Бекордан бекорга, битта стул деб,  
— Стул деб!  
— Ҳа. Стул ўзидан-ўзи ағанаб кетди. Мен  
текканим йўқ. Бориб турғазиб қўйдим. Тагин ағана-  
нади. Гуп этиб. Турғазиб, уриб-уриб қўйдим.  
Бари бир ағанайверди. Мени калака қилди.  
— Ким?  
— Стул-да, ким бўларди! Акам йўқ эди.  
— Кейин нима бўлди?  
— Кейин уни турғазиб устига ўтирдим. Ту-  
рибди! Қимир этмайди. Секин турмоқчи бўлсам,  
у ҳам секин кўтарилапти. Билиб турибман, яна  
ағанамоқчи. Утириб олиб, устига иргишладим. Ке-  
йин дик этиб ўрнимдан турман десам, биқи-  
нимини столга уриб олдим. Роса оғриди. Стул-  
нинг парвойи палак, яна ағдарилди. Жаҳлим чи-  
қиб кетди.  
— Кейин-чи?  
— Кейин, кейин! Жаҳл билан бир тепсам,  
кўкариб, шишиб кетди.  
— Стул-а?  
— Йўғ-эй, овғим. Стулга ҳеч бало бўлгани  
йўқ. Битта овғи учиб кетди атиги.  
— Кейин?  
— Кейин акам урди!  
— Нимага уради?  
— «Кийимларингни стул суянчигига эмас, қо-  
зиққа илгин», деди.

Зоҳир АЪЛАМОВ

# БИЛИМ ТАРҒИБОТЧИСИ

Ҳозирги вақтда илмий ахборотлар шу қадар кўпайганки, фандаги, лоақал, энг муҳим янгилликларни илғаб бориш ҳам амри маҳол бўлиб қолди. Бинобарин, илмий-оммабон адабиётнинг турмушмиздаги аҳамияти ҳар қачонгидан ошиб кетди. Буну қўйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин.

1966 йили Варшава шаҳрида ўтказилган халқаро китоб ярмаркасида жамоатчилик эътиборини кизиқ бир факт жалб қилди: жаҳоннинг 25 мамлакатидан икки минг наشريёт қатнашган бу ярмаркада намойиш қилинган китобларнинг аксарияти илмий-оммабон асарлар эди.

Яна бир қизиқ далил. Ҳозирги замонда яшаётган олимлар, илмий ҳодимлар, сон жиҳатидан олганда, инсоният тарихида ўтган жамики илм аҳлининг 90 фоизини ташкил қилар экан.

Ҳозирги замонда чинакам фан-техника революцияси рўй бераётган.

Худди шу аjoyиб ҳодиса Иттифоқимизда чиқаётган бир қанча илмий-оммабон журналлар, жумладан, «Фан ва турмуш» тиражнинг ўсишида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

«Фан ва турмуш» ҳақидаги гапни журнал та-

риҳидан бошласак. Журнал босиб ўтган йўл журналчиларни қизиқтиради деб ўйлаймиз.

«Фан ва турмуш» Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан 1933 йилда «Социалистик илм ва техника» номи остида ҳар ойда бир марта чиқарила бошлаган. 1938 йилда унинг номи ўзгартирилиб, «Социалистик фан ва техника» деб аталди, 1940 йилга келиб эса «Социалистик фан ва турмуш» деган номини олди. Ниҳоят, «Фан ва турмуш» номида муқим бўлиб қолди.

Маълумки, уруш муносабати билан айрим матбуот органлари қатори «Фан ва турмушнинг» нашр этиш ҳам вақтинча тўхтатилган эди. 1957 йилдан эътиборан журнал яна чиқа бошлади.

Журналнинг қайтадан нашр этилиши билан боғлиқ жуда кўп ташкилий ва ижодий ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг хизмати катта бўлди. Хусусан, академиянинг ўша вақтдаги президенти марҳум Ҳабиб Муҳаммадович Абдуллаев, академик Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий, академия вице-президенти Иброҳим Мўминов ҳамда республикамизнинг кеска журналистларидан марҳум Аҳмадҷон Ёқубов бу ишда жонбозлик кўрсатдилар.

Кези келганда шуну ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Редакцияимизда «Социалистик фан ва турмуш»нинг латин алфавитида чиққан урушдан илгарий сонлари бор. Журналнинг 32-саҳифасини очиб кўрсангиз, мана бу исларга дуч келасиз: «Масъул муҳаррир — проф. Т. Н. Қори-Ниёзий. Масъул китоб — А. Ёқубов». Қараган, орада қанча йиллар ўтиб, қанча сувар оқиб, 1957 йилдан эътиборан журналда яна ўша масъул муҳаррир, ўша кадр-

Кўлимизда Т. Н. Қори-Ниёзийнинг яқинда босмадан чиққан «Улугбек ва унинг илмий мероси» монографияси. Ҳали босмаҳона бўёгининг ҳиди аниқ турган бу китобни вақарлақ эканмиз, кўзимиз ўнгиде турли замонда, турли шароитда яшаган, лекин айни вақтда кўп жиҳатдан умумийликка эга икки машҳур зотнинг — телескоп ихтиро этилгунча бўлган астрономиянинг энг охириги ютугини мукжасамлаштирган, лекин жаҳолат нурбони бўлган ҳукмдор Улугбеكنинг ҳамда Улуғ Октябр туфайли бахтини толган қосиб ўғли, ўзбеклардан чиққан биринчи профессор, Улугбек мактаби меросини ҳозирги авлодга етказишда жуда катта хизмат қилган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биринчи президенти, СССР Давлат мунофоти ва Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мунофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қори-Ниёзийнинг нурилий сиймоси гавдаланади.

\* \* \*

Космик фаза босқичма-босқич забт этила бургани сайин самовий илмларга, шунингдек, бу илмларни яратган кишилар ҳаёти ва ижодий фаолиятига қизиқиш тобора ортомоқда. Кюинотга биринчи бўлиб «дарча» очганлар орасида буюк ватандошимиз Улугбек фахрий ишғол қилади. Машҳур поляк астрономи Ян Гевелий (1611—1687) томонидан ёзилган «Астрономия даракчиси» китобиде берилган бир расмда жаҳон тарихидаги буюк астрономлар даврасида Улугбеكنинг энг фахрий ўринида, надиими Юнонистонда астрономия илмининг маъбудаси саналган Ураниянинг ўнг ёнида ўтириши ҳам бу финрини кувватлайди.

Улугбек ҳаёти ва унинг илмий меросига қизиқиш, хусусан кейинги йилларда гоът кучайиб кетди. Улуғ олим тўғрисида қасида, драма, кинофильм, қиссалар, романлар яратилди ва яратилмоқда. М. Шайхзоданинг «Улугбек» трагедияси, «Ўзбекфильм» ишлаган «Улугбек юлдузи» фильми, С. Бородиннинг буюк олим ҳақидаги трилогияси, Г. Голубевнинг «Улугбек» қиссаси шулар жумласидандир. Яқинда атоқлий совет ёзувчиси Еремей Парновининг Улугбекка бағишланган «Зулматдаги юлдуз» тарихий қиссаси чоп этилди. Инглиз адабиса ва олимаси Хилда Хўнжэмининг Улугбек тўғрисида роман ёзаётганини бултур «Гулистон» журналы хабар қилган эди. Хуллас, Улугбеكنинг қўтулғу номи дунё миқёсиде жанрангламоқда. Генал олим қилдирган меросни асарлар губоридан тозалаб, маданийтимиз тарихининг ёркин бир саҳифасини кўзимиз олдиға келтирган кишини эсламай илож йўқ. Бу ўринида

орамиздан кетганига икки йилча бўлган, туғилганига шу йил етмиш беш йил тўлайдиган академик Т. Н. Қори-Ниёзийни назарда тутайтганлигимизни журналчиларимиз пайқаб турган бўлсалар керак. Зеро, Улугбек ва унинг меросига бағишлаб улкан тадқиқот олиб бурган Қори-Ниёзий буюк ўзбек астрономи тўғрисидаги кейинги асарларини дунёға келиши учун мустаҳкам замин ҳозирлади.

«Ойбек 400 йилга тенг келадиган 40 йиллик ижодий фаолияти»да (А. Қаҳҳор) жуда кўп асар ёзди. Лекин шулар ичиде Алишер Навоийға бағишланганлари алоҳида диққатга сазовордир. Навоий тўғрисида дастлабига поэма ёзган, илмий тадқиқотлар олиб бурган, ниҳоят, машҳур «Навоий» романини яратган Ойбеكنинг бутун онгли ҳаёти давомида буюк Алишер унинг учун бамисоли йўлчи юлдуз, эскича айтганимизда, пир бўлди. Ойбек ўзининг бутун нудратли истеъдодини Навоий образини яратишға бағишланганидек, Қори-Ниёзий Улугбекка бўлган кескиз меҳру муҳаб-

лар келтирилган. Шарқнинг буюк адиб ва муаррихларидан Сакнокий, Абдураззоқ Самарқандий, Алишер Навоий, Хондамир, Камоллидин Абдулвосе Низомий, Заҳрирдин Бобир, Абду Али Биржандий ва бошқалар ўз асарларида Улугбек ҳақида гапирар эканлар, олатда, унга ҳаммалари ҳам гоът юнсақ баҳо берадилар. Ян Гевелий, В. Бартольд, И. Крачковский, П. Лаплас, М. Массон, А. Юшевич, А. Якубовский каби олимлар Улугбекини тилға олганларида, унинг ўз босиб Амир Темурға ўхшамаганилигини, давлат арбоби сифатида эмас, балки буюк олим сифатида шуҳрат қозонганини қайд этадилар.

Лекин шулар ичиде Улугбек илмий муҳитига ҳаммадан кўра чуқур кириб бурган, Улугбек бошлиқ астрономлар мактаби меросини ненг қўламда ёритиб берган киши, шубҳасиз, Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий бўлди. Зеро, олим Улугбек илмий муҳитини тадқиқ этиш билан фақат ўзининг машҳур асарини ёзиш пайтидагина эмас, балки умри буйи шуғулланди.

# УЛУГБЕК ВА УНИНГ ТАДҚИҚОТЧИСИ

батини ҳамиша қалбининг тўрида олиб юрди. Фан тарихи буйича Жаҳон Академиясининг вице-президенти, профессор А. Григоряннинг айтишича, Академиянинг мажлисларида (Парижда) Қори-Ниёзийни Улугбекининг энг яхши тадқиқотчиси сифатида жуда ҳурмат қилишар экан.

Қори ака ўзининг кўлгина инсоний фазилатлари, илмини жондилдан севганлиги, ҳамма вақт жўш уриб турган гайрати, бир дақиқа вақтин ҳам беворға кетмаслиги ва бошқа талай хислатлари билан ҳеч қачон эсимиздан чиқмайди. Улугбекининг Қори-Ниёзий учун меҳриғи бўлганлигининг боиси ҳам шунда.

«Улугбек фаолияти жаҳон фани тарихида гоът новёб ҳодиса,— деган эди Қори-Ниёзий.— Бу ҳодисани фақат ундаги тугма истеъдод билангина эмас, балки фанга бўлган фавкуллода муҳаббат, ўз илғор гоъларига ишонч, гайрат-шижоат, ҳаётининг барча томонларини уйғунлаштириб, ўз вақтидан самарали фойдалана олиш қобилияти билан ҳам изоҳламоқ керак».

Қори аканинг Улугбекка меҳрини ошириб юборган, уни Улугбек астрономии мактабининг улкан тадқиқотчисиға айлантирган хислатлар ҳам ана шулар эди.

Улугбек, унинг илмий мероси, у яратган аjoyиб астрономии мактаб тўғрисида тарихий манбаларда, адабий асарларда бирмунча маълумот-

Ҳозир Улугбекни етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма яхши билади, номини фахр билан тилға олади. Аммо шундай вақтлар ҳам бўлганки, етарли далиллар йўқлиги сабабли, Улугбекининг фаннимиз тарихидаги муносиб ўрнини кўп-кўп тушуниб етмаган. Қори-Ниёзийнинг асари 1950 йили Москвада нашр этилгунча қадар кенг китобхонлар оммасигина эмас, ҳатто ўзини илмий деб ҳисобловчи баъзи кишилар ҳам Улугбекин асосан ҳукмдор деб таниб, унинг фанга қўшган ҳисасини инкор этган эдилар. Шу туфайли, китоб қўлёмаси тайёр бўлганда, баъзи бировлар уни «босишға қарамайди» деб, эгасига қайтариб берадилар. Ҳақиқат эғилса-да, синмайди, деганлариде, Қори-Ниёзий бошлаган ишини гайрат ва дадиллик билан давом эттириб, Улугбек ҳақидаги китобини Москвада, СССР Фанлар академияси нашриётда чиаришға муваффақ бўлди. «Улугбекининг астрономии мактаби» номли мазкур асар 1952 йили СССР Давлат мунофоти билан тақдирланди. Биз тилға олган «Улугбек ва унинг илмий мероси» шу китобнинг ўзбекчасидир.

— Улугбек илмий меросини теншириш билан 1940 йилдан, яъни унинг сағанаси очилган кундан бошлаб машғул бўлдим,— деган эди Қори-Ниёзий.

Темурийлар манбараси очилгандан кейин ора-

<sup>1</sup> Т. Н. Қори-Ниёзий, Улугбек ва унинг илмий мероси. «Фан» нашриёти, Т., 1972. О. Файзуллаев нашрга тайёрлаган.

дон маълум котиб ҳамкорликда шиллаб, халқимиз ўртасида илм забисини тарқатишда давом эттирди.

Энди журналимиз тиражи ҳусусида икки оғиз сўз. Маълумки, ҳар бир матбуот органи обуначилари сони, маълум маънода, газета ёки журнални халқ қанчалик қизиқиб ўқишини, қолаверса, шу матбуот органининг эл ўртасидаги обрў-эътиборини кўрсатуви ойнадир. Шу маънода биз муштарийларимизнинг кўпайиш суръатидан мамнун бўлсак арзийди.

Мана, «Фан ва турмуш» тиражининг кейинги беш йилликлар бўйича ўшш даражаси. 1957 йил — 4 минг, 1962 — 40 минг, 1967 — 285 минг, 1972 — 445 минг.

Редакциямизга келган ҳар бир мақолага учта муҳим талаб қўйиш лозим: аввало, бу мақола илмий, иккинчидан оммабоп, учинчидан — қизиқarli бўлиши керак, деб қайта-қайта ўқирад эди Т. Н. Қори-Ниёзий. Дарҳақиқат, агар мақола шу талаблардан иккитасига жавоб бериб, биттасига жавоб бермасса ҳам, уни журналда босмаймиз. Муаллифнинг кўтарган мавзун яхши бўлса, мақола зикр қилинган талабларга тўла жавоб берадиган бўлгунча, автор билан ҳамкорликда қайта-қайта ишланади.

Журналда илм ва ҳаётнинг энг муҳим, истиқболли масалаларини қамраб олишга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, «Ҳаёт ва тадқиқот», «Ажойибхона», «Қуръан», «Муъжизасиз муъжизалар», «Билиб қўйган ахши», «Орган — дарё», «Саргузашт ишқибозларига» каби рубрикалар остида турли-туман қизиқarli маълумотлар, кундалик турмушда иш берадиган фойдали маслаҳат-

лар, шунингдек, илмий-фантастик ҳикоялар бериб борилади.

Республикамизда медицинага доир махсус илмий-оммабоп журнал йўқлигини назарда тутиб, соғлиқни сақлаш мавзусида ҳам материаллар эълон қилиб келмоқдамиз.

Ахлоқ-одоб, таълим-тарбия масалалари ҳамisha редакциямизнинг диққат-марказида туради.

Редакция коллективининг бутун куч-ғайрати журнални ёшу қари, ишчию колхозчи, студенту олим қизиқиб ўқийдиган қилиб чиқаришга қаратилган. Шу вақтдага кўлга киритилган озми-кўпми муваффақиятларимизнинг «сири» ҳам шунда бўлса керак.

Энди режаларимиз ҳусусида икки оғиз сўз. Аввало шунини айтиш керакки, «Фан ва турмуш» ўқувчиларининг сависис, талаби айниқса кейинги пайтларда кескин ошиб кетганлигини ҳисобга олиб, журнални ҳам мазмун жиҳатидан, ҳам шаклдан янада яхшилаш тараддуқидамиз. Яқин вақтда журналхонлар бу йўлда қилаётган ишларимиз самарасини кўрадилар, деб ўйлаймиз.

Журналда босилажак мақолалар мундарижасига келсак, ниятдаги хилма-хил, Редакциямиз папкасида республикамиз атоқли кишиларининг, Ўзбекистон Фанлар академиясини академиклари ва муҳбир аъзоларининг, фан докторлари ва кандидатларининг мақолалари турбиди. Булар журналхонларимизни хушнуд этса керак, деб умид қиламиз.

ССР Иттифоқи ташкил топганлигининг 50 йиллигини ва Ўзбекистон ССР барпо бўлганлигининг 50 йиллигини журнал саҳифасида кенг кўламада

ва ёрқин фактлар асосида ёрдитилган редакциямиз олдига турган энг муҳим ва шарафли вазифалардандир.

Келгуси йили гениал ўзбек қомусчи олими Абу Райҳон Беруний туғилган кунинг 1000 йиллиги бутун жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланади. Редакциямиз Беруний тўйига тайёргарликни аллақачон бошлаб юборганлигидан журналхонларимиз хабардорлар, албатта. Бундан бунён биз Берунийнинг фандаги жаҳоншумул ўрнини ҳар тарафлама очиб беравчи мақолалар босишни давом эттирамеки.

Редакциямиз бир неча йилдан бери амал қилиб келаётган аъёнасига содиқ қолиб, бу йил ҳам журналнинг бир сонини журналхонлардан олинган мактублар асосида тuzмоқчи.

Фан мадал суръатлар билан тараққий этмоқда. Шунга кўра, ўқувчиларнинг талабларини ҳисобга олиб, бу йил журналда бир қанча янги рубриклар очмоқчимиз ва шу рубрикалар остида жуда қизиқarli материаллар босмоқчимиз. Чунончи, «Ажойиб сиймолар» деб аталадиган рубрикада Леонардо да Винчи, Абу Али ибн Сино, Жюль Верн, Мирза Бедил, Мопассан ва бошқаларнинг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилинади.

Хуллас, режаларимиз катта, вазифалар кўп. Агар шу ишлар тўғрйли журнални оз бўлсада, ўз муштарийларини хушнуд этса, меҳнатимиз зое кетмаган бўлар эди.

**М. ҲОМИДХОНОВ,**  
«Фан ва турмуш» журналнинг бош редактору, академик

дан қарийб ўттиз йил ўтди. 1968 йилнинг кўнламини эди. Бир кунни Қори ака ўзи муҳаррирлик қиладиган «Фан ва турмуш» журнали редакциясига одатдан ташқари кўтаринини руҳ билан кириб келди.

— Улугбек тўғрисида яна бир янгилик,— деди у кўлимираб ва бизга тушунтира кетди.— Улугбек расадхонасидаги асосий асбобнинг радиуси 40 метру 4 сантиметр, ёйининг узунлиги эса 42 метрдр. Телескопни астрономиягача бўлган давр тарихида бундай катта асбоб бўлмаган, фахрий секстант деб аталадиган ана шу асбоб ёйининг бунчалик катта бўлиши уни фақат градусларга эмас, минутларга ва ҳатто ундан ҳам кичик ўлчов бирликларига бўлиш имконини берган. Чунончи, секстант ёйининг 70,2 сантиметри — 1 градусга, 12 миллиметри — 1 минутга, 1 миллиметри эса — 5 секундга тўғри келади. Миллиметри яна майда улушларга бўлиш, кўриниб турибдики, амалий жиҳатдан жуда мушкул. Шундан бўлса-да, амалда кўз илғай оладиган энг кичик бўлак орасидаги оралиқ қанча бўлиши керак, деган савол туғилади. Мен бу масалани ўрганар эканман, оддий кўз билан идрок қилиш учун мазкур оралиқ 0,4 миллиметрдан нам бўлмаслиги керак, деган хулосага келдим. Бинобарин, 12 миллиметрга тенг бўлган оралиқни 30 бўлакка бўлиш зарур. Шунда 2 секундга тўғри келадиган ва оддий кўз билан кўриш мумкин бўладиган энг кичик оралиқ ҳосил бўлади. Бу ҳисобда 2 ва 5 секунд ўлчовлари айниқса диққатга сазовордир. Хўш, дарҳақиқат, бу ўлчовлар қандай мулоҳазага асосланган? Бу масалани ўрганар эканман, менда секстант ёйини бундай майда улушларга бўлиш жуда муҳим илмий асосга эга, деган ишонч ҳосил бўлди. Буни яхшироқ англамоқ учун олисини кўриш тўғр. унчаси устида тўхтаб ўтайлик.

Олисини кўриш деганда, фазодаги нисраларнинг бир-бирига нисбатан ўрнини ажрата билиш қобилияти тушунилади. Маълумки, бу қобилият турли кишиларда турлича бўлади. Бу масала олисини кўриш бўсағаси деб аталадиган омили билан ҳамбарчас боғлиқдир. Маълум бўлишича, олисини кўриш бўсағаси кузатувчи кишининг индивидуал қобилиятига ҳам, кузатув шароитидаги бошқа ҳар хил омилларга ҳам боғлиқ. Лекин тажрибаларга кўра, узоқ вақтни кузатувда бу кўзини етарли даражада машқ қилдириш натижасида олисини кўриш бўсағасини ўртача 2 секунддан 5 секундгача деб ҳисоблаш мумкин.

Демак, маълум бўладигини, секстантнинг катта-кичиклиги чўқур мулоҳазалар асосида белгиланган. Чунончи, у кичик қилиб эсалса, турган гал, қўлай бўлар эди-ю, лекин унда ёйни жуда майда улушларга — минут, секундларга бўлиш мумкин бўлмасди. Ансинча, шундай масштабни танлаш мумкин эдики, у секстант ёйини энг кичик ўлчов бириги — секундларга тўғри келадиган ва кўз бемалол кўрадиган жуда аниқ улушларга бўлиш имконини беради. Бироқ бу ҳолда секстант ни-

ҳсиётда катталашиб кетар ва оқибатда талай ноқулайликлар келиб чиққан бўлар эди. Масалан, шунини айтиш қийоқки, секстант ёйини бир секундга тўғри келадиган улушларга бўлиб чиқиш кўзда тутилса, ёйининг узунлиги 216 метрга қўзилиб кетарди.

Шундай қилиб, секстантнинг энг қўлай ўлчов асосида ясаб масалани кўндаланг турарди. Хўш, у қўлай ўлчов қандай бўлиши керак? Бу мураккаб муаммони амждоларимиз жуда муваффақиятли ҳал эттишган. Бошқача қилиб айтганда, секстант масштабни танлаш ва секстантни энг майда улушларга бўлиш жуда олисини кўриш имконини берган. Бу иш Улугбек мактаби томонидан узоқ вақт сабот билан муттасил машқ қилиш натижасида ҳал этилди...

Жаҳон олимлари Улугбек тузган астрономик жадалларнинг гойат аниқлигига қўйил қолиб келиши. Жумладан, машҳур француз олими П. Лаплас Улугбекни астрономия тарихидаги «энг буюк кузатувчи» деб атаган эди. Бироқ бу аниқликнинг сирини нимада эканини билишолмаган эди.

Қори-Ниёзий Улугбек меросини ўрганишга киришганидан то умрининг охиригача — ҳамisha ва ҳамша жойда буюк олимимиз илмий меросини тадқиқ қилишни сабот-матонат билан давом эттирди. Масалан, у Ҳиндистонда бўлганида Кўҳна Деҳлидаги обсерватория асбобларини кузатар экан, бу асбоблар Мирзо Улугбек расадхонасидаги асбобларга ўхшатиб ясалганлигига аҳамият бериб, бунинг сабабларини ахтара кетди ва шу фактдан ҳайрон қоларли илмий хулосалар чиқарди.


Италияда бўлганида эса Улугбек билан Галилейнинг илмий кузатишларини батафсил муножса қилди ва бундан жуда қизиқarli хулосалар чиқарди.

Хуллас, излаганга толе ёр, деганларидек, Улугбек мероси устида ҳаммадан кўп бош қотирган Қори-Ниёзий умрининг охирида ҳам бу йўлда жуда муҳим кашфиёт қилди, яъни Улугбек тузган астрономик жадалларнинг гойат аниқлиги сирини — қишга муяссар бўлди.

Фақат бугина эмас. Қори ака бизга Улугбекнинг ўзини кашф қилиб бери. СССР Фанлар академиясининг академиги Б. Кедровнинг мана бу сузлари тамомила ўринлидир: «Урта Осий халқлари қадимги замон маданияти эришган ютуқларни тўллашда ва бу маданиятнинг Фарба ёйилишидагина эмас, балки энг муҳими, илм-фанни ривожлантиришда, табиатни ўрганишда ҳам жуда катта ва мустанқил ўрин тутганликлари аниқланди. Бунга дунё аҳамиятига молик бўлган бир қанча асарларни кўрсатиб ўтмоқ керак: жумладан, Т. Н. Қори-Ниёзийнинг Улугбекна онд асари ҳозирги вақтда жаҳоншумул кашфиёт деб баҳоланмоқда».

**А. МУҲАММАДҚУЛОВ,**  
«Фан ва турмуш» журналнинг маъсуд секретари

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳусимнинг моддалари кимёси илмий-тектириш институти Ҳусимликлардан шифобахш моддалар — алкалоидлар амрияти олиш бўйича жаҳондаги энг йирин марказлардан бири ҳисобланади. Суратда: институт ношидаги заводнинг илмий ходими В. Мирза-аҳмедов тажриба олиб бориюда.



С. ДАВИДОВ фотоси.

# СУНЬИЙ ЁМФИР

Сув тошқинлари ва селлар, қурғоқчилик, дўл ва туман каби табиий офатларга инсон бефар қараб туролмайди.

Олимларимизнинг катта бир гуруҳи об-ҳаво жараёнларини диққат билан ўрганиб, унинг сирларини аниқламоқда.

Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, ўртамаёна ёмғир ҳосил қилувчи бир неча булутнинг пайдо бўлиши учун ўнлаб миллион киловатт-соат энергия кетарини. Уч-тўрт соат давомида секундида 20 метр тезлик билан эсадиган шамолин вужудга келтириш учун бундан ўн марта ортиқ энергия талб этилади. Янада каттароқ ҳаво массаси йўналишини ўзгартириш, яъни минг квадрат километр майдондаги об-ҳавонинг кунин буйи авзойини ўзгартириб туриш учун яна минг марта кўп энергия керак. Бунга эришни тасаввур қилиб кўрин-га!

Аммо, шунис борки, метеорологлик жараёнлар ўта беқарор бўлиб, ҳаво массасининг физик хоссалари некин ўзгариб туради. Атмосфера тарихидаги аризмас алмашувлар ҳам катта ўзгаришларни юзага келтириши турган гап.

Булут ва ёғин-сочинларга таъсир этиш — инсоннинг об-ҳавони бошқариш йўлидаги дастлабки, лекин дадил натижадир. Бу йўлда дастлабки уринишлар мамлакатимизда 1930 йилда профессор В. Оболениннинг бошчилик олимлар гуруҳи томонидан бошланган бўлиб, табиий жараёнларни ўрганиш ва уларга фаол таъсир этиш йўлида қимматли тадқиқотлар амалга оширилди. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг профессори В. А. Уржонниқин ҳам об-ҳавонинг табиий қилишдаги хизматлари каттадир.

Биздаги қараганда анча кейин, яъни 1945—46 йиллари АҚШда ҳам шундай тажрибалар ўтказилди. Қўшимча ёғин-сочин ҳосил қилишда ўта совиган сув томчиларидан фойдаланилади.

Маълумки, ҳар қандай булутдан исталган вақтда ёғин кутиб бўлмайди. Ёғин-сочин муранаб метеорологик шароитлардагина вужудга келади. Ёмғир этиш учун булутлар аралаш, яъни юқори қисми муз ва ўта совиган сув томчиларидан ташкил толган бўлиши керак экан. Чунки, булут бир хил катталидаги сув томчиларидан иборат бўлса, узаро қўшилиб йиритлаша ол-

майди. Кичик ҳаммади сув томчилари эса ҳаво оқими бемалол ушлаб туради.

Атмосферада булутлар ҳатто қирқ даража совуқда ҳам сув томчилари ҳолида сақланади. Бундай булутлар ўта совиган бўлади, Худди шундай сув томчилари орасига муз булакларининг кириб қолиши сув томчиларини йиритлаштириб ва оғирлик кучи ёрдамида ёғин сочини айлантиради. Физик нуқтаи назардан бу жараённи шундай тушунириш мумкин: суоқлигининг зарралари ҳаракатчан, кинетик энергияси эса каттадир. Муз молекулалари тебранама ҳаракат қилади. Шунинг учун уларнинг кинетик энергияси кам. Демак, сув томчилари устида буғланиш кўп, буғ босими ҳам зўр бўлади. Муз кристалларида аҳвол бўлганча. Ҳаракат юқори босимдан паст босимга тушади. Натижада муз кристаллари сув томчилари ҳисобига йиритлашади.

Булутлардан сунъий йўсинда ёғин-сочин ҳосил қилишда ана шу ҳолатдан фойдаланилади. Булутларга кўпинча кимёвий йўл билан таъсир этилади. Булутларнинг ҳолати ўрганилган жойга таъсир кўрсатиш учун кимёвий реагент — модда солинган махсус ракета йўналтирилади.

Кимёвий реагентларнинг тури кўп. Кўпинча қаттиқ карбонат кислотаси, қисман нумуш иодити қўлланилмоқда.

Мўътадил «нам»линка эга бўлган бир миллиметр қалинликда қор ёғдириш мумкин. Бу ҳар гектар майдонга 10 тонна қор тўғри келади демакдир. Самолёт бир соатда 60 минг гектар ерга бир миллиметр қалинликда қор ёғдири олади. Бундай усул жуда арзонга тушади: ҳар куб метр сувнинг баҳоси 0,1—3 тийин, яъни сугориш системасида ҳам деярли шунча маблағ сарф этилади.

Узбекистонда ҳам бундай тажрибалар олиб борилмоқда. Урта Осий Гидрометеорология Илмий-тадқиқот институти олимлари республика Гидрометеорология хизмати бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда Чирчиқ дарё ҳавзасида сув неча йилдан буён сунъий ёмғир ёғдириб кўрмоқдалар.

Дўлни тўхтатиб қолиш ёни туманин тарқатиб юбориб бўйином ҳам кўп синовлар муваффақиятли ўтди. Совет Иттифоқининг кўпгина шаҳар ва тоғли районларида бу тажрибалар анчадан бери қўлланилмоқда. Демак, илғор фан ва техниканинг истиқболи шуни кўрсатадики, одам об-ҳавони ўз измига бўйсундирадиган кунлар яқин.

Абдухалил РАЗЗОКОВ,  
гидролог-инженер

Ўтган йили Амударёда қизилмия илдиизга дастлабки ишлов берадиган сузувчи завод ишга тушди.

(Газета хабаридан.)

Ёввойи ҳолда ўсувчи дунқакли қизилмия дунёнинг кўп минтақаларида учрайди. Совет Иттифоқида эса унинг энг кўп ўсадиган жойи Амударё ҳавзаси. Бу ердан ҳар йили 30 минг тонна қизилмия илдиизи йиғиб олинади. Уни қуритганда 8 минг тонна қимматли хом ашё ҳосил бўлади. Қизилмиянинг попси ва барглари жуда тўйинмли озуқа, унда ёш молларнинг ўсишини тезлаштирадиган моддалар бор. Амударё ҳавзасида чорвага бериладиган озуқанинг 70—90 процентини қизилмия ташкил этади.

Қизилмия илдиизи жуда ширин бўлиб, шираси қамиш шакарининг ширасидан элган марта ортиқ, медицинада қадимдан кенг қўлланиб келинади. Кўпгина Шарқ мамлакатларида қизилмия машхур женшен илдиизи билан баравар баҳолана келган. Қизилмия илдиизининг экстракти ҳозирги медицинада ўпка ва меъда касалликларини даволашда ишлатилади. Унинг таркибида кўп миқдорда глицирризид деган доривор модда бор.

Қизилмия илдииздан олинган экстрактлар мамлакатимиз ҳалқ ўжудалигини ёғирмадан ортиқ тармоғида ишлатилади. Ундан олий нав тамакига ишлов берилса, ҳар хил конфетлар тайёрлашда, шунингдек, квас, пиво, лимонад каби ичимликлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Унинг яна бир ажойиб хусусияти — кўпик ҳосил қилишидир. Шу хусусияти туфайли ундан ўт ўчирувчи аралашма-

## АМУ ЖЕНЬШЕНИ

лар тайёрлашда, рангли металлургия корхоналарида эса сульфат кислотасининг буғларини бартараф этишда фойдаланилади.

Амударё қизилмиёси глицирризидга бойлиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради. Совет Иттифоқи наҳон бозорига қизилмия илдиизи етказиб берувчи асосий давлат бўлиб юрди. Ҳозир ўн икки мамлакат, шу жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Англия, Германия Демократик Респуб-

ликаси, Япония қизилмия сотиб олмақда. Дароқе, бу экстракт қайналаганда резинанинг (бундай «саңир» чайнаш АҚШда кенг расм бўлган), қона-қола ичимлигининг ҳам муҳим тарихий қисmini ташкил этади.

Амударё этакларида ёввойи ҳолда ўсувчи қизилмия, одатда беш йилда етилади. Усимлини етилгандан кейин, у ўсадиган жойлар яхшилаб ҳайдалади, қизилмиянинг ер юзасига чиқиб қолган илдиизлари йиғиб, қуритилади. Сўнгра илдиизлар махсус корхонага олиб бориб, тўй қилинади, бу тоғлар экстракт заводларига юборилади. Ўтган йили ишга туширилган сайёр завод ана шу технология жараёнини қисқартириш имконини берди.

Завод бир теплоход ва унга уланган барнадан иборат бўлиб, иккита бакуват гидравлик пресс билан жиҳозланган. Аму бўйлаб кишин-ёзин сувчи юривчи ва буғ кўриган қизилмия илдиизлари йиғиб олади, шу ернинг ўзида тоғлаб, тўппа-тўғри экстракт заводларига етказилади.

Яқин йиллар ичиде уни махсус майдонларга экиб кўпайтириш кўзда тутилади. Беш йиллик охирига бориб бу қимматли хом ашёнинг йиллик ҳосилини 18—20 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

## АЛОЭ

Шифобахш алоэ икки минг йилдан бери одамларга маълум. Ер юзиде алоэнинг тўқсондан зиёд тури бор. У ёввойи ҳолда Африка, Ҳиндистон, Мадагаскар ва Арабистон ярим оролида кенг тарқалган. СССРда унинг ўнга яқин кўркам хили ўстирилади. Алоэлар долагулошларга мансуб кўпйилли тропик ва субтропик ўсимлик, барглари йирин, этдор ва сершира бўлади. Халқ орасида «Алоэ ўзи йилда бир марта гуллаяди», деган афсона тарқалган. У ўзи йилда эмас, эртарақ гуллайди, гули қизил, баъзан сариқ тусда бўлади. Ленин уй шароитида нам ва ёруғлик етишмаслиги туфайли кам гуллайди.

Шифобахшликда алоэга ҳеч неладиган ўсимлик нам десак муволага бўлмайди. Шунинг учун ҳам ундан асрлар мобайнида халқ табobati ва илмий медицинада фойдаланиб келинмоқда.

Бу шифобахш ўсимлининг хусусиятлари бир қанча буюн шахсларнинг эътиборини ўзига торган. Алоэ ҳақидаги дастлабки маълумот араб географи ал-Маъсудий асарларида учрайди. Унинг шарҳлашича, юнон файласуфи Аристотель эраимиздан олдинги 351—294 йиллардаёқ Сонотра оролида алоэ доривор ўсимлик қабилди кўпайтирилганлигидан хабардор бўлган. Шогирди Исандар Зулқарнайнга мазкур оролни кўлга киритиб, алоэзорларни юнонлар кўлига олиб беришни утиртган.

Алоэ махсули — сабрдан, яъни қуритилган алоэ ширасидан — ичтиладиган ва суриладиган дорилар тайёрланган, хусусан ундан мумий, ҳаётни узаитирувчи эликсирлар олинган. Сабр махсулотлари билан ҳатто мурдалар мумийланган. Хитойда алоэ гинчога ва таносил касалликларига қарши ишлатилган. Тарихий манбаларга кўра, алоэдан ҳеч бир халқ араблар сингари умумий фойдаланган эмас. Х асрда алоэ ингло-санслар ва XII асрда немислар томонидан беморларни даволашда ишлатилган. Тиббиётга — дор 226 асар яратган буюн араб табиби Розийнинг (860—980 йиллар) ёзишча, Ҳиндистонда алоэ қорачечак ва яра-чақани тuzатишда ҳамда қон иетишига қарши қўлланилган. Абу Али ибн Сино ҳам алоэнинг кўз, ошқозон касалликларини даволашда қўл келганини таъкидлайди.

Ўтган аср табиблари — Бухан ва Добронравов сабрнинг асаб фаолиятини яхшилашда ёрдам берганини аниқлаганлар.

1924—1940 йилларга келиб алоэ сирлари Кровнов, Гефтер, Сиворцов, Бершини каби олимларнинг илмий асарларида янада тўларақ очила бошлади. Улар алоэдан биринчи навбатда сафронга ҳайдаш ҳам сил билан оргинанларни тuzатиш зарурлигини таъкидлаб ўтганлар. Академик В. Филатов бўлса алоэнинг яна бир яширин сирини кашф этди. Алоэнинг яра битишига ва бемор аъзоларининг соғайишига ижобий таъсир кўрсатадиган ҳамда бактерияларни ҳалол қиладиган модда анкротиб чиқариши аниқланди.

Ундан тайёрланган дорилар сабр, қоруқ сабр экстракти, сабр дамламаси, алоэ эмульсияси, алоэ экстракти, янги барглардан олинган шира ва йўл-йўл алоэнинг куюқ экстракти шаклларида ишлатилади.

Ошқозон, ўн икки бармоқчи ичак деворлари яралганда, жигар ва ўт пуфағи насалланганда, диспепсияда, овқатнинг ҳам бўлиши бузилганда, мадорсинликда алоэ дамламаси вино, қанд ёки асал билан аралаштирилиб истеъмол қилинади. Дамламани тайёрлаш учун ярим стакан майдаланган алоэ барги, бир стакан шакар ёки стаканнинг учдан бир қажмида асални аралаштириб, қоронғи ерда уч-ич сақланади. Ундан сўри аралашмага бир стакан қизил вино қўшилиб, яна бир нечаю кундуз қоронғи ерда сақланади. Тайёр бўлган дори ҳар кун икки овқат олдиндан ош қошинда икки-уч маҳал ичилади.

Зотилжам ва биринчи ҳамда иккинчи даражали сил касали учун эса куйидаги алоэ аралашмаси тавсия этилади: бир ҳисса алоэ барги икки ҳисса чўчка ёки бўрсиқ мейи, бўлмаса сариқ ёғ, икки ҳисса асалга, хушбўй бўлсин учун ороққа какао ёки ваниль қўшиб аралаштирилади. Уни беш соат юқори ҳароратда духовнада сақланади. Тайёр дори бир чой қошиғида сутга қўшиб уч маҳал истеъмол қилинади.

Мамлакатимизда алоэни экиб ўстириш ва алоэзорлар барпо этиш бора-сида самарали ишлар қилинмоқда.

Алоэга бўлган талаб ва қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда, унинг шифобахш хусусиятларини ўрганиш ва клиникларда синаб кўриш ишлари қизгин давом эттирилмоқда.

Алоэни уй шароитида ўстириш ҳам мумкин. Бунинг учун кўчатлар икки қисм чимил, бир қисм қиридан ва бир қисм йирин қум аралашмаларидан иборат тупроқ солинган гул туванларга ўтказилади. Туванлар оқтоб-январ ойларига қўйилади.

Т. ОДИЛОВ, У. ПРАТОВ,  
Биология фаилари кандидатлари

# ЛАЗЕР ЖИНОЯТНИ ОЧДИ

Инки соатсоз ўғринча йўл билан тилла буюмлар ишлаб сотишда гумон қилиниб, ушланди. Тинтув вақтида уйларидадан эски вақтда ясалган 17 та ғилофсиз соат механизми топилди. Бирдан-бир далил шу — механизмлар эди. Қўлга олинганлар: «Буларни коллекция учун йиғямиз, ғилофни эса керак бўлмагани учун ташлаб юборганимиз», дейишди.

Дарҳақиқат, соат механизмларини коллекция қилиб сақлашнинг қандай ажабланили жойи бўлиши мумкин? Эски суратлар, маркалар ва бошқа турли-туман нарсаларни йиғиб юриш тақиқланмайдину, ахир!

Ленин шунга қарамай, терговчи, ўша «ташлаб юборилган» соат ғилофлари тилладан ясалган бўлиши керак, деган фикрда эди. Борди-ю, терговчи ўйлагандек, мазкур механизмларнинг ғилофи тилла эканлиги рост бўлса, у ҳолда механизм ғилофга ўрнатилаётганда ва уни ғилофдан ажратиб олинаётганда қисмларнинг айрим жойларида тилла юқи қолиши керак. Милция органи ихтиёридаги восита ва усуллар билан бунни аниқлаб бўлмади.

Шундан кейин Москвадаги йирик илмий-тадқиқот институтларидан бирига мурожаат этишга қарор қилинди. Олимлар ўша институт лабораториясида яратилган лазер микроанализаторидан фойдаланишни маслаҳат бердилар. Анализда дарҳол аниқланди: соат механизмларининг ҳар жой-ҳар жойида олтин зарралари бор экан. Ҳалиги «коллекциячи» соатсозларнинг жинояти исботланди-юқиди, Улар ғилофдан ўғринча йўл билан тилла буюмлар ясаб, чайқовчилик қилишар экан.

Шундай қилиб, лазер нури ёрдамида жинорий иш очилди. Лазер микроанализатори нарса ва буюмлар сиртида қолган муайян аралашма процентининг миллиондан, ҳатто миллиарддан бир улушини ҳам аниқлай олаткан.

## Ажойибхона

### ТАБИАТ МЎҶИЗАЛАРИ

Баъзан китоб ва журналларда, сайёҳларнинг эсдаликларида «табиатнинг моҳир қўли билан яратилган» деган ибора учрайди. Ҳашаматли саройларни эслатадиган ғорлар, одам қиёфасидаги қоялар, қилич билан шарт кесилгандек силлиқ тик ҳарсанг қиялилар ва бошқа турли-туман ажойиботлар тўғрисида кўп ёзилган. Дарҳақиқат, тоғтошларга, ўрмон ва далаларга табиат бор хунарини намоён этган бошқа сўлим жойларга саёҳат қилсан, она-табиатнинг тенги йўқ меъмор ва рассом эканига амин бўламиз.

Биз қуйида табиатнинг ана шундай мўъжизаларидан баъзиларини тавсиф этмоқчимиз.

#### ДЕНГИЗ ТУННЕЛИ

Норвегиянинг денгиз қирғоғи яқинида Торгаттен деган ситиқа орол бор. У сувда сузиб юрган шляпаннинг ўзгинаси. Шляпаннинг юқори қисмида ўқ тешиб ўтгандек тешик бор. Аслида у табиий туннель бўлиб, музликлар даврида вужудга келган. Туннель денгиз сатҳидан 120 метр юқорида, узунлиги 150 метрдан ошди. Шифти ва деворлари худди инсон қўли билан ясалгандек шиная ва кўрнай.

#### МОВИЙ ҒОР

Ўрта денгиздаги Капри оролида табиат ҳайрон қоларли тилсим яратган. Оҳантошлардан бунёдга келган орол қирғоғида бир неча ғор бўлиб, улар орасида энг машҳури — Мовий ғордир. Офтоб чиқиб турган кезларда қайиқда ғор ичига кирсангиз, эрталарда тавсиф қилинган мўъжизага дуч келасиз: пастдаги сув ҳам, ғор деворлари ва шифтлари ҳам мовий рангда товланиб туради. Бунинг сабаби — қуёш нури аввал

денгиз сувига тушиб, денгизнинг мовий рангини тинитиб, кейин деворларда акс этишидандир.

#### СУВ УСТИДА АРК

Шотландиянинг гарбий қирғоғи яқинида жойлашган Стаффа ороли ўзининг Фингалов деган ажойиб ғори билан машҳур. Ғорга кирверишда ҳар инки томонда мустақим устунлар бор. Улар устига азамат тош арк ўрнашган. Қоя тошлардан вужудга келган бу устунларнинг шаклига қараб, улар денгиз тўлқинлари таъсирида эмас, инсон қўли билан яратилган, дейсиз. Ғорнинг узунлиги 70 метрдан ошади, баландлиги 30 метр. Ғор ичиде сув чанкилаб турган устунчаларга, биллурий оҳантош — сталагмитларга, турли нақшлар билан безатилган девор ва шифтларга анвойи ранг шуъбалар тушиб туради.

#### ИНКЛАР ДАРВОЗАСИ

Колумбиядаги Румичан арки Инклар дарвозаси деб аталади. Ленин унинг пайдо бўлишига инки қабилаларининг алоқаси йўли. У тезоқар Каичи дарёси устида бунёдга келган табиий ардир. Чили пойтахти Сант-Яго шаҳри билан Аргентинанинг Мендоса шаҳри ўртасидаги йўлда ҳам тор жарлик устида вужудга келган шундай табиий арк бор. Перулик қадимий инклар ундан кўприк сифатида фойдаланганлар.


#### ДАРА КЎПРИГИ

Арабистон ярим оролидаги Ливан тоғларида дара устида бунёд бўлган улкан кўприк яна ҳам ҳайратланарли. Киши бу мўъжизага тикилар экан, табиат даҳоси баъзан инсоннинг инженерлик тафаккуридан ҳам ўтиб кетганига тан беради. Тоғ дарасининг қоя тошли мустақим, тор жойида инки томонни бирлаштириб турган бу азамат иншоот устидан катта йўл ҳам ўтган. Кўприкнинг шакли шу қадар мутаносиб, услуби шу қадар мукамалки, уни табиатнинг ўзи бунёд қилганига ишонгингиз келмайди.



Совет фани қудрати тухайли мамлакатимиз йил сайин чарогонлашмоқда. Суратларда: Тахиятош ГРЭСининг бошқарув пулти. Унга: Чирчиқ шаҳрининг элктр томирлари.

В. СИРОТКИН ва И. ГЛАУБЕРЗОН фотолари



# ТАХМИНИЙ ТАЛҚИНЛАР

## «ҲИБАТ УЛ-ҲАҚОИИҚ»НИНГ МАТНИ

Яқинда Адиб Аҳмад тирилиб, у улуг зот билан учрашгандай бўлдим. Менга шоирнинг ягона асари — «Ҳибат ул-ҳақоийиқ»нинг янги нашрини совға қилишди. Китоб билан танишганимда шу нарса барча қўлэма нусхалари чала эман. Чала бўлмаса, бу нусхаларда Алишер Навоий «Насойиғ ул-муҳаббат»да келтирган қуйидаги байлар бўлмасмиди:

Улуғлар не берса, емасман, дема;  
Илик сун, оғиз ур, емасанг ема.

Сўнганка илитур, эранга билик,  
Видиксиз эран ул — илликсиз сўнган.

Навоийнинг «Муншаот»да Адиб Аҳмаддан келтирган қуйидаги рубойиси-чи:

Атодин хато келса, кўрма хато;  
Савоб бил хато, токи қилса ато.  
Атонинг хатосини билгил савоб,  
Сани юз балодин кутқаргай худо.

Демак, Навоий «Ҳибат ул-ҳақоийиқ»нинг мукаммал нусхасидан фойдаланган. Узи йўқининг қизи йўқ қабилада нотиблар эса шоирнинг асарини баъзан қисқартириб кўчирганлар.

Дарвоқе, Адиб Аҳмад тугма кўр бўлса ҳам, Навоий таърифлагандай, жуда зийрак, зеҳни ўткир, ҳалол одам бўлган. У умрида кўй буйрагини кўз билан кўрмаган, лекин ўтиришларда ловия донасини қўйнинг буйрагига ухшата эман. Еми нухат донасини бармоғи билан силаб: «Худди итолунинг бошига ўхшайди!» деб кўярган...

## КОПЕРНИКДАН 200 ЙИЛ ОЛДИН...

Кунлардан бир кун дўстимиз шоир Насрулло Даврон Қўқондан XIV асрда яшаб ижод этган Сайфи Саройининг «Меҳр ва Сухайл» дostonи кўлэмасини топиб келди. Унда шундай бир аjoyиб байта дуч келдик. Шоир ўз қаҳрамонларининг ҳикрондан сўнг учрашуварини тасвирлаб, Меҳрнинг Сухайл атрофида парвона бўлишини Ернинг Қуёш атрофида мунтазам айланишига ўхшатибди:

Сухайлни кўрдио айланди бирдек,  
Қуёш гирдинда юрган мисли Ердек.

Шоир фандаги катта бир ҳақиқатни гелиоцентризм назариясининг асосчиси улуг Коперникдан қарийб 200 йил олдин бир байт шеърда айтиб қўйибди!

Бу, албатта, шахсан Сайфи Саройининг фикри бўлиши шарт эмас. Бу, аввало уша даврдаги астрономия фанининг ҳулосаси бўлиши мумкин. Шундай эса-да, бу фанний гапларнинг шеърятда учраши адабиётимиз салмоғини янада оширади.

## «НЕГА БҮЙИН ЭГАЙЛИК...»

Маълумин, Урта Осиё тарихида сарбадорлар ҳаракати ва бу ҳаракат билан боғлиқ илғор ғоялар чуқур из қолдирган. Сарбадорлар Хуросон ва Мовароуннаҳрда мўғуллар ҳумронлигини тугатишда жуда катта фидойилик кўрсатганлар. Уларнинг бошлиқларидан Хожа Яхё Карробий 1353 йил 13 декабрда Тўғой Темурхонга қақшатиқ зарба берган, Хуросонда сарбадорлар энг катта сивёси куч бўлиб қолиди.

Шундан сал бурун Тўғой Темурхон сарбадорларни менсимай, камситиб, уларнинг сардори Хожа Яхёга қуйидаги шеърни мактубни йўллаган эди:

Гардан биниҳ жафойи замонро-ву сар мақаш;  
Кори бузурго натавон дошт мухтасар,  
Симургвор чуи натавон кард қасди Қоф,  
Чун саъва хурд бошу фуру рез болу пар.  
Верун кун аз димоғ хаёли махлопро,  
То дар сари сарат нашавад сад ҳазор сар.

Мазмуни: Замон жафосига бўйин эг ва бош торتما, (чунини) катталарнинг ишини кичиклар бажара олмайдн. Узингни семург ҳисоблаб, Қоф тоғига интилма. Саъвадек ўзингни кичик тутиб, қанотингни йиғ, патларингни тўн. (Амалга ошиши) қийин бўлган ўйлари кўнглингдан чиқар, токи сенинг бир бошинг устига юз минг бош қаламмасин.

Бу шеърни Тўғой Темурхон номидан унинг сарой шоирларидан бири ёзган бўлиши керак.

Машҳур тарихчи Ҳофиз Абуру «Тарихи Ҳофизни Абуру» асаринда бунга қарши ёзилган Хожа Яхёнинг шеърни жавобини келтиради. Бу жавоб Хожа Яхёнинг ўз номидан бўлмай, бутун сарбадорлар номидан ёзилган. Унда Хожа Яхёнинг сарбадорлар олиб борган озодлик ҳаракатига ва ғоясига садонати яққол акс этган:

Гардан чаро ниҳем жафойи замонро?  
Розн чаро шавем ба ҳар кори мухтасар?  
Дарёву қўро бизузореуму бизузарем,  
Симургвор зери пар орем хушчу тар.  
Е бо мурод бар сари гардун ниҳем пой,  
Е мардор дар сари ҳиммат кунем сар.

Мазмуни: Замонанинг жафосига нега бўйин эгайлик? Ҳар қандай паст ишга нега рози бўлайлик? Дарё ва тоғларни ошиб ўтиб, ортда қолдирамиз, семург каби бутун ҳулу қуруқни қанотимиз устига олаемиз. Е муродимизга етиб, осмоннинг устига оғимизни қўямиз, 8 бўлмаса, ҳиммат йўлида бошимизни мардонавор берамиз!

Хожа Яхё шеър ёзиш билан шугулланмаган. Ҳўш, у тақдирда, бу аjoyиб шеърни янаовин ким ёзган экан? — деган савол туғилади. Давлатшоҳ Самарқандийнинг гувоҳлик беришича, унинг унаси Хожа Заҳир Карробий шеър машқ қиларкан. Аммо бу хил етун шеърни ёзиш унинг қўлидан келмас эди. Сарбадорлардан ибн Ямин Фарюмадий, Мир Шоҳий Оқмалик каби истеъдодли шоирлар чиққани маълум. Хожа Яхёга қайси шоир яқинроқ эди?

Хожа Яхёга энг яқин шоир машҳур ибн Ямин Фарюмадий эди. Ҳеч қайси шоир сарбадорларга ибн Яминчалик садонат кўрсатмаган. Хожа Яхё саройида ибн Ямин катта ҳурмат ва эътиборга эга эди. У Хожа Яхёга махсус қасидалар ҳам бағишлаган. Хожа Яхёнинг ибн Яминга энг маъқул тушган томонларидан бири шу эдики, у, Давлатшоҳнинг ёзишича, шайх Ҳасан Журийнинг одамларни ҳурмат қилган («Дарवेशони шайх Ҳасанро ҳурмат ме дошт»). Ҳасан Журий ва унинг издошлари эса сарбадорлик ҳаракатининг чап қанотиға, яъни энг илғор халқчил қисмига мансуб эдилар. Ибн Ямин, чин сарбадор ўлароқ, ўзини Ҳасан Журийнинг маслаҳоти ҳисоблаб, унга ҳам қасидалар бағишлаган. Тўғой Темурхонга янаован ёзилган шеърни Хожа Яхёнинг топшириғи билан ибн Ямин ёзган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Шеър қитъа шаклида, ибн Ямин эса Шарқ адабиёти тарихида бу хил шеърнинг усталаридан ҳисобланади. Ибн Ямин китъаларидан ҳатто махсус девон тузган. Унинг кўп китъалари, бир адабиётшуносимиз таърифи билан айтганда, «Қўзғоланчиларнинг жанговар варақаларига» ўхшайди. Шу жумладан, мазкур жавоб ҳам.

Хожа Яхёнинг Гургонга Тўғой Темурхон билан учрашиш учун қилган сафарини ҳам, Тўғой Темурхон ва унга қарашли барча одамлар киргин етилган машҳур базмда ҳам ибн Ямин у билан бирга бўлган, охириги мўғул хонининг сарбадорлар томонидан ўлдирилишини ўз кўзи билан кўрган. Давлатшоҳ таъзирасида бу шеърни Бағдод подшоши Султон Аҳмадга, Тўғой Темурхон номидан ёзилган қитъани эса Амир Темур ва унинг фарзандларига нисбат берадики, бу мутлақо нотўғридир. Шеърнинг руҳи бунга далил. Борди-ю, бизнинг таҳминимиз ўринсиз чиқиб, кимдир бу жавоб-шеърнинг бошча муаллифи томонидан ёзилганини исботласа, у адабиёт тарихига, ҳеч шубҳасиз, янги бир аjoyиб сиймони олиб кирган бўлади.

## ШАРҚ ЧЕЛЛИНИСИ

Уйғонши даврининг Европада машҳур сиймоаларидан бири флоренциялик Беневуто Челлини (1500—1571) эди. У моҳир расом ва заргар бўлиб, ўз даврида бу соҳада унга тенг келадиган, уни тани олмаган киши топилмаган. У олтиндан ва бошқа қимматбаҳо маъдан ва тошлардан мислсиз ноизн ҳайкал ва безаклар яратган. Челлини кўпроқ подшоҳларнинг буюртмаларини бажарган. Лекин у ҳамма вақт ҳам подшоҳларга бўйсунма бермаган. У жисмоний бақувват одам бўлиб, амалдорлар ундан зир титраганлар. Челлини ўзини ҳар қандай герцоғ ва кардиналдан юқори тутган. Хуллас, бу аjoyиб санъаткор тимсолида санъатга бўлган аjoyиб муҳаббат, ноизн дид билан тўпорилик, жисмоний куч мумнасса эди. У ўз ҳаёти ҳақида аjoyиб автобиография асар ёзилган. Бу асар бир неча Европа тилларига таржимаси ёзилган. Немис тилига уни ҳатто Гёте таржимаси қилган.

Бундай одамлар Шарқда ҳам учрайди. Масалан, Челлинидан сал олдинроқ яшаган, Алишер Навоийнинг дўсти ва устози Паҳлавон Муҳаммаднинг эслайки. У ўз даврининг атоқли полвони бўлиб, умрининг охиригача елкасини биров ерга тегизма олмаган. Полвонлик бўйича унинг шоғирдлари кўп бўлган. Шунинг учун у «гўштиғир» — «курашчи» деган лақаб билан шуҳрат толган.

Аммо, Навоийнинг ёзишича, полвонлик унинг фазилатлари ичиди энг кейинда турарди. У айни вақтда ўз даврининг аjoyиб созандаси ва бастакори, шоири ва олими ҳам бўлиб, «Чаҳоргоҳ», «Сегоҳ» каби куйларни яратган. Шоирлар ёзган янги асарлари ҳақида унинг фикрини эшитишни ўзлари учун шараф деб билганлар. Чунки у адабиётни, шеърятни ҳассос тушунган.

Паҳлавон Муҳаммад ўзи тўғрисида ҳеч нарса ёзмаган. Унинг ҳақида Алишер Навоий махсус «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» деган асарини яратган. Бу рисолада хабар берилишича, Паҳлавон «барча содот ва машойих ва уламо ва фуқаронинг маҳабуб ул-кулуби эрди ва подшоҳ эшигига арнони давлатдин беклар ва олиймакон ичкилар ва суду ва сойир халойиқга Паҳлавоннинг суҳбат наврўз ва байрамча бор эрди... Ул дағи борчасига лойиқ хизматлар қилиб, суҳбатлар тузатиб, немзатлар тортиб, созандалиге ва гўйнадалиге буюриб, самоғ ва рақс қилиб, аларни хушхол ва мунабат узотур эрди... Таналлуфсиз ва муболагасиз подшоҳдин гадоғач ва ахлуллодин яҳуд ва тарсоғача Паҳлавонини севмас ва тиламас киши йўқ эрди».

Бунинг устига, Паҳлавон замонасининг энг яхши табиилари билан дўст, ўзи ҳам табиб бўлган. Фиҳр илмида унинг гапини биров икнота қилмаган. Ширин, мазаали овнатлар пиширишга моҳирлиғи бутун Хуросонга машҳур бўлган. Навоий Паҳлавонни таърифлаб, бир кишида шунча қобилият ва фазилат бўлганидан ҳайратланади.

Афғон олимиҗари Паҳлавон Муҳаммаднинг қабри ҳамон сақланганини ёздайлар. Бу ҳақда Фихрий Салжукийнинг «Хиёбон» номили китобидан ўқиш мумкин.

## ЕВРОПА ВА ПАРАНЖИ

Утмишдаги Урта Осиё халқлари ҳаётида европалинлар кўзига энг хунув кўринган нарсалардан бири паранжи эди. Лекин паранжининг пайдо бўлишида улар ўзларининг ҳам маълум даражада ҳиссалари бўлганигини билдишарманган.

Гап шунданки, «паранжи» сўзи аслида «фаранг» сўзидан, «фаранг» эса «франк»дан олинган бўлиб, эсини шарҳда «фаранг» — «Европа» демакдир. Шарқ халқлари европалинларни ва Европадагегишли молларни шу жумладан, Европа матоларини «фарангий» деб сифатлаганлар. «Фарангий» сўзини баъзи шарқ халқлари, хусусан, араблар, «фаранжий» деб талаффуз қилганлар.

Демак, биринчи марта паранжи европалинлар келтирган матолардан тинилган ва шу матолар номи билан аталган.

Паранжи кўпроқ феодал шаҳар шароитида нег тарқалган, бора-бора маҳаллий матолардан ҳам тикила берадиган рўдапо бир нарсасга айланган.

Энди эса, унинг номи бору ўзи йўқ, халқларимиз ўтмишга оид бир тушунча бўлиб қолади.

## БИР САТР — ОЛАМГА ТАТИР...

Ҳофиз Шерозий бир газаалида бундай дейди:

Дарахти дўсти бишон, ки номи дил ба бор орад;  
Ниҳоли душманай баркан, ки ранжи бешумор орад.

Буни мен шундай таржима қилардим:

Кел-эй, дўстлик дарахтин эк, дил айтган ҳосилин бергай;  
Адоватнинг ниҳоли юл, ҳисобсиз ранж келтиргай.

Ҳофизга ҳамовоз бўлиб, улуғ Навоий ёзади:

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг;  
Ёр улунг бир-бирингизганим, эрур ёрлиг иш!

Бу шеърларнинг ҳар бир сатрини ҳақиб, мулоҳаза қилиб, дейман:

Бир сатр — оламга татир!..

### «АЖОЙИБ БИР ШАҲАР...»

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» дostonида «бир турфа шаҳар» — «ажойиб бир шаҳар» деган ибора бор. Шoir тасвирча, бу шаҳарда ҳамма нарса мавжуд: маскид ҳам, бозор ҳам, маҳалларлар ҳам, кўча ва боғлар ҳам, майхона ҳам; унинг суварли биҳишт сувига ўхшармиш: унда бир қаср ҳам бўлиб, қасрнинг ичида баланд гўмбаз бор экан; қасрнинг анойиб эшиги бўлиб, ҳар очилиб ёпилганида ундан дурру гавҳарлар сочилар эмиш...

Бу шаҳарлардаги ҳукмдору амалдорларни, олиму фузалони, хизматкорларни айтмайсизми!.. Буларнинг ҳаммаси рамзий бўлиб, бу анойиб шаҳар мисолида Навоий инсон вужудини, унинг ниҳоятда мураккаблигини, ундаги ҳамма аъзолар ўз вазифасига эга эканини, бир-бирига боғлиқлигини, юксак онг билан ҳаракат қилишини мажозий образлар воситасида тасвирлайди. Бунда тасвирланган қаср инсон боти; қасрнинг беш саҳни — кўз, қулоқ, оғиз, бурун, димоғ. Бу беш саҳнда бешта ишбилармон доим хизматда бўлиб, кўрилган, эшитилган, сезилган, таъмили, таъсисиз, иссиқ-совуқ — ҳаммасидан подшоҳ — ақлдан хабардор қилиб турар эмиш.

Қаср эшиги — оғиз, унинг икки табақаси — лаб, у очилиб ёпилганида сочиладиган дурлар — сўз... Тасвир мажозий бўлса ҳам, мароқли!

### ХV АСР АВСТРАКЦИОНИСТИ

Алишер Навоий даврида мавлоно Муҳаммад Номий деган табиб бўлиб, кўп муаммолар ҳам ёзган, Ленин у муаммочилида ўзича янги бир фикрни илгари суради. Унингча, муаммода сўз ишлатиш, уни сўз билан ёзиб овера бўлишнинг ҳождати йўқ. Қоида бўйича, муаммо-шеърдан бир кишининг номи чиқиши керак экан, бунинг учун ўзaro муоамалада имо-ишора етарли. Масалан, бировнинг исми «Садр» бўлса, бу ҳақда унинг исмини ифодалаш учун шеър ёзиб ўтирмаздан, исмини айтмоқчи бўлган одам қўлини кўнсага қўйса, шунинг ўзи бас. Чунки «садр» сўзи арабчада «кўран», «сийна» деган маъно ҳам билдиради. Ленин унинг бу фикрига ҳеч ким қўшилмаган. Навоий «Маъжолис ун-нафоис»да ёзади:

— Бу фан устодлари (муаммочилар — А. Ҳ.) иттифоқи биле муаммо таърифини мунодо қилибдурларким, «мавузн каломдурким, ишорат ва имо билан андас от ҳосил бўлур». Ва ул (Муҳаммад Номий — А. Ҳ.) дебтурким: «Мав-

зун калом» қайди таърифта ҳождат эмас ва ишорат била имо басдур... Аммо фан донолари бу тахайюлин банг хайлотига ҳаял қилдилар.

Чиндан ҳам бу муаммо жанрини адабий жанр сифатида йўқотишга олиб бориши мумкин эди, холос. Адабиётни ва бадий тасвирни мавҳум ишоралар томон йўналтирмоқчи бўлган «назариячи»лар XV асрда ҳам бўлган экан-да...

### ДОНОЛАР БАШОРАТИ

Маълумки, шoir Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома»нинг кириш қисмида теурийлар сулоласининг маънавий бузилиб, ичидан чириганини, халқ орасида бўрси қолмаганини жуда яхши очиб беради. Шoir шу ўринда доно одамлар унга теурийларнинг тарих саҳнасидан яқин вақт ичида кетиши аниқ эканини башорат қилганини айтади:

Дедилар борча мента донолар  
Ким: «Адам бўлгусидур мирзолар,  
Давлати олий Темур кетгусидур,  
Нават ўзга кишига етгусидур...»

Бу донолар кимлар эди — деган савол келиб қицади. Бу доноларнинг бири, бизнингча, Алишер Навоий бўлмоғи керак. Бутун умр султон Ҳусайн Бойқаро давлатини мустақамлаш учун курашган Навоий қандай қилиб бу хил гапни айтиши мумкин, дегисиз. Бунинг сабаби бор. Ҳусайн Бойқаро давлати XV асрнинг охирига келиб, теурийлар орасидаги ўзарo иختилофлар натижа-сида путурдан кета бошлайди. Бунинг ёрқин далилларидан бири Ҳусайн Бойқаро томонидан ўзининг энг севикили набираси Мўмин Мирзонинг ўлдирлиши эди. 1497 йилда юз берган бу машум воқеа ўз даврида бутун Хуросонни ларзага келтирган, шоирлар бу ҳақда шеърлар битган, ҳамма биринчи навбатда подшоҳни қоралган.

Хондамир «Равзат ус-сафо»да ҳикоя қилишича, Навоий ўша вақтда Машҳада экан. Уч кун нейин у Ҳиротга қайтиб, содир бўлган мусибатдан қаттиқ изтироб чениб, кўздан «ёш ўрнига қонлар» оқизган. Шунда у, Хондамирнинг ёзишича, айтган экан: «Муҳаммад Мўмин Мирзо воқеаси шайх Манқиддин Бағдодийнинг ўлдирлишига ўхшайди. Чунки ўша замонда Чингизхоннинг Турондан Эронга лашкар тортиши натижасида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқнинг барча вилоятлари ёппасига қиргинга учраб, байрон бўлган эди».

Мақдиддин Бағдодий хоразмлин машҳур шайх Нажмиддин Қубронинг муриди бўлиб, уни XIII асрнинг бошларида Муҳаммад Хоразмшоҳ ноҳақ ўлдиртирган. Шундан сўнг кўп вақт ўтмай, мўғул истилоси бошланган. Хоразм ўлкаси уларнинг даҳшатли зарбасига учраб, маълумки, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ҳаёти ҳам янчи тугаган.

Хондамир Мўмин Мирзо воқеасидан кўп ўтмай Шайбонийхон қўшинлари Хуросонга бостириб кирганини ва Алишер Навоийнинг гапи тўғри чиқганини қайд этади. Муҳаммад Солиҳ ҳам ўз дostonида:

Отонд бордур ўғул нохушнуд,  
Отонн ўғул ётай дер нобуд,  
Ото ҳам бордур ўғулдин безор,  
Ўлтурур ўғлини йнгалтай зор,—

деб, энг аввало, ўша Мўмин Мирзо воқеасига ишора қилаётган кўринади.

## Тақриз

# КАТТА ИШНИНГ МУҚАДДИМАСИ

Жаҳон ва рус пролетариати озодлик ҳаракатларининг гулдуриси мазлум Шарқий Туркистонда ҳам кучли акс-садо берди. XIX аср охири ва XX аср бошларида бу ўлкада катта сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди. Гоминдан жаллодларнинг зулми уйғур меҳнатнашлари сабр носанини тўлдирди. 1932 йилнинг кузида Қумул вилоятида йўтарилган қўзғолон халқ ҳокимини ўрнатилиши билан ниҳоя толди. Уйғур ва хитой халқларининг бу ғалабасида улуғ Октябрь социалистик революцияси, Совет Иттифоқининг социалистик нурилишидаги ютуқлари ҳамда Коммунистик партия ва ҳукуматининг халқаро империализмга қарши курашидаги муваффақиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Халқ ҳаётидаги нейинги революцион ўзгаришлар ҳам уйғур адабиётида, хусусан, шеърятда атрофлича бадий акс этди. Филология фанлари кандидат Рўзи Қодирийнинг «Улуғ Октябрь ва уйғур адабиёти» китобида ана шу давр уйғур шеърятини тадқиқ этилади.

Тўғри, М. Ҳамроев, У. Мамаतोҳунов, Қ. Тўхтамов, Ф. Собитова ва бошқа адабиётшуносларнинг асарларида ҳам уйғур адабиёти, унинг ривонланиш йўллари, босқинчлари ҳамда асосий тенденциялари тўғрисида муҳим фикрлар баён этилган экан. Бироқ, уйғур инқилобий шеърятини махсус текширишга Рўзи Қодирий биринчилар қаторида киришди.

Рўзи Қодирий Совет Иттифоқи ва Шарқий Туркистондаги уйғур матбуоти ва адабий манбаларини яхши билади. У Шарқий Туркистонда ўзи тўплаган, турли кишилардан ёзиб олган материаллардан ҳам фойдаланган.

Автор тўғри таъиндаганидек, Шарқий Туркистонда революцион уйғур шеърятини 20-йиллар бошида марксистик гоғлар ва М. Горький, В. Маяковский каби улкан иждоорлар таъсиринда шакллана бошлади. Айниқса, уйғур шеърятига Ҳамзанинги қўшиқлари катта таъсир кўрсатди, Шарқий Турки-

стонда янги бир инқилобий шоирлар авлодининг юзага келишида муҳим омиллардан бири бўлди. Ҳамзанинги 1918 йилда ёзилган «Уйғон» шеърини илҳомланган Мулла Нозим 1921 йилда шундай деб ёзди:

Сени ютмоқча тикилди аждар,  
Уйғон уйқудин, бедорлиқ даркор!

Асримизнинг 20—30-йилларида Саид Ботир, Мулла Нозим, Уйғур, Шавий, Мусо Ҳўтандий, Нимшаҳид сингари забардаст адиб ва шоирлар Ленин, социализм гоғларини уйғур халқи орасида ўз асарлари орқали ақтирос билан тарғиб қилдилар. Революцион кайфиятдаги бундай шоирларнинг 1924 йили босилиб чиққан тўплами «Асорат ва разолатга ўт оч!» деб номланган.

1945 йилда Лутфулла Муталиб бошчилигида тарақийпарвар шоирлар «Шарқий Туркистон ёшлари учқун» номи махфий инқилобий ташкилот тузиб, зулм ва истibdодга қарши ташкилий равишда кураш олиб бордилар. Билал Азизий, Мунириддин Ҳўма наби уйғур халқининг фидоқор фарзандлари бу ташкилотнинг фаол намоёндалари эди.

Шавқийнинг «Қутулиш йўлида», Лутфулла Муталибнинг «Ленин шундай ўргатган», Уйғурнинг «Бизнинг йўлимиз», Табибон Алиевнинг «Москвада Биринчи Май» наби шеърлари уйғур меҳнатнашларини революцион руҳда тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлди. Шунинг учун ҳам гоминданчилар шоир Уйғурни 1932 йили, 23 ёшли Лутфулла Муталибни эса 1945 йили ваҳшийларча қатл этдилар.

Рўзи Қодирий уйғур халқининг миллий-озодлик ҳаракати, эски тузумга қарши қўзғолонлари, илгор фикрли шоирларнинг ҳаёти ва революцион кураши тўғрисида қимматли материаллар тўплаган ҳамда уларни марксистик дунёназар асосида баён қилган. Китоб ўқувчида хангўй, жасоратли уйғур халқининг исёнкор шеърятини тўғрисида яхши таассурот қолдиради.

Автор, ўзи айтгандек, шеърят тадқиқини мақсад қилиб олган. Асарда тақрир кўп, талай саҳифаларда таҳлил ўрнини тасвиф эгаллаган. Келтирилган материаллар ва фантлар, инюдий жараёнлар таҳлили катта-катта илмий-назарий умумлаштиришлар қилишга, кўламли фикрлар айтишга ундар эди. Аммо бундай умумлашмалар асарда кам учрайди.

Яна шунини айтиш керакки, китобда гоғий-тематик таҳлил эстетик таҳлилга қараганда устун. Адабий асарнинг интимион қиммати унинг лафосида, ленин адабиётшуносликада адабий асар таҳлили унинг эстетик таҳлиладан келиб чиқиши лозим, акс ҳолда тадқиқотчи куруқ социологизмга мойил бўлиб қолади. Китобда бадий-поэтик шoлқ хангидаги қарашлар кўпинча узун-юлуқ парчалар тарзида ифодаланган.

Рўзи Қодирийнинг «Улуғ Октябрь ва уйғур адабиёти» асари уйғур адабиёти тарихини ўрганишга қўшилган ўзига хос ҳисса, адабиётшуносликада қувонарли ҳодисадир. Уни келамандаги улкан тадқиқотлар деб ҳисса деса бўлади.

<sup>1</sup> Рўзи Қодирий. Улуғ Октябрь ва уйғур адабиёти. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1971.

Владимир Ильич Ленин «Осиёнинг уйғониши» сарлавхали мақола-сида 1905 йил революциясининг аҳамиятини таъкидлаб, у «Осиё халқларини бутунлай уйғотди», деган эди. Биз дохиймиз айтган ўша жараёнинг гувоҳи бўлганмиз.

Дарҳақиқат, 1905 йил воқеаларидан сўнг шарқнинг кўпгина мамлакатларида, жумладан, Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Туркия ва собиқ тоғ Туркистонда кучли уйғониш бошланди. Туркистоннинг кўп шаҳар ва қишлоқларида янги усул мактаблари очилди. Газета ва журналлар нашр этиш кўпайди, хар хил ижтимоий-сиёсий ва адабий жамиятлар, иқтисодий ва ҳўжалик муассасалари ташкил қилинди.

Тошкентга шарқ ва ғарб мамлакатларидан, айниқса Марказий Россиядан сиёсий, ижтимоий адабиёт кўплаб келиб турарди. Чунончи, Петербургдан «Искра», «Рабочая газета», «Последние новости», Оренбургдан «Вақт», «Урол», «Шўро», Уфадан «Турмуш», Уральскдан «Фикр», Астрахандан «Эдил», Қозондан «Юлдуз», «Тонг» каби газета ва журналлар олинарди. Рус тилида нашр этиладиган газета ва журналлар ўқув юрталарига, эски мадрасаларга аста кира бошладилар. Муллавақчалар бу нашрларни ярим яшрин ҳолда ўқир эдилар. Масалан, «Бегларбеги» мадрасида 1912 йилдан кейин талабалардан анчаси газета ва журнал ўқийдиган бўлди. Мударрислардан кўплари «Вақт», «Кўёш», айниқса «Таржимон» газетасини олар эдилар. Шу мадрасанинг мударриси вазифасида ишлаб турган эркин фикрли кишилардан Муродхўжа Солиххўжа ўғли Шайх Саъдийнинг асарларини ўзбекчага таржима қилар эди. У география дарсини бизларга расмий ижозатсиз ўқитар, замонавий матбуотдан хабардор бўлишни ўргатар эди. Бу воқеалар ҳаммаси мадраса ҳаётида фикрий ўзгаришга бир қадар таъсир кўрсатди, мадрасага рус тилининг кириб келишига шароит туғдирди. Бу вазиетни кўриб, рус тилини ўқиш гуноҳ деб юрган домларлар ҳам индаё олмай қолдилар. 1914 йилнинг бошида эса Тошкентдаги «Кўхалдош», «Бегларбеги», «Эшонкул додхо» мадрасаларида рус тили расмий равишда ўқитила бошланди. «Бегларбеги»да Канашиқ деган муаллим февраль революциясига қадар рус тилидан дарс бериб келди. Унинг программаси хотирламда тўла қолмаган бўлса ҳам, рус тили грамматикаси ва ҳисоб ўқитганлиги ёдимда. Дарслар ҳафтада икки марта уч соатдан давом этарди. Мадрасаларга рус тилини киритиш ташаббускори бўлганлиги учун «Бегларбеги»нинг биринчи мударриси Абдумалиқхожи Абдунаби ўғлига кўп мутаассиблар анчагина адоват сақлаб юрдилар. Улар рус тилини ўрнинга қарши тарғибот қилиб туришди. Рус тилини ўрганувчиларга бошқа ўқувчиларни қарши қўйиш, уларга нафрат туғдириш каби кўпгина ҳаракатлар бўлиб турди. Бироқ турмуш тақозоси қолиб чиқди. Рус тилини ўрганувчилар кун сайин кўпайиб борди. Ҳозир кекса пенсионер муаллимлардан Абдулқодир Наби-хўжаев, Абдурахмон Содиқий ва мазкур сатрлар муаллифи ҳам шулар қаторида эди.

Рус тили курсида ўқиганлар маълум вақтдан сўнг анчагина тетик, за-

## РУС ТИЛИ МАЪРИФАТ КЕЛТИРДИ

монавий дунёқарашга эга бўлиб қолдилар. Пировозидеда, улар хурофотга қарши фаол курашчиларга айландилар. Февраль революцияси арафаларида улар турли сиёсий масалаларда ҳоли орасида тарғибот олиб бордилар. Шундай қилиб, Туркистонда Октябрь социалистик революцияси кунларига анча онгли ёшлар еттишиб чиқди.

Рус тилининг аҳамиятини биз улуг инқилобдан буруноқ сеза бошлаган эдик. Бунн биринчи гада очик фикрли, илгор табақалар англаб этган. Октябрь инқилобидан олдин рус тилини билиш зарурилигини ўз асарларида акс эттирганлар Садриддин Айний, Абдулла Авноний, Ҳожимун Шукруллаев, Сайдахмадхўжа Сиддиқий-Ажзий, Абдуқодир Шакурый, Исқоқхон Тўра қабилар бўлди. Ҳамза Ҳакимзода ҳам рус тилини фаол ташвиқот қилганлардан биридир. Сўхбат чоғларида у кўпича шу ҳақда ҳикоя қиларди. Ҳожимуннинг менга ўқиб берган икки ғазали ярами русча, ярами ўзбекча эди. Шейрда рус тилининг равонлиги, нозиклиги, оҳангдорлиги мақталиб, уни яхши билишга тарғиб қилинган.

Рус тили ўзининг куч-қудратини халққа тез билдира олди. 1909 йили Арабистонга саёхатга борган тошкентлик арабшуно олимлардан, эски шаҳарнинг Пичоқчи маҳалласидаги Шарафийбой мадрасасининг мударриси Бобо махдум домла Одессадан бир дўстига ёзган мактубида мана бундай деган эди: «Агар яхши яшашни хоҳласангиз, рус тилини билиб олиш шарт экан. Мен бунн йўлдаги 10—12 кунлик саёхатим асносида кўрдим. Агарда худонинг бандасига буюрган намоз, рўза, ҳаж, закотдек шарият қонунига яна бир модда киритиш лозим бўлса, мен рус тилининг ўқитилишини кўшар эдим».

Рус тили Октябрь революциясининг дастлабки пайтларида ўзининг қадр-қимматини янада яққол намойиш қилди. Революция бошларидеда раҳбар ҳодимларнинг кўчличили рус семинарликсини тасомалланган эди. Турар Рисуқлов, Абдулла Раҳимбоев, Султонбек Хўжанов, рус-тузем мактаб-бини битирган Низомиддин Хўжаев, Саъдулла Турсунхўжаев, Тўлаган Хўжамёров — Тавалло, Мирзараҳмат Мусононов, Ғанихўжа Ҳамидхонов, Миркомил Мишаропов, Отахон Назирхўжаев каби зиёлилар рус тилини кунт билан ўргандилар. Бундан ташқари рус тили кўпчилида ўқиганлар эски руслар билан муносабатда бўлиб, бу тили билганлар ҳам раҳбарлик лавозимларда иш олиб бордилар меҳнаткашларга фойда етказдилар. А. Авноний, Н. Алиев, М. Мирзаэхмедов, Ш. Каримов қабилар шулар жумласидандир. Рус олий ўқув юрталарини тасомалган Х. Иброҳимов, Ж. Утарбоев, Н. Тўрақулов давлат арбоби бўлиб етишдилар.

Чор ҳўкуматининг миссионер маъмурулари, рус тилини ўргатишдан асосий мақсад — маҳаллий халқдан чор ҳўкуматида содиқ кишилар етиштириш, деб билар эдилар. Бироқ ҳаёт, революцион воқелик бу фикрларнинг аксини кўрсатди. Рус тилини ўрганган кўп кишилар замон воқеаларини тезроқ тушуниб, Октябрни катта қувонч билан кутиб олдилар.

Ўзбекистонда Совет ҳўкимиятини барқарор этишда, халққа маърифат тарқатишда, оммани янги ҳаёт сари етаклашда улар ташаббускор бўлишди.

Лазиз АЗИЗЗОДА



Т ошкент — Самарқанд автомобиль йўлида юрган бўлсангиз, кўр-гандирсиз, Самарқанд Жўзасўдан бошланади. Ўзингизга мўътадил тоғ ҳавосининг эпкинни урилади. Табиатнинг ранг-баранг манзаралари танингиздаги чарқонч эсдан чиқариб дилингизга ажиб бир тўйу бахш этади. Анча жойғана сизга тоғ ва сув ҳамроҳ бўлиб боради. Кўҳна тоғ гоҳ асрий салобат ва ықори билан лоқайди, нописанд назар ташлайди, гоҳ кекса донишманддек энга-йиш қўлогингизга олис тарих хотирларидан шивирлагандек бўлади, гоҳ вазалин қадамлар билан йўл бўшатиб чекинади, гоҳ эса итаокорона пойингизга бош қўяди. Поезд ҳам бу ердан сўнгсиз гўзаллик сукунатини ўзишга йимангандек оҳиста юриб ўтади. Йўлдошингиз шўх Сангаор сирли ашулисини бир маромада кўйлайди...

Бора-бора тоғ ҳам, сой ҳам орқада қолади. Энди олис-олисларда бошқа пуволингизга олис тарих бўлади. Улар сизни йўл буйи кузатиб бораётгандек туюлади. Музбўлоқдан қониб сув инасиз-да яна йўлга туша-сиз. Самарқандга кириб боришда яси адирлар, беҳудуд қирлар тагин хавлингизни чулбақ олади. Айниқса бу ерлар эрта баҳор пайтида ҳаддан ташқари фусункор бўлади. Табиат ўзининг бор хилматини худди шу ерга пойвдод этгандек...

Кўҳна Самарқанд остонасида меҳмон истиқболига чиққан келинчақдай дилбар бир қишлоқ бор. Унинг номи — Ҳалвои. Нега Ҳалвои кўйишган экант Эҳтимол, Самарқанд Бозорларига зийнат берган хилма-хил ҳўлваларнинг машур усталари шу ерда яшагандир? Эҳтимол, бошқа сабаблар бордир... Хуллас, мана шу қишлоқда Сиддиқий-Ажзий тўғилган, шу ерда у замонасининг таниқли шоири бўлиб етишган.

Саиддахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий 1864 йилда тўқувчи оиласида дунёга келди. Саиддахмад бошига тиркичилик ташвишлари жуда эрта тушди. Отаси вафот этганида у беш ёшда эди. Сўнгра бобоси Алихўжа эшигида кун кецирди. Ун ёшларидан тақдир уни дарбадар ҳаёт томон етаклади. Айниқса, Саиддахмаднинг уста Абдулқунон остонасида ўтган кунлари жуда аламли ва изтиробли бўлди.

Бўлажак адиб бибиси кўлида савод кўчарди, кейинчалик Самарқанд, Бўхоро мадрасаларида тахсил кўрди. Лекин кўпроқ ҳаёт мадрасаларида сабоқ олди. Паст-баланд қишлоқлар-

даги меҳнат аҳлининг дардлари Саиддахмад қалбига бир умр муҳрланиб қолди. У ҳамма ерда зулм ва ноҳеқликни, инсоний қадр-қиммат оёқ ости этилганини кўрди. Лекин эш Саиддахмад кўҳна дунёдаги бу ҳодисаларнинг сабабини ҳали тушуномас, унинг наздида атрофдаги барча нарсалар одатдагидек туюларди. Шейрият шайдоси бўлган бу талаба туғанмас бир ғайрат билан Шарқ классик адабиётини мўтолаа қилар, араб, форс, озарбайжон тилларини эгаллаша уринар, устуларга эргасиби газаллар битишга интилар эди. Кейинроқ у қисқа муддатда рус тилини ўрганди.

Дарҳақиқат, Саиддахмад Сиддиқий замондошлари таъкидлагандек, голат тириқчи, ўткир зехн ва иқтидорга эга бўлган киши эди. «Иңқилоб» журналининг 1924 йил 12-сонида замондошларидан бири адиб ҳақида шундай ёзган: «Ўзининг асосий касби бўлиш эйтибори ила ҳозир ҳам Самарқанд теграсида Ҳалвои қишлоғида деҳқончилик билан машғулдур. Буюк бир истеъдода эга бўлганидан кўп санъатларнинг устосидур. Бошлаб Сиддиқий яхши бир техникдур. Соат ва турли мошинларни тузатмоқ ишига моҳирдур. Яхши тўқувчи ва тикув-чидур. Кўп йиллар бу санъат ила яшагандур. Яхши оғвидур, музикни билан ҳам шугуллангандур. Ус тилидан бошқа араб, форс, рус тилларини биладур...»

Иңқилобгача бўлган матбуотимиз саҳифаларини арақлаб курсангиз, унинг шоликорликдан соатсолликкача, мусиқа илмидан тўқувчиликкача кўп нарсаларга алоқадор мақолаларини учратасиз.

Лекин Сиддиқий энг аввало шоир эди. Унинг адабиётга қачон, қайси шейри билан кириб келгани номаълум. Шу нарса маълумки, у даставвал лирик шейрлар ёзган. Уша пайт таъкирларарида Сиддиқийнинг номи «нозик тарба» шоир сифатида тилга олинади ва ишқий шейрларидан баъзи байтлар кептирилади. Кейинчалик у ўз шейрларини кўйдириб ташлаган. Фикримишча, бунинг асосий сабаби кўйидегичадир. Сиддиқий 1901 йилда отасидан қолган кичкина боғини сотиб, уч йиллик саёхатга отланади. Тифлисида бўлади, Жалил Маммадуқлизода, Собир Тоҳирзода каби революцион-демократ адиблар билан танишади. Араб мамлакатлари бўйлаб кезади. Жаддада рус элчионасида бирмунча муддат таржимон бўлиб ишлади. Сўнг марказий Россиянинг бир қанча шаҳарларида бўлади. Уч йиллик саёхат таассуротлари шоир дунёқарашининг ўсишида, турмуш ҳодисаларини чуқурроқ идрок этишида

### СИДДИҚИЙ-АЖЗИЙ

## Ғазал

Хилолинг сувратидек, эй фалак, қаддим дўто этдинг,  
Вужудим оташи ҳасрат-ла ёндирдинг, фано этдинг.

Алим озод экан, занжири истибдодо банд этган,  
Танимини хаста кўрғач раҳм уимд этдим, жафо этдинг.

Қаноат этмадинг жисминни зеру паст отмадган,  
Тазаллум тигилан бошим кесиб тандин жудо этдинг.

Мани ғафлат шароби сархуш этмиш жоми макрингдан,  
Бошимга лашқари ғам фааж-фажжи-ла раҳо этдинг.

Балолар ўқларин ёғдирдинг, ижро ўлди у бешак,  
Бу мақсад-ла мани мақдуфи пайқони боло этдинг.

Ҳаётим, шавқатим, шоним йиқиб тўфрға паст этган,  
Саруоримни вайрон айладинг, бахтим қаро этдинг.

Бузилсин қодиринг, анжумларинг назимдан айрилсин,  
Хароб ўл ман кими ким, обирўйим зеру паст этдинг.

Тани мажруҳимни қон қатраси қат ўлмаюб холо,  
Бошимга ханжари бедод чемак мудардо этдинг.

Фалак ҳам сен каби овораю саргаштадинг, Анжзий,  
Вале билмасмиким, раҳм этмади, чандон наво этдинг.





# САИДАҲМАД СИДДИҚИЙ

сори Г. Н. Александров Сиддиқийнинг сеvimли шогирдларидан бири бўлган. Мактабда барча фанлар — арифметикадан астрономиягача, араб тилидан рус тилигача ўқитиларди. Айниқса, шоир рус адабиётини ўргатишга катта эътибор берарди. У худди шу йиллари Л. Н. Толстойнинг бир қанча ҳикояларини, И. А. Криловнинг бир қанча масалларини, Н. В. Гоголнинг «Шинель» повестини ўзбек ва тожик тилларига таржима қилди, мактаби учун дарсликлар ёзиб улардан намуналар киритди. 1914 йилда «Зарафшон» номли кутубхона ташкил этиб, демократик руҳдаги матбуот ва адабиётни маҳаллий халқ орасига ёйишда жонбозлик кўрсатди. Унинг кутубхонасида «Мулла Насриддин», «Шўро» журналарию Ҳиндистонда нашр этиладиган «Ҳаблул-матин»гача Тавфиқ Фикрат асарларию, И. А. Крилов масалларию, Ибн Сино «Ал-қонунидан Бедилнинг «Чор унсур»гача бор эди.

Асримизнинг 10-йилларида Сиддиқийнинг «Мирьоти ибрат» («Ибрат ойнаси»), «Анжумани арвоқ», («Рухлар йиғини») дostonлари, «Айн ул-адаб» («Одоб кўзи»), «Ганжинани ҳикмат» («Ҳикмат ҳазинаси») каби шеърӣ тўпламлари эълон қилинади. Ана шу икки дostonни нашр этишга Туркистон цензураси рухсат бермагач, улар 1912 йилда Тифлисте «Мулла Насриддин» журнали матбаасида Собир ва Маммадуллозоданинг кўмаги билан босиб чиқарилди. Шоир «Мирьоти ибрат»нинг ўзбек тилидаги нусхасини 1914 йилда Самарқанда нашр эттирди.

«Мирьоти ибрат» романтик-хаёлий дoston бўлиб, воқеалар автор тилидан берилди. Шоир дostonда бир қанча масалаларни ўртага ташлайди. Лекин асардаги бош масала Туркистоннинг ўша даврдаги фожали аҳвали ва ундан қутулиш йўлларини излашдир. Шуниси диққатга лойиқки, Сиддиқий меҳнатқаш Туркистоннинг

оғир аҳволини фақат илмсизликдагина деб билмайдди, бошқа сабаблар ҳам қидиради. Шоир тэъкидича, иктисодий асорат шулардан биридир. Бу уни замондошлари орасида ажратиб турадиган энг муҳим хусусиятлардан эди. Асар ҳаётбахш руҳ билан суғорилган раэмзий манзара — от устида дадил дарё кечайтган, яъни янги дунё учун курашга бел боғлаган лирик ҳаҳрамоннинг тасвири билан тугайди.

Дostonда Туркистон жафоқаш Она образи даражасига кўтарилмади. Асарнинг ҳар бир мисрида, ҳар бир сўзида Онанинг жароҳатларинг тинмай малҳам излаган фарзанднинг сўнгсиз ташвиши ва дard-аламлари ўз ифодасини толган

«Мирьоти ибрат» дostonи шоир замондошларига зулматдаги қақмоқдек таъсир кўрсатган эди. Тасодиф эмаски, реакция уни худди шу асари учун 1914 йил 3 январда Улуғбек мадрасасининг жоменда, беш-олти минг киши ҳузурда кофир деб эълон этган, лекин Сиддиқийни бутун тараққийларар Туркистон ҳимоя қилиб чиққан эди.

Шоирнинг ўзбекча шеърлар тўплами — «Айн ул-адаб» Самарқанда 1916 йилда босилди. У шеърларига «Ажзий» деб тахаллус қўйди. Мажмуага классик шеърятнинг анъанавий жанрларидеда битилган бақувват асарлар киритилган. Лекин шу шеърларнинг барчасига хос хусусият уларнинг ижтимоий дард билан йўрилганлигидир. Шоир шеърлари учун фалсафий теранлик, гўзал табиат билан чирган жамиятни энд қўйиб тасвирлаш, фавқулодда образ ва ифодаларни қўллаш, рангоранглик, мажозийлик ва услубда Фузулий ҳамда Бедилга эргашши характерлидир.

Сиддиқий-Ажзий 1917 йил Февраль буржуа инқилобидан кейин ижтимоий ҳаракатларга бевосита аралаша бошлайди. Жумладан ишчи-большевиклар

ташкилоти «Иттифоқ»нинг фаол аъзоларидан бири сифатида иш олиб боради. Буюк Октябрнинг дастлабки кунлариданоқ уни қутлаб шеърлар ёзади, ўлкада совет тузумини барпо этишда қизгин иштирок этади. 1921 йилга қадар Самарқанд вилоят адлия комиссари лавозимига хизмат қилади, 1922 йилдан севдан касби—муаллимликка қайтади.

20-йилларда Самарқанда чиқарилган «Зарафшон» газетасини, ўзбекча «Машраб» сатирик журналинини, тожикча «Мулла Мушфиқий» сатирик журналинини ташкил этишда фаол қатнашди. Адбиднинг маҳаллий матбуот саҳифаларида «Майна», «Гина-гина», «Шашлар», «Тир», «Гумно» каби имзолар билан ўз даврида мухтазам эълон қилинган сатирик-юмористик асарларини ҳисобга олмасдан 20-йиллар адабиётимизини тўла тасаввур этиш қийин. Социалистик гоёларни чуқур идрок қилиш, ижтимоий ва шахсий турмушдаги энг кичик нуқсонга ҳам хурасасиз бўлиш, янги дунё кувручи кишилар фаолиятини гоҳ ваазин, гоҳ ўйноқи оҳангларида ифодаш, классик адабиётимиздаги ҳазил-мутойба, пичинг ва қочирчиқлардан усталик билан фойдаланиш — шоирнинг бу давр шеърятдаги энг муҳим хусусиятлар шулардан иборат.

Сиддиқий 1927 йилнинг 15 июнида Ҳаловон қишлоғида вафот этади. Шоир қолдириб кетган адабий мерос анча бой. Адбиднинг фақат номигина маълум бўлган асарлари ҳам бир талай. Унинг ижоди эндигина ўрганилмоқда. Ҳали Сиддиқий-Ажзий ижодини тадқиқ этишда қилинадиган ишлар жуда кўп.

Шу нарсани ҳам айтиш керакки, шоир шеърларининг тили, ифода усули, ҳозирги талаб билан бундасан, анча оғир. Бу фикр, хусусан, Октябрь инқилобидан кўра ижодига таъгили. Бу — давр, адабий муҳит ва бошқа бир қанча сабаблар билан боғлиқ, албатта. Лекин билдирилган жузвий мулоҳаза адабиётимиз тарихида эркин аз қолдирган, катта истеъдод эгаси бўлган ҳассос шоир ижодининг ижтимоий ва эстетик қимматини сира пасайтирмайди.

Биз муҳтарам журналхонларимизга шоир асарларидан баъзи намуналарни тақдим этаётмиризм. Садрдайд Айний айтганидек, Сиддиқий шеърятдаги «ҳар байтнинг маъносини бир саҳифада шарҳласа ҳам торик қилади. Энди биз ўша ўқувчиларимизнинг ўзларига ҳавола қиламизки, зинҳор юзак қараб ўтмасинлар».

Бегали ҚОСИМОВ,

филология фaйлари кaндидати

## Бошимдан ўтганлар<sup>1</sup>

(Сатира)

Аё дўстлар, биродарлар, қулоқ солинг, Кўп қатори бу дунёга келдим маню. Кўрдим — дунё одамлари аҳмоқдирлар, Шайтон билмас нағмаларини қилдим маню.

Ешлигимда мактаб-пактаб ман кўрмадим, Виждон аҳли юрган йўлдан ҳеч юрмадим, Инсонликнинг тариқатини ман билмадим, Уэплигимдан толган йўлдан юрдим маню.

Ун олтига киргандан сўнг мактаб бордим, Олти ойда нари-бери хат чиқардим. Пул толмоқнинг савдосидан ҳар ён бордим, Оқсоқолга мурзо бўлиб кирдим маню.

Ундан кейин ошпк бўлдим тангажонга, Қандай қилсам кўпқор бўлур пул ҳамёнга, Кўрдим қандоқ тадбир лозим бул замонга, Мансабдорлик орзу-ҳавас қилдим маню.

Амал-памал олган киши иззат толгай, Ҳар қишга ҳар сўз деса, қулоқ остай.

<sup>1</sup> Бу ҳақиқ НЭП даврида бойлган бир амалпараст тилидан ёзилган. (Ред.)

Халқ ичида эътибори катта бўлгай, Ушбу йўлни яхши тадбир билдим маню.

Охир манга ячейкалик амал тегди, Эътиборим катта, ишим дўм-дўм бўлди. Ҳар томондан тинга келди, киссам тўлди, Оту хўкиз, кўно сизир олдим маню.

Халқ экин молим учун яйлов бўлди, Молим менинг экин ичра ҳайдов бўлди, Урдим, сўқдим — бул тўғрида ким гапирди, Бундан бошқа кўп ишларини қилдим маню.

Улпон териб толшироққа вақил бўлдим, Олган пулдан хазинага оз толширдим, Ҳамён ичра шу пуллардан кўпқор ўрдим, Беш юз эллик сўмга ҳовли қурдим маню.

Одамларнинг юракларини ёрган эдим, Андақ ишда кўп пулларин олган эдим. Кўп кишини ташвишларга солган эдим, Қандай бўлди, энди қўлга тушдим маню!

Биров хотин олмоқ учун тўй берганда, Оқшом никоҳ қилмоққа эд йиғилганда, Саккиз червон талаб қилсам, бермаганда, Тўйни бузиб, махлмас аҳлин қурдим маню.

Банка пулдан қанча пулни «ишлаганман», Ҳар қишдан беш сўм-тўрт сўм ушлаганман,

Гапирганин йўлни топиб тишлаганман; Жамиятнинг қарғишини олдим маню...

Каптар каби ҳар хирмондан дон терардим, Тутовуқнинг хўрозидек қичқирардим. Қарга каби бедонага чанг урардим, Қарчигайнинг чангалига тушдим маню.

ГПУ мандан ҳаргиз пора-мора олмас, Ёлгон-ишиқ сўзларимга қулоқ солмас. Элга маълум бўлган ишн ёлиб бўлмас, Мардум ичра ҳайрон-сарсон қолдим маню.

Ёмонлиқни мань қилганин ёмон кўрдим, Яшилқилдан ёмонлиқни яхши кўрдим. Ҳукуматнинг қонунига қарши турдим, Шул сабабдан ёмон кунда қолдим маню.

Ман биламан — бир ман ўзим шундоқ эмас, Мандан бошқа манга ўхшаб камроқ эмас. Ман ўйлаган — маълум бўлди — андоқ эмас, Андоқ эмаслиқни ҳоло билдим маню.

Лекин мандан бир иш қолди қилолманган, Худойликнинг рутбасини ололманган, Бир нечалар чангалимдан қолди омон, Ҳасрат билан бу дунёдан ўтдим маню...

# МУЗЛИКЛАР АБАДИЙМИ?

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Сибирь дарёлари сувларининг бир қисмини Сирдарё ва Амударё ҳавзаларига, шимол дарёлари сувларининг бир қисмини эса Волга ҳавзасига оқизиш билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-қидириш ишларини муҳокама қилди. Бу ишларга доир тадбирларни манафаатдор министрликлар ва бошқармалар билан биргаликда ишлаб чиқишни СССР Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлигига топширди.

Бугдойзор ва бошқа экинзорларнинг 65 ғойизидан кўпроги табиий намлик етарли бўлмаган иклим зоналарига тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу тадбирнинг амалга оширилиши янада муҳим аҳамият касб этади. Бундай зоналарда ҳар ўн йилда уч-тўрт марта қургўқчилик рўй бериб туради.

1971 йилнинг охири, 1972 йилнинг бошларида мутахассислар Сибирь дарёларини Қозғистон ва Урта Осиёга олиб борувчи трасса ўтадиган жойга жўнаб кетишди. Шимол дарёлари сувларини жанубга оқизиш бўйича лойиҳалаш ишлари бошланди. Қидириш коллективларига «Союзводпроект» Бутуниттифоқ бирлашмаси бошчилик қилмоқда.

Улкан сув магистраллини икки босқичда қуриш мўлжалланади. Дастлаб Тоболь дарёси Иртиш дарёсига қуйиладиган жойда Тоболь сув омбори қурилади. Унинг суви насос станциялари ёрдамида Қозғистонга — Оролбўйи пасттекислигидаги йирик сув омборларидан бирига қуйилади. Обҳаёт Қозғистон, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг дашт ва чўл районларига оқади. Иккинчи босқичда сув артерияси Обь дарёсидан Кулунда ва Бараба чўллари бўйлаб ўтадиган инженерлик шохобчалари орқали қўшимча сув олади.

Сибирь ва шимол дарёлари сувларининг бир қисмини жанубга оқизиш лойиҳасининг амалга оширилиши Урта Осиё тоғларидаги музликларнинг тез камайиб бораётганлиги туфайли ҳам жуда муҳимдир.

Амударё ҳавзасининг Совет Иттифоқига қараш-

ли қисмида 1946 йилдан 1966 йилгача 80 квадрат километрга яқин музлик барҳам топди. Агар иклим ўзгармаса, икки мингичи йилларга келиб, Амударёни сув билан таъминловчи музликлар майдони саккиз-ўн ғойизга қисқаради. Натижада суғориш каналларининг суви сезиларли даражада осяяди.

Урта Осиёнинг ташналикда қолиши муаммоси сал кам етмиш йилдан буён олимларнинг диққат марказида турибди. 1904 йили Лондонда нашр этилган «География журналининг июнь сонида машҳур рус географи ва сайёҳи, революционер Пётр Алексеевич Кропоткиннинг Лондон география жамияти учун ўзган маърузаси босилган. «Евразиянинг қуриши ҳақида» деган бу мақолада олим Марказий Осиёда ўтказилган тадқиқотларга асослаиб, бу улкан территориянинг ҳаммаси тобора намлигини йўқотмоқда, деган хулосага келади. П. Кропоткин бу ердаги ёнгингарчилик микдорига нисбатан буғланадиган сув микдорининг ортиқ эканлигини асосий сабаб қилиб кўрсатади.

П. Кропоткиннинг мақоласи босилгандан кўп ўтмай, бўлғуси совет академиги ва СССР география жамиятининг президенти Лев Семёнович Берг 1905 йили Санкт-Петербургда, «Рус география жамияти ахбороти»да «Урта Осиё қурийдими?» деган мақола эълон қилди. Олим бу мақоласида бошқача нўқтаи назарни, яъни ер шарининг бу районида қуриш жараёни тутаган, лекин маълум намлик даврлари тез-тез алмашиб туриши мумкин деган фикрни олға суради. Бизнинг замонамизда олимлар ўртасида бораётган мунозара шу тариқа пайдо бўлди.

Қор-ёмғир микдорига нисбатан буғланадиган сув микдорининг ошиқчаллиги қонуният ҳозир анча муфассал текширилган. Ҳаво жуда қуруқ ва ҳарорат юқори бўлган сабабли сув кўп буғланади. Амударё ҳавзасида йил давомида дарё сатҳидан буғланадиган сув микдори 1798 миллиметр сув устунига тенг келиши, яъни қор-ёмғир мик-

дорига қараганда 22 марта ортиқлиги ҳисоблаб чиқилган. Термизда ва Қорақўмининг марказий қисмида бир йилда ўрта ҳисобда 2000 миллиметр сув буғланади. Эллик икки йиллик кузатишларнинг кўрсатишича, Тошкентда буғланиш 960—1594 миллиметр атрофида, бир йилда ёққан қор-ёмғир микдори эса 300—400 миллиметр бўлган. Кейинги йилларда қор-ёмғир микдори анча ошиб кетди.

Бу ерларда тоғлардан келадиган сув билан сунъий суғориш ёрдамида боғлар яратиш, деҳқончилик қилиш мумкин. Тоғларда буғланадиган сувга нисбатан ёғадиган қор-ёмғир микдори анча кўпдир. Масалан, Сирдарё бошланадиган жойда Петров музлиги яқинидаги «Тибншон» метеостанциясида йил давомида 161 миллиметр сув буғланади, қор-ёмғир эса 10—15 баробар кўп ёғади.

Лев Семёнович Берг П. Кропоткиннинг фикрига қарши чиқаётганда тоғ музликларининг барқарорлигига, ҳатто уларнинг босиб келишига асосланган эди. Баъзан бу жараён яширин, кўпинча қийин изоҳланадиган шаклларда давом этади. Медвежий музлигидаги ҳол шулардан биридир.

1963 йилнинг апрель ойи ўрталарида Фанлар академияси тизма тоғининг ғарбий ён боғридаги Ванч дарёси бошланадиган жойда музлик қўзғалди, унинг тилсимон бир унча кўпгина ёриқлар пайдо бўлди, музлик юз метрдан кўпроқ жойга сурилиб борди.

Бу музликнинг «ҳужуми» икки ойга яқин давом этди. У водийнинг 2 минг 500 метрга ичкарасига кириб борди. Баъзи кунларда музнинг силжиш тезлиги 100 метрга етди, бу — музликнинг одатдаги силжиш тезлигидан юз-икки юз марта ортиқ, демакдир.

Медвежий сурилиб келар экан, Абдуқаҳҳор дарёсининг ён водийсини тўсиб қўйди. Натижада 35 миллион кубометр сув тўпланган янги кўл ҳосил бўлди.

Музликнинг ҳужумини тўхтатиш учун авиация



# ПРОКУРОР

ишга солинди, лекин ташланган авиабомбалар унинг сиртини тирнаб ўтди, холос.

Кўл суви кўп фурсат ўтмай муз остидан ўзига йўл очиб олди. Сув оқими жуда даҳшатли эди. Бир секундда оқиб ўтган сув 1 минг 200 куб метрга етди.

Тажриба йўқлиги туйғайли, аридизация жараёнини гидрометеорологик кузатишлар билан аниқлаш мумкин эмас. Фанга атиги юз йилгина давом этган кузатишлар маълум. Асосли хулосалар чиқариш учун бу камлик қилади. Шунинг учун ҳам билвосита кўрсаткичларга — географик объектларнинг ҳолатига ва ўзгаришчанлигига таянишга тўғри келади. Урта Осиё шароитида бундай ўзгаришларни дастлаб музликларнинг «тил»ларида кузатиш мумкин. Иқлимнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда музликлар босиб келиши, чекиниши, қисқариши ёки содйга сурилиб келиши мумкин.

Ҳозирги замон тадқиқотчилари орасида география фанлари доктори М. Петров Осийнинг қуриши ҳақидаги П. Кропоткин нуктаи назарини ҳимоя қилади. У Осиё саҳролари майдонларида қуриш жараёни давом этганининг кўрсатувчи кўпгина далилларини келтиради. П. Кропоткин ўз нуктаи назарини баён қилганда кейин кўп йиллар ўтди. Мирзаҷўл ерларини сурғорчиқа доир В. И. Ленин декретидан бошлаб Урта Осиёда жуда кўп ишлар амалга оширилди. Эндиликда саҳро даладан қолишмайди, далавлар саҳро ва партов ерлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Ижтимоий шароит ўзгарди, лекин табиатнинг ўзи, Евразияда сув буғланмаётгани ёкин-соқиндан усунлиги ҳақидаги фикр ўзгардими? Бу ўринда ҳам ҳамма нарса ўзгаришда эканлигини унутмаслик лозим.

Бундан чорак аср муқаддам Вахан тизма тоғида, Помирнинг Совет Иттифоқида қарашли қисмининг энг жанубида Салунгур дёб аталган хийлагина катта кўл бор эди. 1971 йилга келиб кўл ўрнида чорроқ иккита кўлмак сув қолди, холос.

Тоғларнинг юқори зоналарида ўсимликларнинг пайдо бўлиши музликларнинг емирилиши ва чекинишидан гувоҳлик беради. Усимликлар Фарм музлигидаги майдонларни бамисоли ёнғин алаңгаси янглиг қоплаб олмақда. Қорақўминг жануби шарқий қисмидаги улкан бўшлиқларда, Қорақўн каналнинг сўл соҳили бўйлаб кетган Қораматниёз ва Ничка деган майдонларда кўплаб саксовулларнинг нобуд бўлаётгани Урта Осиё саҳроларининг қуриб бораётганидан гувоҳлик бериб турбди.

1970 йили Перуда содир бўлган машҳур зилзила пайтида Кордильер Бланк тоғининг 6768 метр баландлигидаги Уаскоран чўққиси ўзини қоплаб ётган қор ва музларни «силкитиб ташлади». Перунинг 12 минг аҳоли яшайдиган Юнган шаҳри ва Уаскоранга кўтарилаётган Чехословакиялик альпинистлар экспедицияси улкан қор ва муз оқими остида қолиб кетди. Қаттиқ зилзиладан кейин чўққи яп-яланғоч бўлиб қолди. Шундай қилиб, ҳозирги иқлим шароитида Уаскоран ён бағирларида қор ва музларнинг тўпланишини ва унинг суьратини жуда яхши кузатиш имконияти туғилди. Бу маселани жуда чуқур текшириш керак, чунки, у, жойларнинг қуриши масаласига бевосита алоқедордир.

Муз — атмосфера ёғин-соқинларининг қаттиқ массаси — оқш хусусиятга эга. Бироқ босим жуда кучли бўлган майдонларда у синиб парчаланади ва ён бағирдан пастга томон сирганиб ҳам тушади. Муз «тили» водийга томон сурилиб келиши учун дастлаб музлик ўз ўрнини бўшатиши керак. Музликларнинг «тили», академик Станислав Колесникнинг ибораси бўйича, иқлимнинг ўзгаришини ўлчайдиган асбоб, климатор бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги вақтда бу климаторлар ҳам муз кўпайиши ҳавфи йўқлигини кўрсатмоқда. Бирок музликларнинг тез қисқариши тоғлардан оқиб тушадиган сув микдорини ҳозирча кўпайтиради. Бироқ сувнинг бундай кўпайиши вақтинчадир, чунки музлик «тил»ларининг эриб, йўқолиб бораётган қисми ҳисобига сув кўпаймоқда.

Марказий Тибетшонда 1937 йили альпинистлар тасодифан туширган Оғтайлов музлигининг суьратини текшириш ва Помирнинг сирганиб тушадиган музликларини қайтадан суьратга олиш мумкин аҳамиятга эга. Қайта олинган суьратлар бу йиллар ичида ён бағирлар муз билан яна қопланганини кўрсатса, муз кўчишини фойдали деб ҳисобламоқ керак. Агар муз суьрилгандан кейин ён бағир қор ва муздан янги «тўн» киймаса, демек, муз ҳаракати музликлар умрини узайтиради, демек, ўлкада ёғин-соқинлар микдори камайиб боради, деб ўйлаш мумкин. Ҳали бу ҳақда кескин хулоса чиқариш қийин. Лекин ўз суьралини муз океанига қувётган дарёлар оқимини қайта тақсимлаш ҳақида фикр юритиш фойдалидир.

**Владимир РАЦЕН,**  
география фанлари кандидати

**Т**елефон суьв ҳабар келтирди: Тўда қишлоғида истиқомат қилувчи Каримжон Жўраевни нимдир ўлдириб кетибди. Бундай пайтларда шовиш қанчалик зарур бўлса, доверамаслини, ваэминлини ҳам шунача муҳимлигини яхши билган прокурор Исоқжон Раҳматуллаев ҳовлимади. Район милицияси ва суд-медицина экспертидан вакиллар чакриди. Район марказидан анча олис Тўда қишлоғига етиб боришганида қош қорайган, қиорлар ёқилган эди.

Кўча, ҳовли гаваҳум. Юғуриб-елган, ўзича ҳар хил тахминлар қилётганлар ҳам, ақл ишонмайдиган бу ҳол қандай рўй берганига боши қоғанлар ҳам кўп эди.

Жасаднинг боши обрзанинг қирғоғида, бир обғи сал бункилган, иккинчиси узатилганича сандал бурчиға тегиб турарди. Унг қўлоғининг орақсиди кичина жароҳат бор, холос. Мана шу кичик жароҳатдан қон кетган. Лекин қаршилиқ кўрсатилганлигини кўрсатувчи ҳеч қандай белги йўқ. Қизиқ! Тўпонча ўлган кишида бўлгани ёки қотилинми? Ё бошқа ерда ўлдириб, ўлигини бу ерга ташлаб кетганими? Ундай бўлса, йўлда қон томчилари йўқ-ку?

Уй кўздан нечирилди. Сандал кўрпачининг ёнидан битта гильза топилиши масалага сал равшанилик киритди: демек, марҳум ўзини отмаган, уни кимдир отган! Палослар, кўрпачалар агадирди. Яна битта гильза топилиди. Балки чалғитиш учун ташлаб нетилгандир? Аниқлаш керак. Лекин жароҳат битта-ку? Булар ҳаммаси фараз, Тешириш, тўғри хулоса қилиш, қотилини топиш лозим. Аввало, бундай ҳодисанинг ўзи бериши жуда хунуш иш. Ўзи топилмаса, жиноят очилмаса, қотил жазоланмай қолса — унда жуда ҳам расво!

Прокурор ишни марҳумнинг кўшиқларидан тегишли маълумотлар олишдан бошлади. Сўнг ҳовлима-ховли юрди, ҳар бир тафсилотни эшиттишдан, ёзиб олишдан эринмади. Ҳеч ким Каримжонни ёмон, бирор киши билан уришган, ёхуд ичиб беко юрар эди, демеди. Қиморнинг ёнғачи бормаган. Бирга ишлаётган ҳамкасблари, сирдош дўстлари ҳам ноҳул қадарини сезмаганлар. Хушчақчақ, беозор бўлган. Шундай экан, ким унга душманлик қилди?

Каримжоннинг хотини Тўда қишлоқ Совети раисининг ўринбосари вазиқсиди ишлайди. 8 декабрь кунини кундузи Каримжон икки фарзандини бувиқсиданга олиб борган. Меҳмонлар билан бирга бўлган. Кеч соат еттиларда болаларини қолдириб, ўзи қайтган.

Қишлоқ Совети мажлисидан қайтган рафиқаси Мавлудахон Маҳмудова наздида уй ҳувилаган кўринди, эридан шовиб сўради:

- Болалар қани?
- Бувиқларинида қолишди. Меҳмонлар ҳам бор экан.

Мавлудахон оватланди, чой ичди. Дастурхонни янгиғиштира турди:

— Булмаси мен болаларга борай. Эрталаб уларни боғчага топшириб, кейин районга ўтам. Калитни жойига қўйиб кетарисиз,— деди у эрига.

Эртасига кун бўйи районда, колхозда бўлиб, хотиржам бир кайфиятда келса, болалар қайтмабди. Уй эшигин ёпиқ, аммо қўлф эмас, қоронғи. Кириб чирокини ёқса...

Тешириш тугади. Суд-медицина эксперти қатъий хулосага келди: энқайиб турган пайтда орқадан уқ узилган. Шунда ичига қон кетган. Обғи учидегиси энғашганда томган.

Бу хулоса масалани бир оз ойдинлаштирса ҳам, аслида гумонни оширади: агар бир ўқ отилган бўлса, иккинчи гильза қаёқдан келди? Баллистик экспертиза ўтназилди. Гильза морголен маршали спорт тўпончасига тааллуғли экани аниқланди. Хўш, нимда морголен бор? Кейинги йилларда тўпончанинг бу тури ҳеч қайси ташкилотда қолдирилмаган. Ленинҳод, Тўда, Нориннапа, Яшиқ қишлоқлари текширилди. Қидирув районга кўчирилди. Қанча-қанча одамлар билан суьбатлар ўтназилди. Ниҳоят, бундай тўпонча Қўғай қишлоқ совети

тидаги Ленин номили совхоз ДОСААФ ташкилотининг бошлиғи Эргаш Қодировда бўлган, деган хулосага келинди. Қодиров бу вазиқда 1967-68 йиллари ишлаган. Ишдан кетётганида тўпончани топширмаган. У 1969 йили қамалган. Унинг дўстлари, ўртоқлари билан бирма-бир суьбатлашди. Кимдир Қодиров шундайлик Бултурбой Қўрбонов билан яқин бўлганини айтиди. Қўрбонов эса Каримжоннинг ён қўшини. Фожикани кўриб энг кўп қайғурган, юғуриб-елган, отасиз қолган гўдақларнинг пешаналаридан силаб йилган, қотилини ёниб лаънатлаган. Каримжоннинг фазилатларини айтиб кўз ёши тўққан шу йигит! Наҳотки, тўпонча шунда бўлса? Балки шундайдир? Унинг ичкиликка берилганлиги, бетайини ялаши аниқ-ку! Лекин суроқ қилинганда, ёнига йўлатмади.

Штабда бир неча марта ўзаро кенғаш ўтнашилди.

Далиллар, тахминлар жамланди. Қайта тергов бошланди.

Чигалнинг учи топиладиган бўлди: тергов жараёнида кимингдир 1968 йили Қўрбонов уйдаги ўтиришларнинг бирини «Тўпонча бор», дегандай шамга қилганини айтиди. Лекин «...дай», «...микан», «...роқ эди» сингари тус-молақ ҳақиқатга яқинлаштирса ҳам, айна далил эмас. Қароқдан Эргаш Қодировни олдириб келишга қарор қилинди.

... Бултурбой Қўрбонов маст ҳолатда Каримжонга дуч келади. Уни мағазинга тақлиф этади. Каримжон уйда ҳеч ким йўқлигини айтиб, уйига бошлайди. Утиришда, ичишда. Суьбат бора-бора даҳанакки жанга айланади, Ҳақоратдан газабланган уй эгаси Бултурга ташланади. У қочади. Тўпончани қўлга олиб: «Отиб ташлайман», дейди уқ ўзади, тегмайди. Каримжон калши билан урмоқчи бўлиб энғашганида отилган иккинчи ўқ уни оғир яралайди, наҳотсиз тана эртасигача ер титлаб ётади. Қотил икки соатлардан сўнг яна қайтиб киради. Ўлганлигига қаноат ҳосил қилгач, чирокини ўчириб эшикни боғийдай ёпиб чиқиб кетади.

Тергов санъатига тан берган жиноятчи пинагини бузма, прокурордан кўз узмас: шунчаки саргузаштни ҳимоя қилётганидан гапирар эди. Қотил ҳам, тўпонча эгаси ҳам Бултурбой Қўрбонов бўлиб қичди. Беш кечаю беш кундуз давом этган тинимсиз изланишлар жумбоқни ечди.

... Исоқжон мактабда тарих дарслигида тажрибали педагог Жамолхон ана Екубобоевдан халқ босиб ўтган мураккаб йўллар тахлиқини тинглар экан, ҳақ ва ноҳақлик, адолат ва ёвузлик масалалари уни кўпроқ қизиқтирар, кўп китоб ўқишга ундар, ноҳақликка нафратни кучайиб боради эди. Мана шу уни хунушшунослик факультетига олиб келди. Фан синовлари, мароқли ўкув практикатори, давлат қонунлари ва инсон тақдирини ҳимояси учун бўлган мунозаралар ортда қолди. Институтини тугатгач, маориф, партия ва совет ташкилотларида хизмат қилди. Мана, дегарли беш йилдан бўён Учқўрғон район прокурори сифатида давлат қонунчилигини ҳимоя қилади, ишчилар тақдирини, жамоат мулкнинг дахлисизлигини учун курашади. Бу дилқас, ишчан ва сезгир ходимни район меҳнатнашлари энг яқин дўст, самимий, ҳақўй инсон деб эъзозлайдилар. «Дардин даволашдан кўра олдини олиш осон» — унинг шiori шу.

— Жиноятчиликка қарши кураш — ҳаммаининг иши. Буни жамоатчиликка таянмай туриб амалга ошириш қийин,— дейди Исоқжон Раҳматуллаев.— Бизда ҳар хил касб эгалари ва пенсионерлардан ўн олти штатсиз ходим бор. Шулар ёрдамиди барча колхозларда, кооператив ташкилотларда, қурилиш участкаларида социалистик мулкни қўриқлаш қандай йўлга қийилганлигини текшириб борамиз.

— Учқўрғон йирик районларимиздан,— дейди Наманган область прокурори, юстиция катта маслаҳатчиси ўртоқ М. Тойшонов.— Шунга яраша иш ҳам кўп. Буни накта укув, сидқиқли меҳнат билан бажариш керак бўлади. Мана шу сифатлар Исоқжон Раҳматуллаевда бор.

Прокурор — давлат вақили. Унинг финри тиниқ, далилларни асосли, нуқти равои бўлиши лозим. Исоқжон ана шундай прокурорларимиздан бири. У юстиция маслаҳатчиси, Узбенистон ССР Олий Совети Президиуми, СССР Бosh прокурорининг Фахрий ёриқдиларини олишга сазовор бўлган хуқуқшунос.

**Нурриддин БОБОЎЖАЕВ**

Наманган



# ҚИРҚ ТҮРТІНЧИ ЙИЛ, СЕНТЯБРЬ...

Андрей СОЛОВЬЕВ



## Кальтенбруннер қабулида

**С**

корцени билан Грейфе операция режасы устида тинимсиз ишладилар. Кўп ўтмай Кальтенбруннер умумий режани тасдиқлади. Бу режага биоан Таврин Москва остонасига ташланадиган бўлди. Таврин у ердан пойтахтга ўтиб жойлашиб олиши, СССР Куролли Кучлари Олий Бош қўмондонининг қаердалиги ва қатнов йўлларини батафсил аниқлаши, тантанали йиғинлар ва Қизил Майдага кириш-чиқиш тартибларини пухта ўрганиш, пайт пойлаб суиқасдани амалга ошириши керак эди.

Иш ўнгидан келгудек бўлса, хавфсизлик хизматининг бошлиқлари Фюрер қўлидан мукофотлар билангина кифояланишмоқчи эмас эдилар. Уларнинг мўлжаллари анча катта эди. Фашистлар разведкаси совет кишиларини ваҳимага солиш, Қизил Армиянинг шиддатли ҳужумини тўхтатиш, Гитлерга қарши иттифок аъзолари бўлган давлатлар орасига нифок солиш ва «буюк империяни» гарчи батамом ҳалокатдан қутқарса олмасалар ҳам ҳар нечук Фюрер Фарб билан «тил топшиби» олиши учун вақтдан ютишини хаёл қилар эди.

Скорцени билан Грейфенинг плани майда-чуйда тафсилотларига ҳисобга олиб тузиб чиққанликларининг сабаби ҳам шунда эди. План аста-секин, хаёлдаги хомаки режадан пухта ўйланган тадбирлар мажмуига айлана борди. Уларнинг фикрича, бу тадбирлар Тавриннинг Москвага кириб олиши ва операциянинг муваффақиятли яқунланишига имкон беришига шак-шубҳа йўқ эди.

...1944 йилнинг январь ойи бошларидан империя хавфсизлиги бош бошқармасининг бошлиги обергруппенфюрер Эрнст Кальтенбруннер хонасида махфий кенгаш бўлиб ўтди. Тор доирадаги кишилар — бошлиқнинг ўзи, унинг ўнг қўли бригаденфюрер Шелленберг, Скорцени, Грейфе ва «Русланд-Норд» бошлиги штурмбанфюрер Краус ҳозир бўлдилар. Кенгашда операциянинг энг охириги варианты муҳокама қилинди.

Скорценининг батафсил маърузасидан сўнг йиғилганларнинг ҳар бир позициясини мидан-сиригача синчиқлаб таҳлил этишда, унинг мақбул ва пухталлигига амин бўлишгач, режа тасдиқланади.

Охири. Боши 5-сонда.

— Уйлайманки, жаноблар,— дейди пировардида Кальтенбруннер,— бу операциянинг биз учун нечоғлиқ муҳимлиги сизга маълум. Фронтларда аҳвол оғир. Шонли кўшинларимиз қаҳрамонларча қаршилик кўрсатаётган бўлсалар-да, ҳозирча чекинмоқдалар... Фюрер махфий хизмат фаолиятдан жуда норози ва биздан қатъий чоралар кўришни талаб қилаётир... Умид қиламизки, мазкур операция рўйбга чиқса, Германиянинг ҳарбий ишлари юришиб кетади, ташаббусни яна кўлга олишимизга имкон туғилади. Отто, агент бизни уялтириб қўймасмикан, ишончингиз комилми?

— У жиддий ишларда синалган. СССРда қўлга тушгудек бўлса, тақдири нима бўлишини ҳам жуда яхши билади.

— У тақдирда планга қатъий риоя этилишини илтимос қиламан. Агентни ҳозирлашга меҳнатни ҳам, пулни ҳам аяманг— иш ўнгидан келса— ҳамма чиқимларни қоплаб кетади. «Панцернкаке» билан олисдан туриб портлатиладиган магнит миналарини қўллашни маъқул кўраман. Душманга булар ҳали маълум эмас. Бу ҳолат агентнинг мушуқлини осон қилади. Худо бизга мадад-кор!

## Гестапо йўл тараддуида

Шу тариқа режа ҳам тасдиқланди. Скорцени, Грейфе ва Краус уни бевосита бажаришга киришдилар. Ушлаб гестапо, СД ва «Абвер» қисмлари турли совет ҳужжатлари, штамп ва муҳрлар, ўлжа олинган кийим-кечак, фронгда ишлатиладиган буюмларнинг намуналарини шошилинч суратда тайёрладилар. «Кўмаки» техник воситалар» эсас бош марказининг бошлиги СС обертурмбанфюрери Бернхард Крюгер сохта ҳужжатлар ясашга шахсан ўзи бошчилиги қилди.

Тавринни Москва остонасига жанговар, хизмат кўрсатган офицер тарзида ташлаш мўлжалланганлигидан унга Совет Армияси майорининг умумқўшин кийими тикиб берилди. Кийимга қаҳрамонлик Олтин Юлдузи ва СССРнинг олий жанговар орденлари қадаб қўйилди. Бу «хизматларни» ҳужжатлар билан тасдиқлаш мақсадида сохта орден дафтари ясалди ва СССР Олий Совети Президиумининг тегишли фармонлари ҳамда қўмондонлик буйруқлари «босилган» газеталардан «кириб олинган» парчалар тайёрланиб, ҳужжатларига тиркалади. Гўё жангда оғир жароҳатланганлигининг исботи сифатида Тавринга мах-

бус хирургик операция қилдиришни зўр бериб тавсия этишдаки, шундай тақдирда, жосуснинг бир оёғи қисқариброк қолган бўларди. Лекин Таврин бунга мутлақо кўнмайди. Топшириқни ба-жариб қайтганидан кейин қайта операцияга ёт-қизиб, оқсоқлигини тузатамиз деб таниқли медицина мутахассислари берган ваъдалар ҳам кор қилмайди. Шундан сўнг уни энг яхши клиникалардан бирида уч ҳафта сақлаб, корни ҳамда чал сонига жарроҳлик нашарти воситасида бомба парчасидан қолганга ўхшатиб чандиқлар яшашида ва буни «совет госпиталлари»нинг справкалари билан «тасдиқлашади».

Совет тупроғида Тавриннинг суриштирилиши ва текширилиши муқаррарлигини назарда тутиб, унинг «хизмат сирларига» шамма қилиб берган дудмал жавобларини ниқобламоқ ва Олий Бош Қўмондон турган жойга ўтиб олишини осонлаштирмоқ учун, жосус 1-Болтикбўйи фронти 39-Армия «Смерш» контрразведка бўлими бошлигининг ўринбосари лавозимига «тайинланади». Кўп машаққатлардан сўнг унга «Смершнинг оператив ходими гувоҳномасини топиб беришга ҳам муваффақ бўлдилар.

Таврин қўнилган ердан Москвага қаршиликсиз ўтиб кетишга имконият туғдирадиган — гўё фронт штабидан берилган, бутун ташқи аломатларидан давлат аҳамиятига эга пакетлиги сезилиб турган— адреси кўрсатилган, гоё махфийлигини билдирувчи штамплари, сурғучли муҳрлари бор махсус конверт олади. «Таврин бу пакетни «махфий юк» (анжом, курол-яроғ, ўқ-дори, рация) билан бирга дарҳол Москвага етказишга ва «Смерш» контрразведкаси Бош бошқармаси бошлигининг ашхан-ўзинга топширишга «вакил этилган».

Лекин раҳбарларнинг фикрича, бу ҳам ҳали камлик қиларди. СССР пойтахтида Тавринга ўзгалар кўмағи асқотиши эҳтимолидан холи эмас эди. Шунинг учун Тавринни, ҳамма ҳоллар назарда тутилиб, беш юздан зиёроқ турли хил ҳужжат ва бланклар — ҳар хил хизмат гувоҳномалари, паспортлар, меҳнат дафтаричалари, командировка қогозлари, отпус билетлари, пул ва озик-овқат аттестатлари, шоферлик рухсатномалари, ҳарбий юк талабномалари, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг дипломлари, туғилиш ҳақиқиди гувоҳномалар, ҳарбий ҳисобдан ўнганлик тўғрисидаги справкalar ва ҳоказолар билан тазминлайдилар. Таврин учун энг яхши мутахассис муҳриорлар ҳарбий, партия, давлат муассасалари ва корхоналарининг юз йигирмадан ортиқ муҳр

ва штампини, милиция бош идорасининг паспортларга босиладиган қаберки муҳри қўл пресслари, Москва почта экспедицияси; дала почтаси ишлатадиган металл штемпеллар ва... ҳатто СССР Олий Совети Президиуми Раисининг фамилиясини шошилинч суратда тайёрлаб беришди.

Сўқасд қилиш восталарига алоҳида эътибор берилди. Гитлерчилар Тавринга унинг «вазифаси» хийла осон ва бетаҳлика кўчишини усталик билан ўқидисалар-да, лекин жосусни муқаррар улимга жўнатётганиликларини яхши билишарди. Лекин бу уларни ҳеч қанча ташвишлантормасди. Таврин сўқасд қилиши ва ҳар қандай сўқасд ўлим билан тугаши лозим — уларга шуниси муҳим эди.

Шу сабабли Тавринга жуда хилма-хил қуроллар — турли система ва калибри бир неча тўп-пача, жумладан, ўқлари қора қопқоғида одам бош суви тасвирланган темир қўтидан олиннадиган саккизотар «Скотт» тўпчанаси; империя хавфсизлиги бош идораси лабораторияларида махсус ясалган реактив қурол — «панцернакк» дан (зирхатар қўл минометининг бир турти) бир жуфт берилди. Жез тўпача ичига беркитилган бу қурол чарм ғилоф кўмағида қўлга таъғилиб, фрэнч ёки шинель енига яшириб қўйиларди. Трубкага электр пиллати кусултири зирхатар-фугас граната жойланганди. Уқ қўл билан отиларди; электр қуввати чўнтақ фонарининг батареячасидан олинарди. Уч юз метр масофадан отилган снаряд қиққ мичилометрдан қалинроқ зирдли деворни тешиб ўтарди.

Тўпчанолар, портловчи ва заҳарли ўқлар ҳамда даҳшатли «панцернакк»дан ташқари, Тавринга муайян частотали радио сигнал ёрдамида олисадан портлатиладиган, ичма, лекин айрон қилиш қуввати зўр магнит миноси ҳам берадилар. Бироқ ҳужжатлар, гоша бланклар, штемпеллар, муҳрлар ва қотиликнинг энг замонавий восталаридан иборат бутун бу дастома, дастлабки босқичда салбий аҳамият касб этиши ва террорчинини ошқор қилиб қўйиб, бутун операцияни бошдаёқ барбод этиши мумкинлигига ҳўжайинларнинг кўзи етарди, албатта. Тавринни Совет Иттифоқи га хавф-хатарсиз ташлашни қандай амалга ошири керак? Террорчининг бевосита фронт чизиғидан ўтиши жуда хатарли: уни тутиб олишлари, ярадор қилишлари, ҳўда ўлдиришлари эҳтимолдан узоқ эмас; парашютда ташлашгудек бўлса, анжомларни етказиш ҳам, кўнилган ердан жосуснинг тез жўнаб кетиши ҳам мушуқуллашди. Шунинг учун империя хавфсизлиги бош бошқармасининг махсус топшириги билан «Мессершмитт» фирмаси ясаган энг янги самолётнинг тажриба нуسخаси — «Арздо-332»дан фойдаланишга қарор қилинади. Самолёт жуда баланддан учиб, советларнинг орқа томонига ўтиши, Вязьма — Ажева районига кўниши, жосусни ва унинг юкларини тушириб, сўнгга базага қайтиши лозим.

Кўнш жойидан дарҳол «гойиб бўлиш», қуролроғ, ўқ-дори, радионосталар ва бошқа буюмларни олиб кетиш учун қажавали «Цундап» маркали кучли мотоцикл танланди. У юк билан соғитга 120 километр тезликда юра оларди.

Берлин билан мунтазам алоқа қилиб туриш учун Таврин портатив радиоузатувачи ҳамда тегишли шифрловчи ва шифрни тушунтирувчи блокнотлар олади.

Тавриннинг совет ерида бўлиши ва сўқасд ҳозирлаш билан боғлиқ ҳаражатлар учун унга 500 миғ сўм ажратилди.

Совет қўшинлари зулуқсиз қудратли зарбалар бераётган бир шароитда, фашистлар фиричка, кун сайин қадри ортиб, катта аҳамият касб этган режа шу йўсин реаллаша борди. Гестапо бошлиқлари кучини ҳам, маблағини ҳам аямдилар.<sup>1</sup> Улар операциянинг барча майда-чўида тафсилотларига назардан қочирмасликка, юз берадиган қийинчилик ва эҳтимол тутилган мушуқликларини қамайтириш, режанинг муваффақиятли бажарилишига замин яратиш учун астойдил интидилар.

## Мақсад ошқор этилди

1944 йилнинг апрелида Тавринни террорчилик қобилияти даражасини жиҳдий текшириш мақсадида Берлинга яна қақришди. Автомобиль фалокетида ҳалок бўлган Грейфе ўрнига тайинланган оберштурмбанфюрер Хенгельгаупт асосий машғулотларни ўтказди.

«Тўла ишонч» вазиятини яратиш ва Тавриннинг «жанговар қайфиятига мўдад беришга интилиб, Хенгельгаупт у билан хизматдан ташқари вақтларда ҳам яқин муносабатда бўлди. Террорчи

оберштурмбанфюрер хонадонига тез-тез меҳмон бўлиб турди. Бу унинг иззат-нафсини қаноатлантирарди. Таврин биринча кундан сўнг ўзига аввалдан таниш бўлган Фриденталга жўнайди, у ерда «панцернакк» ва магнит миналаридан фойдаланишни ўзлаштарди.

Иккинчи ҳартининг охириги кўнаридан бирида Таврин Скорцени ҳузурига ҳозир бўлди. Ундандан узоқ, мутлоқ махфий сўхтаб. Чандики юзун билан одам, ниҳоят, асосий мақсадни ошқор қилади: мудао — Совет Иттифоқи Куролли Кучлари Олий Бош қўмондонини ўлдириш. Таврин буни қўпдан тахминлаб юрарди (унинг қўлига жиммасидаги вазифа «тарихий» аҳамиятга эга эканлигини қайта-қайта шпицштилари бежиз эмас экан-да!) Шундай бўлса ҳам бу ҳабар унинг қалбини темир исканжага олгандек нафаси бўғизга тикилди, чунки Таврин тахминни янглиш бўлиб қиқшидан пичхонан умидвор эди.

Скорцени эса, сўқасдининг асосий, мақбул йўлларини бирма-бир сўзлар, гўё совет аҳолисининг кенг табақалари билан ҳўкумат ўртасида жиҳдий ихтилофлар борлиги ва пул учун улар ҳар қандай жиноятга ҳам тайёр эканликларни, Тавриннинг бе-хавотир яширинишига қўмақлашиш қўлидан келадиган ёт унсурлар керагича топилажаги ҳақида гапирарди.

Таврин устозининг йўл-йўриқларини чурқ этмай тингларди. Лекин ич-ичидан шўбҳаланар; ҳамма тушунтиришлар, йўл-ўриқлар, маслаҳат ва ваъдалар кўнглидаги шўбҳани ариотламасди.

Бироқ ҳеч қандай наҳот йўли йўқ, топшириқдан бош тортиш эса, даҳшатли ва азобли ўлимга рўбарў бўлиш деган гап эди...

Маҳкумлигининг оғир ҳиссини енигиша ҳаракат қилиб, Таврин Скорценининг ҳаддан зиёд умидли тахминларига қўшилишгандек бош иргитиб қўярди.

Асосий «мақсад» муҳокамаси асносида Скорцени Таврин бошқа масалаларга ҳам батафсил тўхталади. Жумладан, Тавринга босқинчилик билан шўғуланувчи «махсус парашютчи-десант группалари» ташлаш ҳамда уларни яшириш учун Москва остонасидан қўлай жойлар ва махфий ўйлар танлаш вазифасини юклайди. Скорцени Австрия ҳўкўдорлари Миклас билан Шушнини ва айникса, Муссолонини ўғирлашни ушбу ишга қиёс қилар, ўзинча ширин хаёлларига берилар эди. У ҳўши бошидан учаётган жосуснинг кўз ўнгида «беҳад қотиллик ва буюқ ўғирликнинг» афсонавий манзараларини чизарди. Тўғри... бу гапларга ўзи ҳам унча ишонмас, лекин шу ёлғон-яқил гаплар худди сириш шўробдек ҳўнук қўелиқдан бир зум бўлса ҳам кўз омиш имконини берарди.

Ригага жўнаш олдидан (тайёргарлиқни батамом «пишитиш» учун) Тавринни яна Власов ҳўзурига олиб боришди.

«Бош қўмондон» хонига «жасорати» йўлида оқ фотиҳа бериб, шошилмаслик, гоят ҳўшёр, сезгир ва эҳтиёт бўлиш ҳақида оталарча насихат қилди: — Едингизда бўлсинки, азиз биродарим Петр Иванович, сизга улус иш топширилган.

Сўхтаб давомида Власов Скорцени Тавринга айтган иккинчи вазифанинг ҳам гоуд муҳимлигини аста эслатиб ўтди.

Кўрсатма, тавсия, маслаҳат ва насихатлар билан обдон пишитилган Таврин Ригага қайтади. Яна маш, яна рўхий тоблаш. Бир неча ҳафта шу зайдда кечади.

Ниҳоят, август бошларида тайёргарлик битган деб топилади. Скорцени маслаҳат билан — Тавринга ёрдамчи тариқасида, аслида эса, советлар ерида унинг юриш-туриши ва хатти-ҳаракатларини тинмай назорат этиш учун — унга ҳамроҳ сифатида Л. Я. Шилловани қўшиб юборишга қарор қилдилар. Бу аёл штурмбанфюрер Краусинг эски, синалган ходими эди.

Аёлни тезда радио ишига ўргатиб, ўша «Смерш» контрразведка бўлимисининг секретари, кичик лейтенант Лидия Яковлевна Шилова номига шўсий гувоҳнома ва бошқа ҳўжатлар ясаб бердилар, ёлғон-яқил гапларни роса ёд олдирди-ла, жўнатишга тайёрладилар. Айни замонда Краус унга, Тавриндан яшириқча, батафсил йўл-йўриқлар беради. Шиллованинг асосий вазифаси нима қилиб бўлса-да, топшириқни бажаришда Тавринни қатий ҳаракат қилишга мажбур этиш эди. Юраги бетламая, кўрқоқлик қилса, сўқасдини атайин кеқитирса, Шилова эслатиш билангина чекланмай қуролни ҳам ишга солиши; Таврин очикдан очик сотқиликни йўлига киргудек бўлса, уни йўқ қилиши; жиноят устида ушласан, совет давлат хавфсизлиги органларини қалғитишга мўжалланган, радиограмма ширфлашининг ўзигагина маълум бўлган бир қанча белгиларидан фойдаланиши лозим эди...

1944 йил август ойининг сўнгиги кўнарларида Скорцени тайёргарлик батамом тугагани ҳақида Кальтенбруннерга рапорт берди. Обергруппен-

фюрер яқин фурсатда Гиммлер операция тўғрисида фюрернинг ўзига маълум қилаганини айтиди ва унинг ижроси учун маълумиятни шахсан Скорцени жиммасига юклайди.

— Билиб қўй, Отто, бу сўнгиги умидимиз. Иш бой берилса... Узиндан қолар гап йўқ, аҳвол сенга аён. Ишимиз орқага кетаётгани фюрернинг тўқатини тоқ қилди, 20 июлдаги сўқасд воқеасидан кейин у ҳар бир одамни душман ва сотқин деб ўйландиған бўлиб қолди. Операция зинҳор барбод этилмаслиги керак.

Чамалда агент ишни илоки борича тез бажариши лозим. Энг сўнгиги мудаат — русларнинг ноҳўр байрами: 8 олтинчида Совет ҳўкуматининг Большой театрга тантанали мажлиси ўтаётганда, ёки эртаси кун, Қизил Майдондаги намойиш пайтида. Бу қанчалик қимматга тушса ҳам... Уқ-дигми, Отто?

1944 йилнинг тўртинчи сентябрь ҳўфтонида «Русланд-Норднинг кўримсиз қул ранг биноси дарвозасидан учта енгил машина чиқди. Зулматини машиналар ниқобланган чирокларининг нурсиз шўваларида ёритиб Риганинг жимсасиз қўчаларини ортада қолдиришчи шўҳар ташқарисига, дала йўлига чиқиб олдилар. Йўл ўзини-чўқур, ҳалқобли, нотекис эди. Шофер машинани секинлатмоқчи бўлган эди, орқа ўриндиқда силкиниб келётган Хенгельгаупт тез юришни буюрди. Краус тез-тез орқага қараб қўярди: изларидан операциянинг асосий широкчиликлари: Таврин билан Шилова тушган машина келарди.

Қиққ минутлардан сўн улар тайинланган манзил — жуда махфий саклаиб, қаттиқ қўриқланаётган «Русланд Норд» дала аэродромига етиб келиб, тўппа-тўғри самолёт ёнига бордилар. Бир неча кўк чирок базур ёритиб турган самолётнинг катталиги кишини ҳайратга соларди. Ун етти метрли сирти булутли қора осмонга тугатиб, қўшилиб кетгандек, тўрт парралки винтлар ўрнатилган моторлари баҳайбат ҳайвонга ёпишган саккизовёк махлуққа ўхшарди.

Экипаж командири ҳамма нарса тахт, самолёт парвозга тайёр, деб хабар қилди. Хенгельгаупт бир-икки оғиз хайр-маъзур сўзлари айтиб хайрланди.

Ниҳоят самолёт ердан енгил кўтарилиб, қора тун қаърида қўздан гоийиб бўлди...

## Мафтункор хоним

...«Кутулиб кетсак бас...».

Мотоцикл дала йўлидан шўбто билан учиб бормоқда. Тонг ёришиб қолган. Рўпарадаги ўрмон муюлиши ортидан уйлар кўринди. Аллақандай қишлоқ, Таврин турган жойини ҳозир аниқлаб олади, кейин — сувга чўккан тошдек зим-гойиб бўлади. У шу ҳавёлдан қўнгли тасқин топиб, руль туққинини маҳкамроқ тутлади, назарида хавф-хатардан қутулгандек...

«Кутулиб кетсак бас...».

Жосусларнинг ҳўжайинлари қаби Таврин билан Шилова ҳам ўз тақдирлари аллақондан ҳал этиб қўйилганлиғидан, уларни худди Смоленск ва Калинин областларни турпоғида кутиб туришганликларидан беҳабар эдилар...

Кальтенбруннер «Арздо-332» кўнадиган жой ва операция ўтказиш муддатларини тасдиқлагандан сал кейин, августдаёқ оберштурмбанфюрер Хенгельгауптнинг ишончли ходимларидан бири чорроқ бўлса-да, файли бир қаҳвахонанинг бекаси жажжонига Зейферт хонимга энг нафис Париж атирлариндан ҳадя қилди. Хоним шодлиқдан қўзига ёш олиб, ҳозир бўлган миқозларнинг қарсаклари остида бахтиёр ҳўшторига қайноқ бўса берди.

Меҳмонлар бека билан хайрлашиб, меҳмоннавоз қаҳвахонадан чиқиб кетишган кеч тунда Зейферт хоним ётқончасини ичидан маҳкам бекийтиб, атир кутучисининг ён қопқоғини ўйиб пиқоқ билан аста очиб пушти ранг шўки тақидан камбар қилган топди. Қогозга қатор-қатор рақамлар ёзилган эди. Қогозининг сўл бурчастига қўйилган кичик белги маълумот ўта муҳимлигини, дарҳол марказга етказиш заруригини аниқларди. Тонгорт соат учда хоним кичик бир тўйункдан нарвон орқали ерости бункерига тушди ва тўлқинга мослаб шифрланган матнини икки қайта эфирга узатди...

«Смерш» контрразведка бош бошқармаси бошлигининг столида эрталаб шифри очилган радиограмма пайдо бўлди.

Бизнинг Берлиндаги группамиз сентябрь бошларида Смоленск ёки Калинин областларининг ўрмон янглиқликларидан бирига ҳар қандай жойга қўна оладиган энг янги хил тунги десант самолёти ёрдамида Совет Армияси офицери қийимийда махсус таълим берилган террорчи жосус ва унинг аёл шериги ташланганини, уларнинг мақсади СССР Куролли Кучлари Олий Бош қўмондо-

<sup>1</sup> Тавриннинг операцияга тайёрлаш учун гестапо қарийб 5 миллион марка маблағ сарфляди.



СССР спорт мастери  
М. МУХИДДИНОВ  
таҳрири остида

ритилгани бежиз эмас, албатта. Бу — одамларнинг ҳар томонлама тақомиллашишга доимо интилиб келганликларини кўрсатади. Уша вақтларда шахматга ўхшаган ақл-идрок ўйинидан ҳам баҳс юритилган бўлса амба эмас.

Мана қирқ беш йилдирки, умумжаҳон шахмат олимпиадалари ўтказиб келинмоқда. Шу кунларда совет гроссмейстерлари бу йил сентябрь ойида Югославияда ўтказиладиган йигирманчи олимпиадага тайёргарлик кўрмондилар. Мутасаддиларнинг айтишларига қараганда, олимпиадада саксонга яқин мамлакатдан 500 нафар гроссмейстер ва мастер иштирок этиши кутилмоқда.

1972 йил 2 март, Москвадаги муҳташам спорт саройларидан бирининг улкан зали байрам тусини олган. Барча иттифоқдош республика вакиллари — 200 дан ортиқ гроссмейстер ва мастер минбарни тўдириб ўтиришди. Булар миллионлаб совет шахматчиларининг сардорлари — СССР биринчи шахмат олимпиадаси финал ўйинларининг иштирокчилари-дирлар. Бу анжумани Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт учувчи, тарихда биринчи марта ўтказилган космос-ер шахмат матчининг иштирокчиларидан бири, хизмат кўрсатган спорт мастери В. И. Севастьянов бошқари. Иштирокчиларни кутлаганлар орасида халқаро шахмат федерациясининг президенти голландиялик профессор Макс Эйве ҳам бор эди.

Олимпиаданинг дастлабки босқич мусобақаларида бир миллиондан зиёд шахматчи иштирок этди. Ярим аср мобайнида совет халқи эришган улкан маданий ютуқлардан бири эди бу! Инки ҳафта давомида нунига салкам юзтадан тахтада мароқли баҳслар ўтиб турди, кўплар орасидан отилиб чиққан маҳоратли ёшлар жаҳон экс-чемпионлари ва машҳур гроссмейстерларни кўрибгина қолмай, баъзи ҳолларда улар билан ҳаман-яна жанг қилиш шарафига ҳам муассас бўлдилар.

Умрбод эсда қоладиган бу урашувларда республикамиздан ўн уч вакил иштирок этди. Вакилларнинг тўққиз учрашувида 108 марта ўйнади. Бу ўйинлар орасида диққатга сазоворлари анчагина. Шулардан икитасини келтираемиз.

Иккинчи мисолда ёш рабиблар ўзаро назарий баҳс юритдилар. Испанча партиянинг Яниш гамбити қўлланган озарбайжонлик Сулаймонов билан Тошўяев учрашувда оқларнинг ўн тўртинчи юришидан сўнг қуйидаги ҳолат юз берди:

## Олимпиада ўйинлари

Дастлабки олимпиада ўйинлари уч минг йил муқаддам ўтказилганлиги маълум. Олимпиада жуда муқаддас ҳисобланган. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, ўшандай кунларда ҳар қандай урушлар тўхтатилган, ҳатто ғароқчилар ҳам йўловчиларга тажовуз қилишдан ўзларини тийганлар. Эрамингача бўлган 444 йилги олимпия ўйинлари программасига шерият, санъат турлари ва фанний билимлар бўйича ҳам мусобақалар ки-

нига суиқасд қилиш эканлигидан огоҳ этарди.

Радиограмма Смоленск ўрмонларида 1944 йил июнда совет контрразведкачилари қўлга туширган бир гуруҳ фашист парашютчиларидан олинган маълумотлар билан таққосланди. Фашистлар десант самолётини тунда қўндиришга яроқли майдон излаш ҳақидаги топшириқни бажараётган эдилар...

Бу икки маълумот бир-бирини тўлдирар эди. Уша кунийқ ҳаво ҳужумига қарши мудофаа кўмондонлиги хабардор қилинди. Смоленск ва Калинин областларидаги чекистларнинг оператив-қидирув хизмати тайёр ҳолатга келтирилди.

Назорат-руҳсат бериш пунктлари, чекистлар ва Совет Армияси солдатлари билан бирга маҳаллий аҳоли иштирокида ўз ўрнини тез ўзгартириб турувчи постлар (автоинспекция, йўл ишчилари ва ўрмончилар сифатида) Ржев ва Вязьма остоналаридаги катта йўлларни тўсиб олдилар. Махсус ажратилган гуруҳлар осмонни туну кун кузата бошладилар. Парашютчилар танлаган қўниш майдончаси районига алоҳида эътибор берилди. Фашистлар майдонча координатларини қўлга тушмасданок эфирга узиштига улгурган эдилар. Бу ерга махсус пистирма қўйилди.

«Арадо» 5 сентябрь ярим тунда баланд булутлар орасидан ерга шўнғиб, сўнгги дақиқада ер асосатидан кўтулмоқ учун тўртала моторининг гузуви билан тунги сукунатни пора-пора қилганда қўлга тушириш штабида шартли радиосигнал янгради.

Энди террорчилар «кутулиб кетишни» қанчалки орзу қилсинлар, мотоцикл қанчалки юзориб-елмасин, кўринмас ҳалқа улар атрофини беомон қисиб келарди.

«Мотоцикл қандайдир бир қишлоқчага кирасолиб, ундан ўтиб кетай-кетай деб охириги уи олдиди шартта тўхтади. Таврин мотоциклдан тушмасдан, айвонга чиққан йигитчадан Ржев йўлини сўрайди. Йигитча уст-бошига пой сачраган нотиқни кишиларга қараб, йўлни шошилмасдан ту-

шунтириб беради. Мотоцикл шартта ўрнидан қўзғалиб муойил ортида кўздан ғойиб бўлади...

Сал вақтдан кейин қўлга тушириш оператив штабига Смоленск областининг Карманов районида Совет Армияси ҳарбий хизматчилари кийимидеги эркак ва аёл йўловчи ўтирган мотоцикл пайдо бўлгани, улар Ржев йўлини суриштиригани ҳақида радиограмма берилди.


Координатлар, жосуларнинг эҳтимол тутилган ҳаракат йўли тез аниқланди, маълумотлар фашист самолёти қўнган жойдан олинган маълумотлар билан таққосланади. «Меҳмонлар»ни қўлга тушириш тадбирлари белгиланди.

## Ҳалокатга маҳқум этилганлар

Террорчиларни тутишга Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги Карманов район бўлимининг чекистлари, ҳарбий комиссарлик офицерлари ва маҳаллий партия-совет активининг вакиллари отландилар. Улар бир неча қидирув гуруҳларига бўлиниб районнинг катта тош йўлларга элтидиган ҳамма йўлларини тўсиб олдилар. Вазифа — террорчиларни топиб, тирик тутиш эди. Фақат тирик ҳолда тутиш керак! Топшириқнинг асл мазмуни, уни бажариш усуллари, совет еридаги жиноий алоқалар ва СССРга ташлаш учун тайёрланган шахслар ҳақида фақат аниқ маълумотлар зарур!


«Йўлни кесиб ўтган чоғроқ бир жарликдан мотоцикл отилиб чиқади. Патруль ва унинг ишорасини кўриб, Таврин мотоциклни истар-истамас тўхтади. Вазиятни эҳтиёткорлик билан чамалайди, лекин дарҳол хотиржам бўлади — қаҳрамонлик Олтин Юлдузи ва «пухта» ҳужжатлари олдида бу тўсиқ писанд эмасди.

Таврин мулойим жилмайиб, уни йўлдан қўй-



1-диаграммадаги вазият молдавлик шахматчи Цинис билан Аъзамов учрашувда, оқларнинг ўн еттинчи юришидан кейин содир бўлган эди. Биринчи қарашда қораларнинг аҳволи ноҳорроқ кўринади. Аслида эса, ундай эмас: ўн етти ёшли вакилимиз буни ишонарли тарзда намоиш қилади:

17. ...Cд4+ 18. Крh1 Крg7 19. Лf3 Фe7 20. Лаf 1f6 21. Лh3 Лh8 22. Фf3 Лh3 23. Фh3 Лh8 24. Фf3 Ce5 25. g3 c5 26. Фg4 Лh8 27. Лf2 Лb4 28. a3 Лd4 29. h4 f5 30. Фh5 Cg3 31. Лg2 gh 32. Лg1 Ce6 33. Лf1 Ld2 ва кейинги юришда оқлар таслим бўлди. Ёш шахматчи Аъзамовнинг ўйини техникиси анча юксаклиги юқоридаги мисолда аққол сезилиб турибди. У олимпиадада 9 имкониятдан 5,5 ютуқча эга бўлди.



14. ...Фf5 15. Ф:h8 cb 16. Ф:h7+ Cg7 17. O—O Kf6 18. Фh3 Kg4 19. d3(19 f3? бўлса, 19... Фc5+!) 19...ed 20. Фf3 Ф:f3 21. gf Ke5 22. cb d2 23. Cd2 K:f3+ 24. Крg2 K:d2 25. Лfд1 C:b2 26. Л:d2 C:a1 27. Лd7+Крf6 28. Л:b7 Л:a2 29. Лb6+Крf5 30. Ла6 Л:a6 31. aа Cd4 32. Крg3 g5 33. f3 Ce5+ 34. Крg2 Cb8 35. h4 gh 36. Крh3. Дур-анг.

Оқларнинг иннала пивдаси бўлма-са ҳам натижа шу бўларди, чунки қора пивданинг фарзига чинадиган хонаси оқ, фил уни назоратга ололмайди.

Бу икки мисолни бафасил кўриб чикинг. Шахматда дабадали комбинациялар билан бир қаторда, нафис юришлар ёрдамида ниҳонсига етказилган ўйинлар ҳам қадрланишини айтиб ўтирмасак ҳам бўлар, деб ўйлаймиз.

масликларини сўрайди: у Москвага жуда зарур ва муҳим пакет билан шошиляпти. Хужжат ва йўл варақасини кўрсатишни сўрашганда куртқасини бамайилхотир ечади ва гимнастёркасининг кўкрак чўнтагидан «Мерш» ходими гувоҳнома-сини олар экан атайин имиллаб, қаҳрамонлик Олтин Юлдузи ва жанговар орденларини патрулларга қўз-қўз қилади.

Наряд бошлиғи шахсий гувоҳнома, командировка тўпириги ва йўл варақасини эътибор билан кўздан кечиради.

— Уртоқ майор! Марҳамат қилиб, авф этасиз, командировкангиз нотўғри расмийлаштирилган, сизни йўлда ва назорат-руҳсат бериш пунктита тутиб ўтиришмасликлари учун мен билан юришигини ва зарур штамп қўйдиришгини сўрайман.

Таврин дастлаб ўзини тугулмай, жуда зарур давлат топширигини бажармоқдаман, вақтим йўқ, деб жол қилади, кейин эсини йиғиб, ортиқча гапсўздан қочиб, патруль изидан уй томон юради.

«Бир зумлик олишув — Таврин қўллари орқасига қайрилган ҳолда, юз берган воқеани тўла идрок эта олмасдан ўзини қурашган одамларга бўзрайиб қараб турарди. Кейин «ўзбошимча»ликка қарши норозилик билдиришчи бўлади-у лекин дарҳол шахиддан тушади: мотоциклдан радиостанция, «панцирник» ва ихчам снарядлар, магнитли радиодуфаслар, турли система ва калибрдаги тўппончалар, 300 дан зиёд ўқ ва гранаталарни келтиришди. Ҳеч нарса ёзилмаган партия билетлари, паспортлар ва ҳарбий, партия, совет муассасалари ҳамда корхоналарининг бир қучоқ турли фил бланкалари, муҳр ва штамплар, металл ҳамда резинка босмахона ҳарфларининг наборлари ва бошқа кўп нарсалар стол устидан жой олади...

Москвага операция муваффақиятли туганганиги ҳақида шошилинч хабар жўнатилади.

# Найматлар

Э, аттанг, бу сафар ҳам редакциядагилар олдиде юзюм шувит бўлдида. Утган сафарну уни-буни баҳона қилиб қутулган эдим,— нап-натта одам яна сўзимнинг устидан чиқолмай ўтирибман. Ваъда бериб бажара олмайдиган кишиларни роса савалаямиз, аммо ўзимизнинг шу ҳолатга тушиб ўтиришимиз расволин-ку!

...Хотинини ишга, болаларни мактаб билан бoғчасига жўнатдим. Енг шимариб энди ёзишга тушган эдим ҳамкин, қўнигроқ жиринглаб қолди. «Оббо», деб эшинки очдим. Рўпарамда гулли чспони устидан чакмоннусаха пальто кийиб олган, қоп кўтарган киши ҳарсиллаб турарди. Эшин очилиши билан у қопни ерга қўйдию илжайди:

— Э, хайрият, уйда экансан, жиян,— у бармогини илмоқ қилиб пешана терини сидирди, сўнг зиналоядан пастрга қараб бақирди:— Маҳмадали, Аҳмадали, келаверинглар, топдим! Бир-бирини нувиб тепага чиқиб келаватган икки болани, уларнинг орқасидан бола кўтарган бир аёлни кўрдим.

— Эрталабдан бери қидирамиз,— деди ҳалиги киши.

Меҳмонларни танимадим, аммо уларнинг қишлоқдан келганликлари яқин эди. Меҳмон кўчоғ очиб келаватганини кўрмай қолибман, мен қўлимни узатиб андан хижолатбозлик бўлди. Аммо хатони дарров тузатиб, бир-биримизни уч мартадан бағримизга босишди. Бу орада пастрдагилар етиб чиқишди.

— Маҳмадали, Аҳмадали, тоғанг билан кўришинглар! — амр қилди ота ва ҳар иккала йигитча бурунларини торта-торта мен билан келиб қўл олишди.

— Жуда балангда чиқиб нетибсизлар-а, пастрондан жой тегмадими? — деди меҳмон уйга кираркан.— Нафасим тиқилга қолди-я.

— Лифтга чиқмабсизлар-да? — дедим.

— Э, лифтингни қаёқдан билайли! Чиқялмиз, чиқялмиз, қани етсан! — деди хотин.

Меҳмонлар жойлашиб ўтиришди. Мен меҳмонни тўрға шунча қўстасам ҳам, «оёғи лой»лигини баҳона қилиб пастронга ўтириб олди. «Бизга шу ер бўлаверади», деб меннинг хижолатлигини тағинам оширди.

Чой устида ҳам суҳбат унча қизи-мади. Мен уларни танибмаганидан гапни нимадан бошлашга қийналардим, меҳмон бўлса уйнинг хижолатларини томоша қилиб ўтирарди.

— Айтгандай, келин кўринмайди? — деб сўраб қолди бир пайт меҳмон.

— Шида,— дедим.

— Ия, ҳали хотиннинг ишлайдими? — деди у ҳайрон бўлиб.— Хотини ишлатиб қўйиб, ўзинг уй поиллар-нансан-да?

— Эскилар айтган-ку: «Лайлининг томмига чиқсам фозлари го-го қилур, эрлари уйда қолиб хотинлари савдо қилур», деб. Ҳозирги замоннинг ёш-

лари шунақа-да,— деб луқма ташлади хотини.

— Ҳа, энди таомил экан,— деди энгагини силаб меҳмон,— ишламаса бўлмайди. Бу ерни шаҳар дейдилар. Оқиб турган сувни ҳам пулга олиб ичганидиган кейин... Тўғриги, жиян? Мени сўрасанг бори-йўри тўр класни тамомлаганман,— деди меҳмон кўрагини кериб.— Мана шу келинбувингга уйланганимда бу ҳам «Ишлайман» деб қиди-биди қилиб юрди. Лекин эркак киши битта хотинни боқолмас эркак бўлиб нима қилади? Гапнинг сирасини айтаялман-да, жиян. Мана, ўқимасан ҳам ризиқимизни териб еб юрибмиз. Бори-йўри қорулман, базанинг моли аввал биздан ортса, кейин магазинга боради. Утган йили анов хумқаллага,— меҳмон кичини ҳақини кўрсатди,— тўй қилдинг, ичинлиги билан ашулачисининг ўзига минг кетди.

Нимадир шатир-шутур этди, кейин яна бир нарс гаупиллаб тушди. Акану меҳмон болалар ўша ёққа кириб кетишган эди.

— Маҳмадали, Аҳмадали, тек ўтиринглар! — деди ўша ёққа қараб отаси.— Жуда иккови ҳам... Ҳалиги хумқалласи бор-ку, жуда китобга ўч. Қўлига нима тушса шариллатиб ўқиб ташлайди. Билмадим, шоир бўладими қизталоқ!.. Ўзингга жўнатаман, тарбияллаб берасан.

Бош силкийману, қулоғим кабинетда. Машинага салга бузиларди, стол устида қўлёмалар бор... Бир амаллаб кабинетга кирдим. Ҳамма ёқ остикустин бўлиб кетибди. Машинанинг ленталари аллақачон чуваланиб кетган. Сивёҳдон ерда — гилмада тўнтариллиб ётди. Нима дейишимни билмасдан лабимни тишладим.

— Анави қилди! — деди каттаси укасини кўрсатиб.

## ҚАДАМЛАРИГА ҲАСАНОТ

— Сизларни тўйга ҳам айтолмадик,— деб узр сўради хотини.

— Ҳечқиси йўқ, бориб қолармиз,— дедим. Аммо уларнинг қайси қариндошимиз эканлигини эслаб олмай хит эдим. «Жиян» дейишига қараганда, тоғаларимга қариндош бўлиши керак. Илгариларга нега кўрмаганман? Нариги қишлоқдан бўлишса керак. Отлари нима экан? Сўрасам уят бўлар. Ҳали Нарима келса танийди. Унинг қариндошларидан бўлишса ҳам ажаб эмас.

Шу пайт кабинетим томондан ёзув машинкасининг чиқ-чиқи эшитилди.

— Ҳо, ўзингиз ағдардингиз,— деди кичини, бамайлихотир сивёқ оқи қўллари билан қалин бир китобни (энциклопедия шекилли) шатир-шутур варақлардан. Кейин панжасининг орқаси билан бурнини артиб менга қаради:— Тоға, манови китобингизни менга берасиз-а?

Орқадан меҳмоннинг товуши эшитилди:

— Уҳ-ҳў, шунча китобнинг ҳаммаси ўзингизникими? Яша-е!.. Энди жиян, бўшимсан? — жавоб беришимни ҳам кутмасдан сўзнда давом этди:— Бизга энди Ташкентни бир томоша қилдир,

жуда бошқача бўлиб кетган дейишарди.

Ноилж экскурсоводлик вазифини ўташга тушдим. Шаҳарнинг катта кўчаларида болалар билан етаклашиб, «Ҳай тўхта, ҳай ўт», қилишиб, магазинна-магазин айлана бошладим. ЦУМ қолмади, «Болалар дунёси» қолмади, бозорлар қолмади. Меҳмонларга зарур нарсаларни тополмадик: дам қимматлик қилди, арзонини эса тоға тушмагур: «Кел, қўй, бунақа нарсалар ўзимизда ҳам сероб, ўшанда олармиз», деб олдирмади. Ҳориб-чарчаб, кеңкурун уйга қайтдим.

Меҳмонларни хотиним ҳам танийлмади. Тахминан Оқ қишлоқдан бўлишса керак, деб хизматини қиларедди. Тоға дурустгина отар эканлар, мен ҳам меҳмонни ранжитгим келмади.

Эртасига меҳмонлар Қўйилга бозорига борадиган бўлишди. Мен у-буни баҳона қилиб қолдим аммо барбир иш битмади: кеңкуруннинг гамини ейиш учун бозорга тушишга тўғри келди. Кечаси меҳмонлар кабинетимда ётишди, яна ишлай олмадим.

Ҳа, айтгандай, шу кун хотиним меҳмонлардан қариндош-уруғларни сурштириб қолди.

— Ана шунақа, қариндош-уруғларни танимай қолсанларда,— деди Уп-калаб тоғамиз.— Ҳў, Дашт қишлоқдаги Умматали оқсоқол сизларга ким бўлади? Бизнинг оталаримиз ўша Умматали оқсоқол билан ана-уанинг болалари бўлишган. Ҳаммамиз битта паландамимиз...

— Худди ажриқнинг томирига ўхшаб чатишиб नेताда-да одамлар,— эрининг гапларини қувватлади келин оёи.

Биз сир бой бермасдан бош силкиб турдик. Аммо ўз хонамизга киргандан кейин шунча ўйлансан ҳам Дашт қишлоқлик Умматали оқсоқолнинг бизга ким бўлишини тополмадик. Чол-кампирлар келишганда сўраб оладиган бўладик.

Усарали тоғамиз (меҳмоннинг исми) шунақа экан! Кечаси шунақани ҳуррак тортарканларни, уйимизни кўчириб юборай дедилар. Эрталабча мижна қоғмай чиндим.

Меҳмонлар тўрт кун туриб, бешинчи кунни йўлга чиқишди. Иззат-хурматларини бамо келтириб, поездга кузатиб қўйдим.

Хотиним йўл-йўлакай уй йиғиштириш кераклигини айтиб жавраб келарди. Мен эса ёзилмаган ҳиломини ўйлардим. У уйни йиғиштиради, мен ҳиломини битираман. Меҳмондорчили ҳам бўлди! Эшиқдан кирасолиб туфлимини ечиш учун энди эгилган ҳам эдимки, йўлакнинг четинда турган катта чамадонга кўзим тушди. Ичкаридан қизим югуриб чинди:

— Ада, меҳмон келди! Меҳмон келди!..

— Қадамларига ҳасанот!..

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

## Йил— ўн икки ой



Июнь — 83 фаслининг тўнчиг оёи. Унинг номин минг-икки миңг йиллар илгари немани (Бобил), ҳазирон (Сурия), юниос (Румо), юния (Кибт), юна

(надимги Миср) деб аталган. Шу наби ранг-баранг исмларни Абу Райҳон Беруний рисолаларида учратиш мумкин. Аҳмад Фарғоний «Йўнўс» деб ишлатган. Латин тилида: юнус.

Июнь ойда Қувш эклиптикнинг Саратон йўдузлар бурми олдидан ўтади. Аникроги, саратон 21 июнда кирарди.

Қувш ҳар кунни борган сари уфнинг шимолроғидан чиқиб, шимолроқ ботади. Кундуз узая боради, тун қисқараверади. Нихот 21 июнда (бу йил кабиса бўлганидан 22 июнда эмас) Ернинг шимолый ярим шарда энг узун кундуз, жанубий ярим шарда эса энг узун тун бўлади. Сўнгра 21 декабрғача кундуз шимолый ярим шарда қисқариб боради. Кундуз

21 июнда 15 соат 11 минут давом этса, 21 декабрда 9 соат 11 минут бўлади, холос. Фарқ роппа-роса — 6 соат (Ташкентда).

Бу йил Қувшнинг ёғи туриш пайти — мана шу 21 июнь, қиши туриши — 21 декабрь. Мирзо Улуғбекнинг шогирди, машхур мунажжим Али Қушчи Қувшнинг ёғи туриш нуқтасини «инқилоби сайфий», қиши туриш нуқтасини «инқилоби шитавий» деб атаган. Дарҳақиқат, шу кунлари Қувш ўз йўлини ўзгартиради. Икнала ҳолда ҳам эклиптика билан экватор орасидаги бурчак камая бошлайди.

21 июнда Ернинг шимолый ярим шарда энг узун кундуз бўлади. Шунингдек, шаҳар ёки қишлоқнинг ге-

ографик кенлиги қанча катта бўлса, яъни шимолроқда жойлашган бўлса, кундуз шунча узун бўлади. Мамлакатимизнинг шимолый районларида «оқ тун»нинг келиб чиқиш сабаби ана шундандир. Янада шимолроқда — кутб доирасида Қувш ботмайди. Шимолый қутбнинг узунда Қувш бу йил 20 мартада чиққан эди. У ҳануз ботгани йўқ. Олти ой осмонда кўриниб, ниҳот 21 сентябрда ботади. Жанубий қутбда эса бунинг акси: ҳозир қоп-қоронғу.

Планеталарнинг кўриниши: Меркурий, Венера, Марс (оқишмда), Юпитер, Уран, Нептун (тун бўйи).

Ой боши — 11 июнь, тўлиной — 26 июнь.

О. ФАЙЗУЛЛАЕВ

# ҚУВНОҚ ХАНДАЛАР

— Ажойиб бир дори ихтиро қилдим-да! Энди унинг қандай дардга даво бўлишини ҳам аниқласам, марра меники!

\*\*\*

— Менга қаранг, магазин мудиримисиз? Уғлимни конфетга юборган эдим. Тортиб кўрсам — икки кило эмас, бир кило чиқди. Шунча уриб қоласизми, оғайни?

— Конфетни-ку тортиб кўрибсиз, ўглингизни ҳам тортиб кўрдингизми?

\*\*\*

— Институтни битиргандан кейин ким бўласан?

— Чол бўлсам керак.

\*\*\*

— Кеча «севаман» деган эдингиз, бугун танимай ўтасиз?

— Авф эдинг, муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади.

\*\*\*

— Кечирасиз, мен сизни ўтган йили Андижонда кўрмаганмидим?

— Йўқ, мен Андижонга борган эмасман.

— Гап шунда-да, мен ҳам борган эмасман. Демак, бошқа шаҳар бировлар учрашишган экан шекилли.

\*\*\*

— Бошлигимнинг кабинетига шартта кириб бордим-да, столага бир мушт урдиму бурилиб чиқиб келавердим!

— Юрагингизга қойилман! Бошлигингиз нима деди?

— Кабинетига йўқ экан-да...

К

## ИЖИР-НИКОЛА

Аравани шундай олиб қочадими, ракета миниб ҳам етолмайсан.

Ёнмай куйдиради чирогои кўрмагур.

Бедана уриштираман деб, ҳарф уриштирмой қолган.

Нўноқ шоир: «О! Тасвирингга ожизман!»

Шеър оригинал чиқмаса, таржима қилдингиз.

Хўранда! Ресторанга соат эмас, календарь тақиб бор.

## ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

### НОМСИЗ ПАРРАНДА

Грузия олимлари товуқ туҳумининг оқи ўрнинг кўрға туҳумининг оқини жойлаш йўли билан дурагай парранда жўжаси олишга муваффақ бўлдилар. Бу парранданинг ҳозирча номи йўқ. Унинг вази товуқникидан икки-уч баробар ортиқ. Ўзи иссиқ-совуққа ва ҳар хил касалликларга чидамли.

### «ГИДРОГЕОЛОГ» УСИМЛИКЛАР

Орол денгизи соҳилларидаги йнгирма хил усимликнинг ажойиб ху-


сусятлари аниқланди. Бу усимликлар ер ости сувларининг ҳолатини, таркибини аниқлашга ёрдам беради. Масалан, чий, қумқамиш сингари усимликлар бор жойда сизот сувлари албатта чучук бўлади. Улар чорвачиликни қаерларда ривожлантириш мумкинлигини аниқлашда жуда кўл келади.

### САҲРОДА ЭВКАЛИПТ

Олимлар араб саҳроларида галати бир тажриба ўтказдилар. Ўн беш гектарча қақроқ ер сатҳини юпқа каучук парда

билан қоплаб, усти очиқ чуқурчаларга 60 минг эвкалипт дарахти ўтказдилар. Гибё ҳам ундамайдиган саҳрода жуда сувталаб азиям дарахтлар яшнаб кўнарди. Каучук пардаси ернинг намини сақлаб, дарахт томирларининг тез ривожланишига ёрдам беради экан.

Бу тажриба кўп мамлакатларда қизиқиш тугдирибди. Ҳозир Жазаир, Тунис, Марош, Мали, Ливия, Чад сингари давлатлар саҳро жазираме-сига қарши курашда шу янги усулни қўллаш учун ёрдам сўраб, БМТга мурожаат қилдилар.



## КРОССВОРД

**Бўйбоқ:** 1. Кун. 2. Дарахт. 3. Дувё томони. 4. Республикадаги шаҳар. 6. Дарё. 8. Газлама. 9. Қурол. 13. Ой. 14. Космонавт. 18. Саҳро «немаси». 19. Фасл. 22. Қуш. 23. М. Горький ҳикоясининг қаҳрамони. 24. Металл. 28. Н. Островский асарининг персонажи. 29. Ёлғиз. 33. Музика асосби. 34. Ўқимишли киши.

**Энига:** 5. Шарқ адабиётининг машҳур асари. 7. Фаолит. 10. Дон. 11. Янги киши. 12. Нем. 15. Қариб денгиздаги давлат. 16. Ҳашарот. 17. Ранг. 20. Спорт тури. 21. Фан. 25. Пойафзал. 26. Саҳна асари. 27. Машҳур роман. 30. Адабий жанр. 31. РСФСРдаги дарё. 32. Қуш. 35. Бухородаги нишлоқ. 36. Заҳарли модда.

Тузувчи **Мурод ПУЛАТОВ**

Жомбой

### 5-СОНДА БОСИЛГАН «МАТБУОТ ЧАЙВОРДИ»НИНГ ЖАВОБИ

1. Мақола. 2. Адабиёт. 3. Таҳрир. 4. Редактор. 5. Рубрика. 6. Автор. 7. Ри-сола. 8. Абзац. 9. Цитография. 10. Янгилик. 11. Китоб. 12. Босмаҳона. 13. Ав-лоний. 14. Йилнома. 15. Адиб. 16. Воб. 17. Баёнот. 18. Табақ. 19. Қалам. 20. «Муштум». 21. Мухбир. 22. Расм. 23. Матн. 24. Номер. 25. Репортаж. 26. Журнал. 27. Луғат. 28. Таржимон. 29. Нунта. 30. Архив. 31. Верста. 32. Асар. 33. Ротация. 34. Яшин. 35. Наер. 36. Роман. 37. Нашриёт. 38. Талант. 39. Тарғибот. 40. Таҳаллус. 41. Сурат. 42. Тема. 43. Ахборот. 44. Туёқ. 45. Қо-мус. 46. Саҳифа. 47. Аруз. 48. Зиб. 49. Ёзувчи. 50. Ижод. 51. Дафтра. 52. Радио. 53. Фард. 54. Дарак. 55. Котиб.

### МУҚОВАЛАРДА

Биринчи бет: Пишиқчилек.

Иккинчи бет: Андижондаги Октябрь хибони.

Учинчи бет: Чорвоқ сув омбори.

Тўртинчи бет: ЎзССР Енгил саноат министрлигига қарашли Тош-кент Либослар уйининг янги кийим нусхалари.

**Б. МИЗРОХИН** фотоэюди

**С. БЕЗНОСОВ** фотоси

**А. ВАНШТЕЙН** фотоси

**Б. МИЗРОХИН** фотоси

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиль РУЗИБОВ (бош расом), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, ЯШИН.


«Гулистон» — общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор Т. БАҲРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адресимиз: 700000. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 28-уй. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул сек-ретарь — 33-35-90; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-19; фан ва маданият бўлими — 33-35-19; расомлар бўлими — 33-36-59.

Босмаҳонага таширилди 29/IV-72 й. Босишга рухсат этилди 8/VI-72 й. Қорғо 70 × 108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Ҳажми 4 босма тобоқ. Вуюртма 466. Тиражи 183332. Нашр. В-3464. Р-09461.




ЯНГИ  
ЛИБОСЛАР

Баҳоси 30 тийин.

Индекс 75233.



ЯНГИ  
ЛИБОСЛАР



ЯНГИ  
ЛИБОСЛАР



